

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАРИ
ТЎПЛАМИ**

**1-2-сон
(37-38)**

2013 й.

«Ўзбекистон Республикасининг Халқаро шартномалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 25-моддасига ва «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 августдаги ПҚ-1602-сонли қарорига мувофиқ «Ўзбекистон Республикаси Халқаро шартномалари тўплами»да Ўзбекистон Республикасининг кучга кирган халқаро шартномалари расман чоп этилади.

В соответствии со статьей 25 Закона Республики Узбекистан «О международных договорах Республики Узбекистан» и постановлением Президента Республики Узбекистан от 23 августа 2011 года № ПП-1602 «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Министерства юстиции Республики Узбекистан» в «Сборнике международных договоров Республики Узбекистан» официально публикуются вступившие в силу международные договоры Республики Узбекистан.

МУНДАРИЖА — СОДЕРЖАНИЕ

**КЎП ТОМОНЛАМА ШАРТНОМАЛАР —
МНОГОСТОРОННИЕ ДОГОВОРЫ**

Соглашение о Совете по туризму государств — участников Содружества Независимых Государств (Ашхабад, 30 мая 2012 года) 4

**ИККИ ТОМОНЛАМА ШАРТНОМАЛАР —
ДУВОСТОРОННИЕ ДОГОВОРЫ**

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Корея Республикаси Ҳукумати ўртасида туризм соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида Битим (2012 йил 20 сентябрь, Сеул) 10

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Хитой Халқ Республикаси Ҳукумати ўртасида Ҳамкорлик бўйича ўзбек-хитой ҳукуматлараро кўмитасини ташкил этиш тўғрисида 2011 йил 26 октябрдаги Битимга қўшимча киритиш тўғрисида Протокол (2013 йил 31 январь, Тошкент)	14
Протокол о внесении дополнения в Соглашение между Правительством Республики Узбекистан и Правительством Китайской Народной Республики о создании Узбекско-китайского межправительственного комитета по сотрудничеству от 26 октября 2011 года (Ташкент, 31 января 2013 года)	15
Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Сингапур Республикаси Ҳукумати ўртасида дипломатик паспортлар эгаларини виза талабларидан ўзаро озод қилиш тўғрисида Битим (2012 йил 3 апрель, Тошкент)	16
Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси билан Россия Федерацияси Табиий ресурслар ва экология вазирлиги ўртасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида Битим (2013 йил 11 апрель, Москва)	20
Соглашение между Государственным комитетом Республики Узбекистан по охране природы и Министерством природных ресурсов и экологии Российской Федерации о сотрудничестве в области охраны окружающей среды (Москва, 11 апреля 2013 года)	23
Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Хитой Халқ Республикаси Ҳукумати ўртасида ўсимликлар карантини ва муҳофазаси бўйича ҳамкорлик тўғрисида Битим (2012 йил 6 июнь, Пекин)	27
Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Хитой Халқ Республикаси Ҳукумати ўртасида ҳайвонлар соғлиғини муҳофаза қилиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида Битим (2012 йил 6 июнь, Пекин)	31
Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Россия Федерацияси Ҳукумати ўртасида 2013 — 2017 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик Дастури (2013 йил 13 апрель, Москва)	36
Программа экономического сотрудничества между Правительством Республики Узбекистан и Правительством Российской Федерации на 2013 — 2017 годы (Москва, 13 апреля 2013 года)	38
Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Россия Федерацияси Ҳукумати ўртасида маданий-гуманитар ва илмий-техникавий соҳаларда 2013 — 2015 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик Дастури (2013 йил 15 апрель, Москва)	40
Программа сотрудничества между Правительством Республики Узбекистан и Правительством Российской Федерации в культурно-гу-	

манитарной и научно-технической сферах на 2013 — 2015 годы (Москва, 15 апреля 2013 года)	44
Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Ирландия Ҳукумати ўртасида икки ёқлама солиқ солинишига йўл қўймаслик ҳамда даромад ва мол-мулк солиғини тўлашдан бош тортишнинг олдини олиш тўғрисида Конвенция (2012 йил 11 июль, Дублин)	48
Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Ҳиндистон Республикаси Ҳукумати ўртасида Жавахарлал Неру номидаги Ўзбек-Ҳинд ахборот технологиялари марказини модернизациялаш тўғрисида Англашув Меморандуми (2013 йил 22 май, Тошкент)	69
Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Чехия Республикаси Ҳукумати ўртасида хаво қатнови тўғрисида Битим (2011 йил 8 ноябрь, Тошкент)	73
Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги билан Қозоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ўртасида ҳамкорлик тўғрисида Битим (2013 йил 14 июнь, Тошкент)	92
Соглашение о сотрудничестве между Министерством внутренних дел Республики Узбекистан и Министерством внутренних дел Республики Казахстан (Ташкент, 14 июня 2013 года)	98
Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги билан Қозоғистон Республикаси Маданият ва ахборот вазирлиги ўртасида маданият соҳасида 2013 — 2015 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик Дастури (Тошкент, 2013 йил 14 июнь)	105
Программа сотрудничества между Министерством по делам культуры и спорта Республики Узбекистан и Министерством культуры и информации Республики Казахстан в области культуры на 2013 — 2015 годы (Ташкент, 14 июня 2013 года)	110

КЎП ТОМОНЛАМА ШАРТНОМАЛАР — МНОГОСТОРОННИЕ ДОГОВОРЫ

СОГЛАШЕНИЕ

**о Совете по туризму государств — участников
Содружества Независимых Государств**

Ашхабад, 30 мая 2012 года

*Постановление Президента Республики Узбекистан
от 13 декабря 2012 года № ПП–1879**

*(Вступило в силу для Республики Узбекистан
13 января 2013 года)*

Правительства государств — участников Содружества Независимых Государств, именуемые в дальнейшем Сторонами, в целях реализации Соглашения о сотрудничестве в области туризма от 23 декабря 1993 года, придавая большое значение дальнейшему развитию сотрудничества в области туризма,

стремясь к координации взаимодействия по основным направлениям туристской деятельности,

осознавая, что развитие такого сотрудничества отвечает интересам народов государств — участников Содружества Независимых Государств,
согласились о нижеследующем:

Статья 1

Стороны для координации сотрудничества в области туризма создают Совет по туризму государств — участников Содружества Независимых Государств (далее — Совет) из руководителей соответствующих органов государственной власти государств — участников СНГ.

Статья 2

Совет рассматривает концептуальные вопросы, определяет приоритетные направления и формы сотрудничества в области туризма, вносит в установленном порядке на рассмотрение Совета глав правительств СНГ предложения, направленные на решение конкретных задач в области туризма.

* Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2012 г., № 50, ст. 556.

Статья 3

Совет осуществляет свою деятельность на основе Положения о Совете по туризму государств — участников Содружества Независимых Государств, которое является неотъемлемой частью настоящего Соглашения.

Статья 4

Настоящее Соглашение не затрагивает прав и обязательств каждой из Сторон, вытекающих для нее из других международных договоров, участником которых является ее государство.

Статья 5

По согласию Сторон в настоящее Соглашение могут быть внесены изменения и дополнения, являющиеся его неотъемлемой частью, которые оформляются соответствующим протоколом.

Статья 6

Спорные вопросы между Сторонами, возникающие при применении и толковании настоящего Соглашения, решаются путем консультаций и переговоров заинтересованных Сторон или посредством другой согласованной Сторонами процедуры.

Статья 7

Настоящее Соглашение вступает в силу по истечении 30 дней с даты получения депозитарием третьего уведомления о выполнении подписавшими его Сторонами внутригосударственных процедур, необходимых для его вступления в силу.

Для Сторон, выполнивших внутригосударственные процедуры позднее, настоящее Соглашение вступает в силу по истечении 30 дней с даты получения депозитарием соответствующих документов.

Статья 8

Настоящее Соглашение после его вступления в силу открыто для присоединения любого государства путем передачи депозитария документа о присоединении.

Для государства — участника СНГ настоящее Соглашение вступает в силу по истечении 30 дней с даты получения депозитарием документа о присоединении.

Для государства, не являющегося участником СНГ, настоящее Соглашение вступает в силу по истечении 30 дней с даты получения депозитарием последнего уведомления о согласии подписавших его или присоединившихся к нему государств на такое присоединение.

Статья 9

Настоящее Соглашение заключается на неопределенный срок. Каждая из Сторон вправе выйти из настоящего Соглашения, направив депозитарию письменное уведомление о таком своем намерении не позднее чем за 6 месяцев до выхода и урегулировав финансовые и иные обязательства, возникшие за время действия Соглашения.

Совершено в городе Ашхабаде 30 мая 2012 года в одном подлинном экземпляре на русском языке. Подлинный экземпляр хранится в Исполнительном комитете Содружества Независимых Государств, который направит каждому государству, подписавшему настоящее Соглашение, его заверенную копию.

(подписи)

ПРИЛОЖЕНИЕ

к Соглашению о Совете по туризму
государств — участников Содружества
Независимых Государств от 30 мая
2012 года

ПОЛОЖЕНИЕ

о Совете по туризму государств — участников Содружества Независимых Государств

І. Общие положения

1.1. Совет по туризму государств — участников Содружества Независимых Государств (далее — Совет) создан в целях реализации Соглашения о сотрудничестве в области туризма от 23 декабря 1993 года (далее — Соглашение), расширения и укрепления международных туристских связей государств — участников СНГ и мирового сообщества.

Совет является органом отраслевого сотрудничества СНГ в области туризма и призван организовывать и координировать исполнение решений, принятых Советом глав государств, Советом глав правительств, Советом министров иностранных дел и Экономическим советом СНГ.

1.2. Основной задачей Совета является содействие развитию равноправного и взаимовыгодного сотрудничества в области туризма по линии государственных органов, национальных, региональных, международных и других туристских организаций.

1.3. Совет в своей деятельности руководствуется Уставом Содружества Независимых Государств, договорами и решениями, принятыми в рамках Содружества, и настоящим Положением.

Совет подотчетен в своей деятельности Совету глав правительств СНГ.

Свою работу Совет организует на основе разработанных и утвержденных им планов.

1.4. Совет взаимодействует с Исполнительным комитетом СНГ, другими органами Содружества, при необходимости — с секретариатами международных организаций, а также органами государственной власти государств — участников СНГ.

Совет ежегодно предоставляет в Исполнительный комитет СНГ информацию о своей деятельности.

1.5. Отчет о работе Совета рассматривается в установленном порядке на заседаниях Совета глав правительств, Совета министров иностранных дел, Экономического совета СНГ, Совета постоянных полномочных представителей государств — участников Содружества при уставных и других органах Содружества, а также Комиссии по экономическим вопросам при Экономическом совете СНГ.

1.6. Совет формируется из руководителей органов государственной власти в области туризма государств — участников СНГ. При направлении на заседание Совета лица, заменяющего члена Совета, его полномочия должны быть подтверждены. В состав Совета с правом совещательного голоса могут входить руководитель секретариата Совета, а также представитель Исполнительного комитета СНГ.

В состав Совета на основе соответствующих договоров могут входить представители органов государственной власти в области туризма государств, не являющихся участниками СНГ, разделяющих цели и задачи Совета, с правом совещательного голоса.

II. Функции Совета

Совет в рамках своей компетенции выполняет следующие функции:

2.1. Изучение тенденций и перспектив сотрудничества в области туризма по линии государственных органов, национальных, региональных, международных и других туристских организаций.

2.2. Анализ хода реализации Соглашения, других международных договоров о сотрудничестве в области туризма, разработка и реализация совместных программ развития туризма.

2.3. Содействие в разработке и реализации национальных программ по развитию туризма.

2.4. Содействие межгосударственному сотрудничеству в области подготовки научных и научно-педагогических кадров, обмена и повышения квалификации специалистов в области туризма.

2.5. Содействие в привлечении инвестиций для развития туризма в целях создания туристической инфраструктуры и качественного сервиса на основе международных стандартов.

III. Права Совета

Для осуществления своей деятельности Совет имеет право:

3.1. Запрашивать у соответствующих органов государств — участников СНГ информацию, необходимую для выполнения своих задач, а также информацию о выполнении решений Совета.

3.2. Создавать при необходимости комиссии и рабочие группы из числа членов Совета и привлеченных специалистов для решения вопросов деятельности Совета и реализации Соглашения.

3.3. Совет в пределах своей компетенции принимает решения и рекомендации, а в необходимых случаях вносит предложения в установленном порядке на рассмотрение Совета глав правительств СНГ.

IV. Организация и порядок работы Совета

4.1. Заседания Совета проводятся по мере необходимости, но не реже одного раза в год и признаются правомочными, если в них принимает участие не менее половины членов Совета.

Место проведения очередного заседания определяется по предварительной договоренности членов Совета.

Внеочередное заседание Совета может созываться по инициативе любого государства — участника СНГ.

4.2. Председательство в Совете осуществляется поочередно каждым государством — участником СНГ в лице его представителя в порядке русского алфавита названий государств — участников СНГ, как правило, в течение одного года.

Предшествующий и последующий председатели Совета являются его сопредседателями. В случае временного отсутствия председателя Совета его обязанности возлагаются на одного из сопредседателей.

4.3. Председатель организует работу Совета, представляет Совет на заседаниях Совета глав государств, Совета глав правительств и других органов Содружества Независимых Государств по вопросам, связанным с деятельностью Совета.

4.4. Решения Совета принимаются простым большинством голосов его членов, присутствующих на заседании. Члены Совета, не согласные с его решением, могут выразить особое мнение, которое вносится в протокол заседания.

Решения Совета имеют рекомендательный характер.

4.5. В заседаниях Совета по его решению могут принимать участие в качестве наблюдателей представители заинтересованных министерств и ведомств, национальных туристских организаций и ассоциаций государств — участников СНГ, а также международных организаций.

4.6. Организационно-техническое и информационное обеспечение деятельности Совета осуществляется его секретариатом.

Функции секретариата возлагаются на орган государственной власти в

области туризма, руководитель которого председательствует в Совете, совместно со структурным подразделением Исполнительного комитета СНГ.

Руководителем секретариата Совета является представитель органа государственной власти государства, председательствующего в Совете, а заместителем руководителя секретариата — представитель Исполнительного комитета СНГ.

4.7. Расходы, связанные с финансированием проведения заседаний Совета, осуществляются за счет соответствующих органов государственной власти принимающего государства — участника СНГ. Расходы на командирование членов Совета и участников заседания осуществляются направляющими органами государственной власти и организациями государств — участников СНГ.

ИККИ ТОМОНЛАМА ШАРТНОМАЛАР — ДВУСТОРОННИЕ ДОГОВОРЫ

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Корея
Республикаси Ҳукумати ўртасида туризм соҳасида
ҳамкорлик қилиш тўғрисида
БИТИМ**

2012 йил 20 сентябрь, Сеул

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил
3 январдаги ПҚ–1901-сон қарори билан тасдиқланган**

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Корея Республикаси Ҳукумати (кейинги ўринларда «Томонлар» деб аталувчилар),

икки мамлакат ўртасида туризм соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш ва мустаҳкамлашни истаб,

икки мамлакатнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожланишида туризмнинг муҳим аҳамиятга эга эканлигини эътиборга олиб,

туризм соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантиришнинг икки мамлакат халқлари ўртасида дўстона муносабатларни мустаҳкамлашдаги аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда,

қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:

1-модда Мақсадлар

1. Томонлар туризм орқали тенглик ва ўзаро манфаат асосида икки мамлакатнинг иқтисодиёти, маданияти, табиатининг диққатга сазовор жойлари, тарихий ёдгорликлари ва миллий анъаналари борасида ўз халқлари ўртасидаги ҳамжихатликни қўллаб-қувватлаш учун туризм соҳасидаги ҳамкорликнинг ривожланишига ёрдам кўрсатадилар.

2. Томонлар сайёҳлар алмашинувини ошириш мақсадида ўз мамлакатларининг туризм соҳасидаги муассаса ва ташкилотлари, шу жумладан туризм соҳасидаги давлат органлари, сайёҳлик агентликлари ва туризм билан боғлиқ бошқа ташкилотлар ўртасида ҳамкорлик ва дўстона муносабатларни ҳам қўллаб-қувватлайдилар.

3. Мазкур Битим доирасидаги барча тадбирлар Томонларнинг миллий қонунчилигига ва икки давлат иштирокчилари бўлган халқаро шартномаларга мувофиқ амалга оширилади.

* Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил, 1-сон, 4-модда.

2-модда

Ҳамкорлик соҳалари

Томонлар туризм соҳасига инвестициялар киритиш, меҳмонхоналар ва бошқа сайёҳлик инфратузилмаси объектларини яратиш, меҳмонхона бошқаруви ва тиббий туризм, кулинар туризм, маданий туризм, табиат туризми, барқарор туризм каби ва Томонлар ўртасида келишилган туризмга тааллуқли ҳар қандай бошқа соҳаларда икки томонлама ҳамкорликни кенгайтиришни қўллаб-қувватлайдилар.

3-модда

Маълумот алмашиш

Томонлар туризм билан боғлиқ тажриба, статистика, материаллар ва тадқиқотлар тўғрисида маълумотлар билан алмашишга ёрдам кўрсатадилар.

4-модда

Халқаро тадбирлар

Ҳар бир Томон бошқа Томон вакилларининг ўз ҳудудида ўтказиладиган халқаро туристик кўргазмалар, семинарлар ва конференцияларда иштирок этишига, шунингдек халқаро туристик ташкилотлар томонидан ўтказиладиган тадбирларда биргаликда иштирок этишига ёрдам кўрсатади ва уларни рағбатлантиради.

5-модда

Халқаро ташкилотлардаги ҳамкорлик

Томонлар халқаро туризм соҳасида икки томонлама ҳамкорликни, шу жумладан туризм бўйича халқаро ташкилотларда иштирок этиш ва ҳамкорлик қилишни ривожлантирадилар.

6-модда

Ўқув машғулотлари

Томонлар туризмнинг турли соҳаларида мутахассислар тайёрлашда маълумот ва тажриба алмашишни қўллаб-қувватлайдилар, шунингдек туризм йўналишидаги талабалар ва экспертлар алмашинувига ва туризм соҳасидаги кадрларнинг қобилияти ва малакасини оширишга қаратилган семинарларни ташкил этишга ёрдам кўрсатадилар.

7-модда

Туризмни илгари суриш

Томонлар бошқа мамлакатлардан сайёҳларни жалб қилиш учун икки давлатнинг туризм соҳасидаги ваколатли органлари ўртасида ҳамкорликни қўллаб-қувватлайдилар.

8-модда **Қўшма қўмита**

1. Мазкур Битимни амалга оширишни енгиллаштириш ҳамда Томонлар, икки мамлакатнинг туризм соҳасидаги ваколатли органлари ва бошқа тегишли ташкилотлари ўртасида фикр алмашиш мақсадида Томонлар ваколатли органлар ва тегишли давлат ташкилотларининг тенг сондаги вакилларида иборат Қўшма қўмита (кейинги ўринларда «Қўмита») тузишлари мумкин.

2. Қўмита Томонлар ўртасида ўзаро келишилган муддатларда вақти-вақти билан мажлислар ўтказди.

3. Қўмита Томонларнинг тегишли миллий қонунчилигига мувофиқ ўзининг иш тартибини белгилайди.

4. Томонлар Қўмита мажлисларида иштирок этиш учун туризм соҳасидаги давлат органлари ва хусусий ташкилотлар вакилларини таклиф этиш юзасидан ўзаро келишиб олишлари мумкин.

9-модда **Маълумотларни ҳимоя қилиш**

Ҳар бир Томон бошқа Томондан махфий сифатида олинган маълумотларнинг хавфсизлигини таъминлайди ва бундай маълумотларни ушбу бошқа Томоннинг ёзма розилигисиз учинчи томонга тақдим этмайди.

10-модда **Масъул органлар**

Томонлар мазкур Битимни амалга ошириш учун қуйидаги органларни масъул этиб белгилайдилар:

Ўзбек томонидан — Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги;

Корейс томонидан — Корейя Республикаси Маданият, спорт ва туризм вазирлиги.

11-модда **Низоларни ҳал этиш**

Мазкур Битимни талқин қилиш ёки амалга оширишда юзага келадиган ҳар қандай низолар маслаҳатлашувлар ва музокаралар воситасида ҳал этилади.

12-модда **Тузатишлар**

Мазкур Битимга Томонларнинг ўзаро келишуви асосида ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши мумкин. Ҳар қандай шундай тузатишлар мазкур Битимнинг 14-моддасида назарда тутилган тартибда кучга кириб, мазкур Битимнинг ажралмас қисми ҳисобланувчи протоколлар билан расмийлаштирилади.

13-модда
Бошқа шартномалар

Мазкур Битим икки мамлакатнинг улар иштирокчиси бўлган халқаро шартномалардан келиб чиқувчи ҳуқуқ ва мажбуриятларига дахл қилмайди.

14-модда
Кучга кириши, амал қилиш муддати ва тўхтатилиши

1. Томонлар мазкур Битимнинг кучга кириши учун зарур бўлган давлат ички процедураларининг бажарилгани тўғрисида бир-бирларини ёзма шаклда дипломатик каналлар орқали хабардор қиладилар. Мазкур Битим охириги хабарнома санасидан бошлаб кучга киради ва Томонлардан бири ўзининг мазкур Битимнинг амал қилишини тўхтатиш мақсади тўғрисида бошқа Томонни ёзма шаклда хабардор қилгунига қадар ўз кучида қолади. Мазкур Битимнинг амал қилиши шундай хабарнома санасидан бошлаб тўқсон (90) кундан кейин тугатилади.

2. Мазкур Битим кучга кирган санадан бошлаб 1995 йил 16 февралда имзоланган Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Корея Республикаси Ҳукумати ўртасида сайёҳлик соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида Ўзаро тушуниш Меморандумининг амал қилиши тугатилади.

3. Агар Томонлар ўртасида бошқача тарзда келишилган бўлмаса, мазкур Битим амал қилишининг тугатилиши амалдаги қўшма тадбирларнинг ҳақиқийлиги ёки давом этишига таъсир кўрсатмайди.

Барчасини тасдиқлаган ҳолда, қуйида имзо чекувчилар ўзларининг тегишли ҳукуматлари томонидан белгиланган тартибда берилган ваколатлари доирасида мазкур Битимни имзоладилар.

Сеул шаҳрида 2012 йил 20 сентябрда ҳар бири ўзбек, корейс ва инглиз тилларида бўлган икки нусхада тузилди, бунда барча матнлар бир хил кучга эга.

Мазкур Битим қоидаларини талқин қилишда ихтилофлар юзага келганда инглиз тилидаги матн устувор ҳисобланади.

(имзолар)

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Хитой Халқ
Республикаси Ҳукумати ўртасида Ҳамкорлик бўйича ўзбек-хитой
ҳукуматлараро қўмитасини ташкил этиш тўғрисида 2011 йил
26 октябрдаги Битимга қўшимча киритиш тўғрисида
ПРОТОКОЛ***

2013 йил 31 январь, Тошкент

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Хитой Халқ Республикаси Ҳукумати, кейинги ўринларда Томонлар деб аталувчилар,

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Хитой Халқ Республикаси Ҳукумати ўртасида Ҳамкорлик бўйича ўзбек-хитой ҳукуматлараро қўмитасини ташкил этиш тўғрисида 2011 йил 26 октябрдаги Битимнинг 7-моддасига мувофиқ (кейинги ўринларда «Битим»),

қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:

1-модда

Битимнинг 4-моддаси 1-банди қуйидаги «ж» кичик банди билан тўлдирилсин:

«Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ҳамкорлик бўйича кичик қўмита Ўзбек томонидан ваколатли ташкилот: Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги;

Хитой томонидан ваколатли ташкилот: Қишлоқ хўжалиги вазирлиги».

2-модда

Ушбу Протокол имзоланган кундан кучга кириши ва Битимнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Ушбу Протоколнинг амал қилиш муддати Битимнинг амал қилиш муддати билан бир хил.

Тошкент шаҳрида 2013 йил 31 январда ҳар бири ўзбек, хитой ва рус тилларида бўлган икки асл нусхада тузилди, бунда барча матнлар бир хил кучга эга.

(имзолар)

* Имзоланган кундан кучга кирган.

ПРОТОКОЛ

о внесении дополнения в Соглашение между Правительством Республики Узбекистан и Правительством Китайской Народной Республики о создании Узбекско-китайского межправительственного комитета по сотрудничеству от 26 октября 2011 года*

Ташкент, 31 января 2013 года

Правительство Республики Узбекистан и Правительство Китайской Народной Республики, далее именуемые Сторонами, в соответствии со статьей 7 Соглашения между Правительством Республики Узбекистан и Правительством Китайской Народной Республики о создании Узбекско-китайского межправительственного комитета по сотрудничеству от 26 октября 2011 года (далее — «Соглашение»)

согласились о нижеследующем:

Статья 1

Пункт 1 статьи 4 Соглашения дополнить подпунктом «ж» следующего содержания:

«Подкомитет по сотрудничеству в области сельского хозяйства:

компетентная организация с узбекской стороны: Министерство сельского и водного хозяйства;

компетентная организация с китайской стороны: Министерство сельского хозяйства».

Статья 2

Настоящий Протокол вступает в силу с даты подписания и является неотъемлемой частью Соглашения.

Срок действия настоящего Протокола идентичен со сроком действия Соглашения.

Совершено в городе Ташкенте 31 января 2013 года в двух подлинных экземплярах, каждый на узбекском, китайском и русском языках, причем все тексты имеют одинаковую силу.

(подписи)

* Вступил в силу со дня подписания.

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Сингапур
Республикаси Ҳукумати ўртасида дипломатик паспортлар
эгаларини виза талабларидан ўзаро озод қилиш тўғрисида
БИТИМ**

2012 йил 3 апрель, Тошкент

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2012 йил 1 ноябрдаги ПҚ–1846-сон қарори**

(2013 йил 1 февралдан кучга кирди)

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Сингапур Республикаси Ҳукумати, (қуйида биргаликда «Томонлар», алоҳида ҳолда эса «Томон» деб аталувчилар),

икки мамлакат ўртасидаги дўстона муносабатларни янада ривожлантириш ниятида; ва

мазкур Битим Иловасида кўрсатилган ҳаракатланиш ҳужжатларига эга бўлган фуқароларнинг сафар қилишлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида

қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:

1-модда

Томонларнинг мазкур Битим иловасида кўрсатилган амалдаги ҳаракатланиш ҳужжатларига эга бўлган фуқаролари бошқа Томон давлати ҳудудида визасиз кириши, чиқиши ва транзит ўтиши, шунингдек кириш санасидан бошлаб 90 (тўқсон) кундан ортиқ бўлмаган муддатда мазкур ҳудудда бўлиши мумкин, ушбу ҳолатдан ёлланиб ишлаш, таълим олиш ёки бошқа ҳақ тўланадиган фаолиятни амалга ошириш мақсадида фойдаланилмайди.

2-модда

Томонлардан бирининг мазкур Битим иловасида кўрсатилган амалдаги ҳаракатланиш ҳужжатларига эга бўлган ва бошқа Томон давлати ҳудудида 90 (тўқсон) кундан ортиқ муддатда бўлиш ёки ёлланиб ишлаш, таълим олиш ёхуд бошқа ҳақ тўланадиган фаолиятни амалга ошириш учун киришни мақсад қилган фуқаролари бошқа Томон ҳудудига келгунига қадар виза олиш учун ариза билан мурожаат қилишлари лозим.

3-модда

1. Томонлардан бирининг мазкур Битим иловасида кўрсатилган амалдаги ҳаракатланиш ҳужжатларига эга бўлган дипломатик ваколатхона ёки консуллик муассасасида фаолият юритаётган ёки бошқа Томон давлати ҳуду-

* Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 44-сон, 503-модда.

дида аккредитация қилинган халқаро ташкилотларда ўз мамлакатларининг вакиллари ҳисобланган фуқаролари мазкур Битимнинг 1- ва 2-моддаси қоидалари талабларидан қатъи назар, ўзларининг расмий хизмат фаолияти давомида бошқа Томон давлати ҳудудига визасиз кириши, чиқиши ва бўлиши мумкин.

2. Ушбу модданинг 1-бандида кўрсатилган фуқаролар исмлари улар келган пайдан эътиборан 30 (ўттиз) кунлик муддат ичида бошқа Томонга тақдим қилинади.

3. Ушбу модданинг 1- ва 2-банди талаблари юқорида кўрсатилган бундай шахслар бутун хизмат фаолияти давомида мазкур Битим иловасида кўрсатилган амалдаги ҳаракатланиш ҳужжатларига эга бўлган ва биргаликда яшайдиган оила аъзоларига нисбатан ҳам қўлланилади. Мазкур битим доирасида «оила аъзоси» тушунчаси қуйидагиларга нисбатан тааллуқли бўлади:

а) Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун турмуш ўртоғи ва 18 ёшга тўлмаган оила қурмаган фарзандлари;

б) Сингапур Республикаси фуқаролари учун турмуш ўртоғи ва 21 ёшга тўлмаган оила қурмаган фарзандлари.

4-модда

Томонлардан бирининг мазкур Битим иловасида кўрсатилган амалдаги ҳаракатланиш ҳужжатларига эга бўлган ва бошқа Томон давлати ҳудудида бўлиши вақтида ўз паспортини йўқотиб қўйган фуқаролари бошқа Томоннинг ваколатли органларига дархол хабар берадилар. Бундай органлар томонидан ҳужжат йўқотилганини тасдиқловчи гувоҳнома берилади. Тегишли давлатнинг дипломатик ваколатхонаси ёки консулик муассасаси ушбу гувоҳнома асосида янги паспорт беради.

5-модда

Томонлардан бирининг мазкур Битим иловасида кўрсатилган амалдаги ҳаракатланиш ҳужжатларига эга бўлган фуқароларининг бошқа Томон давлати ҳудудига кириши ва чиқиши махсус белгиланган кириш ва чиқиш пунктлари орқали амалга оширилади.

6-модда

1. Мазкур Битим иловасида кўрсатилган амалдаги ҳаракатланиш ҳужжатларига эга бўлган шахслар бошқа Томон давлати ҳудудида бўлиш вақтида ушбу Томоннинг қонун ва қоидаларига риоя қилишлари лозим.

2. Мазкур Битим ҳар иккала Томон сабабини изоҳламай туриб, мазкур Битим иловасида кўрсатилган амалдаги ҳаракатланиш ҳужжатларига эга бўлган исталмайдиган ёки «persona non grata» деб эълон қилинган шахсларнинг ўз ҳудудига киришини рад қилиш ёки бу ҳудудда бўлишини тўхтатиш ҳуқуқини чекламайди.

7-модда

1. Томонлар мазкур Битим иловасида кўрсатилган амалдаги ҳаракатланиш ҳужжатларининг намуналари, шу жумладан ушбу ҳужжатларнинг тавсифини мазкур Битимнинг кучга киришидан камида 30 (ўттиз) кун олдин дипломатик каналлар орқали ўзаро алмашадилар.

2. Томонлардан бири мазкур Битим иловасида кўрсатилган амалдаги ҳаракатланиш ҳужжатларига ўзгартиришлар киритса, ушбу Томон бундай ўзгартиришлар кучга киришидан камида 30 (ўттиз) кун олдин бошқа Томонга ушбу ҳужжатларнинг намуналарини дипломатик каналлар орқали юборади.

8-модда

1. Томонлардан ҳар бири оммавий тартиб, миллий хавфсизлик, соғлиқни сақлаш ва бошқа санитария сабабларига кўра мазкур Битимнинг амал қилишини вақтинча, тўла ёки қисман тўхтатиб туриши мумкин.

2. Бошқа Томон бундай тўхтатишларнинг бошланиши ва тугатилиши ҳақида дипломатик каналлар орқали дарҳол хабардор қилинади.

9-модда

Томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ мазкур Битимга дипломатик ноталар алмашиш йўли билан ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши мумкин. Бундай ўзгартишлар ҳар иккала Томоннинг мазкур ўзгартишларнинг кучга кириши учун талаб этиладиган барча ички процедураларни бажарганлигини тасдиқловчи дипломатик ноталар алмашилган пайтдан эътиборан 30 (ўттиз) кундан кейин кучга киради.

10-модда

Мазкур Битим қоидаларини қўллаш ёки талқин қилишда низо ва ихтилофлар келиб чиққан тақдирда, Томонлар уларни дипломатик каналлар орқали музокаралар ва маслаҳатлашувлар йўли билан ҳал этадилар.

11-модда

Мазкур Битим номуайян муддатга тузилади ва унинг кучга кириши учун зарур бўлган давлат ички процедураларининг бажарилганлиги тўғрисида Томонларнинг дипломатик каналлар орқали охириги ёзма хабарномаси олинган санадан эътиборан 30 (ўттиз) кундан сўнг кучга киради.

Мазкур Битимнинг амал қилиши исталган пайтда Томонлардан бирининг бошқа Томонни дипломатик каналлар орқали ёзма шаклда хабардор қилиши билан тугатилиши мумкин. Битимнинг амал қилиши бундай хабарнома олинган пайтдан эътиборан 30 (ўттиз) кундан сўнг тугайди.

Барчасини тасдиқлаш мақсадида бунга тегишли равишда ваколат берилган қўйида имзо чекувчилар мазкур Битимни имзоладилар.

2012 йил 3 апрелда Тошкент шаҳрида ўзбек ва инглиз тилларида икки нусхада тузилди, бунда барча матнлар бир хил кучга эга. Ушбу Битимни

талқин қилишда ихтилофлар юзага келганда инглиз тилидаги матндан фойдаланилади.

(имзолар)

Ўзбекистон Республикаси
Хукумати билан Сингапур Республикаси
Хукумати ўртасида дипломатик паспортлар
эгаларини виза талабларидан ўзаро озод
қилиш тўғрисидаги Битимга
ИЛОВА

Мазкур Битим мақсади учун қуйидагилар Томонларнинг амалдаги ҳаракатланиш ҳужжатлари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун:

Дипломатик паспортлар, шу жумладан электрон (биометрик) дипломатик паспортлар.

Сингапур Республикаси фуқаролари учун:

Дипломатик паспортлар, шу жумладан электрон (биометрик) дипломатик паспортлар.

**Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан Россия Федерацияси Табиий ресурслар ва экология вазирлиги ўртасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида
БИТИМ***

2013 йил 11 апрель, Москва

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва Россия Федерацияси Табиий ресурслар ва экология вазирлиги, кейинги ўринларда Томонлар деб аталувчилар,

давлат суверенитети принципларига асосланиб,

барқарор ривожланишга бўлган эҳтиёжни англаган ҳолда,

Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасидаги дўстона муносабатлар ва стратегик ҳамкорликни юқори баҳолаб,

атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан барқарор фойдаланиш соҳасида ҳамкорликни амалга ошириш истагида,

атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг кўпгина масалалари ўзаро тушуниш ва ҳамкорлик асосида ҳал этилиши мумкинлигини англаган ҳолда,

атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳамкорлик икки давлат ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантиришга қўмаклашишига ишонч билдириб,

БМТнинг атроф-муҳит ва ривожланиш бўйича Конференцияси (Рио-де-Жайнеро, 1992 йил), шунингдек барқарор ривожланиш бўйича юқори даражадаги Учрашувда (Йоханнесбург, 2002 йил) қабул қилинган принциплар ва тавсияларга таянган ҳолда,

қўйидагилар ҳақида келишиб олдилар:

1-модда

Томонлар икки давлат манфаатлари йўлида ўз давлатлари қонунчилиги ҳамда мазкур Битимга мувофиқ, глобал ва минтақавий атроф-муҳит муаммоларини биргаликда ҳал қилиш мақсадида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ҳамкорликни амалга оширадилар.

2-модда

Томонлар атроф-муҳит муҳофазаси соҳасида қўйидаги йўналишларда ҳамкорлик қиладилар:

а) атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан оқилона фойдаланиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг иқтисодий воситалари ҳамда уни иқтисодий тартибга солиш соҳаларида давлат назоратини такомиллаштириш;

б) атмосфера ҳавоси, сув ресурсларини ифлосланишдан муҳофаза қилиш, шу жумладан трансчегаравий доирада, шунингдек ресурсларни тежашга қаратилган экологик тоза, самарали технологияларни жорий этиш;

* Имзоланган кундан кучга кирган.

в) сувли-ботқоқ ҳудудларни, биринчи навбатда, 1971 йил 2 февралдаги Сувда сузувчи қушларнинг асосий яшаш манзили бўлган халқаро аҳамиятга эга сувли-ботқоқ ерлар тўғрисидаги Конвенцияга (Рамсар конвенцияси) мувофиқ халқаро аҳамиятга эга бўлган сувли-ботқоқ ҳудудларни асраш ва улардан оқилона фойдаланиш;

г) экологик фалокат ҳудудларида атроф-муҳит ҳолатини яхшилаш бўйича глобал ва минтақавий муаммоларни ўрганиш ва ҳал этиш;

д) ҳайвонларнинг камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида бўлган турларнинг кўпайишини ўрганиш, сақлаб қолиш ва тиклаш;

е) атроф-муҳит ифлосланиши устидан назорат қилиш, шу жумладан чиқиндилар (радиоактив чиқиндилар бундан мустасно) билан муомала қилиш соҳасида экологик мониторинг тизимларини ривожлантириш ва технологиялар билан алмашиш;

ж) алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар (муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар) тизимларини ривожлантириш, миллий боғлар ва бошқа алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар (муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар) фаолиятини бошқариш;

з) экологик таълим-тарбия;

и) атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланиш соҳасида қонунчиликни қўллаш, экологик назоратни ташкил этиш ва амалга оширишда тажриба алмашиш, кадрлар тайёрлаш;

к) атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида тажриба, давлат сири бўлмаган илмий-техник маълумот ва янги технологиялар билан алмашиш.

Ҳамкорлик мазкур Битимни амалга ошириш жараёнида келишилган бошқа йўналишларда ҳам амалга оширилиши мумкин.

3-модда

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳамкорлик Томонларнинг ўзаро келишувига кўра куйидаги шаклларда амалга оширилади:

а) таълимга оид, илмий ва амалий мақсадларда олимлар, мутахассислар ва делегациялар билан алмашиш;

б) мазкур Битим Томонларининг вакиллари иштирокида конференциялар, симпозиумлар, экспертлар муҳокамаларини ташкил этиш;

в) атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан оқилона фойдаланиш соҳасида қўшма дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш;

г) атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасида (табиий муҳитнинг барча таркиби бўйича), шу жумладан атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги меъёрий ҳужжатлар бўйича маълумот ва тажриба алмашиш;

Томонлар атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳамкорликнинг бошқа шакллари ҳақида ҳам келишиб олишлари мумкин.

4-модда

Мазкур Битим қоидаларини амалга ошириш учун Томонлар ҳамда Ўзбе-

кистон Республикаси ва Россия Федерациясининг бошқа манфаатдор идоралари вакилларида иборат бўлган Ишчи гуруҳ тузилади.

Ишчи гуруҳ йиғилишлари йилига камида бир мартаба навбати билан Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерациясида ўтказилади.

Ишчи гуруҳнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

а) мазкур Битим ва муайян лойиҳалар бўйича ҳаракатлар режасини амалга ошириш юзасидан икки йиллик дастур ва/ёки иш режаларини тузиш ҳамда келишиш;

б) лойиҳавий таклифларни кўриб чиқиш;

в) Мазкур Битим доирасида Томонлар амалга оширадиган дастур ва/ёки иш режалари, шунингдек ҳамкорлик лойиҳаларининг бажарилиш жараёнини кузатиб бориш.

Томонлар мазкур Битим доирасида ҳамкорликни мувофиқлаштириш ва амалга ошириш учун масъул бўлган шахслар тўғрисида ушбу Битим имзоланган кундан бошлаб 30 кун мобайнида бир-бирларини хабардор қиладилар.

Тегишли масъул шахслар ўзгарган ҳолларда Томонлар мазкур ўзгаришлар ва янги масъул шахслар тўғрисида бир-бирларини 30 кун мобайнида хабардор қиладилар.

5-модда

Мазкур Битимни амалга ошириш жараёнида олинган ҳамкорлик натижалари учинчи давлатларга, уларнинг юридик ёки жисмоний шахсларига фақатгина Томонларнинг олдиндан берилган ёзма розиликлари асосида тақдим этилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси давлат сири бўлган маълумотлар мазкур Битим доирасида тақдим этилмайди.

6-модда

Башарти ҳар бир алоҳида ҳолатда бошқа тартиб келишилмаган бўлса, ҳар бир Томон мазкур Битимни амалга оширишда юзага келадиган харажатларни мустақил равишда ўз зиммасига олади.

7-модда

Мазкур Битимни қўллаш ва талқин қилишда Томонлар ўртасида юзага келиши мумкин бўлган низолар маслаҳатлашув ва музокара ўтказиш йўли билан ҳал этилади.

8-модда

Мазкур Битим қоидалари Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерациясининг улар иштирокчиси бўлган бошқа халқаро шартномалардан келиб чиқадиган ҳуқуқ ва мажбуриятларига дахл қилмайди.

9-модда

Мазкур Битимга Томонларнинг келишувига асосан ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

10-модда

Мазкур Битим имзоланган санадан бошлаб кучга киради ва беш йил мобайнида амал қилади ҳамда Томонлардан бири дастлабки ёки навбатдаги беш йиллик муддатнинг тугашидан камида олти ой олдин расмий дипломатик каналлар орқали Битимнинг амал қилишини тўхтатиш нияти тўғрисида бошқа Томонни хабардор қилмаса, ўз-ўзидан кейинги беш йиллик муддатларга узаяверади.

Мазкур Битим амал қилишининг тугатилиши Битим доирасида амалга ошириляётган ҳамда унинг тугатилишига қадар яқунланмай қолган лойиҳа ва дастурларни амалга оширишнинг яқунланишига олиб келмайди.

Москва шаҳрида 2013 йил 11 апрелда ҳар бири икки нусхада бўлган ўзбек ва рус тилларида тузилди. Мазкур Битим қоидаларини талқин қилишда келишмовчилик юзага келса, Томонлар рус тилидаги матнга таянадилар.

(имзолар)

СОГЛАШЕНИЕ

между Государственным комитетом Республики Узбекистан по охране природы и Министерством природных ресурсов и экологии Российской Федерации о сотрудничестве в области охраны окружающей среды*

Москва, 11 апреля 2013 года

Государственный комитет Республики Узбекистан по охране природы и Министерство природных ресурсов и экологии Российской Федерации, в дальнейшем именуемые Сторонами,

основываясь на принципах государственного суверенитета, осознавая потребность устойчивого развития,

высоко оценивая дружеские отношения и стратегическое партнерство между Республикой Узбекистан и Российской Федерацией,

желая осуществлять сотрудничество в области охраны окружающей среды и устойчивого использования природных ресурсов,

* Вступило в силу со дня подписания.

осознавая, что многие вопросы охраны окружающей среды могут быть решены на основе взаимопонимания и сотрудничества,

будучи убежденными в том, что сотрудничество в области охраны окружающей среды способствует развитию дальнейших отношений между обоими государствами,

руководствуясь принципами и рекомендациями, принятыми на Конференции ООН по окружающей среде и развитию (Рио-де-Жанейро, 1992 год), а также на Встрече на высшем уровне по устойчивому развитию (Йоханнесбург, 2002 год),

согласились о нижеследующем:

Статья 1

Стороны в соответствии с законодательством своих государств и настоящим Соглашением осуществляют сотрудничество в области охраны окружающей среды в интересах обоих государств, с целью решения глобальных и региональных проблем окружающей среды общими усилиями.

Статья 2

Стороны прилагают усилия по сотрудничеству в области охраны окружающей среды по следующим направлениям:

а) совершенствование государственного контроля и надзора в области охраны окружающей среды и рационального природопользования, экономического регулирования и экономических инструментов охраны окружающей среды;

б) охрана атмосферного воздуха, водных ресурсов от загрязнения, в том числе в трансграничном контексте, а также внедрение эффективных экологически чистых ресурсосберегающих технологий;

в) сохранение и рациональное использование водно-болотных угодий, в первую очередь имеющих международное значение в соответствии с Конвенцией о водно-болотных угодьях, имеющих международное значение, главным образом в качестве местообитания водоплавающих птиц (Рамсарская конвенция) от 2 февраля 1971 года;

г) изучение и решение глобальных и региональных проблем по улучшению состояния окружающей среды в зонах экологического бедствия;

д) изучение, сохранение и восстановление популяций редких и находящихся под угрозой исчезновения видов животных;

е) развитие систем экологического мониторинга и обмен технологиями в области контроля за загрязнением окружающей среды, в том числе в области обращения с отходами (за исключением радиоактивных отходов);

ж) развитие системы особо охраняемых природных территорий (охраняемых природных территорий), управление деятельностью национальных парков и других особо охраняемых природных территорий (охраняемых природных территорий);

з) экологическое просвещение;

и) обмен опытом в применении законодательства в области охраны окружающей среды и использования природных ресурсов, организации и осуществления экологического контроля и надзора, подготовка кадров;

к) обмен опытом, научно-технической информацией и новыми технологиями в области охраны окружающей среды, не являющимися государственной тайной.

Сотрудничество также может осуществляться по иным согласованным в ходе реализации настоящего Соглашения направлениям.

Статья 3

Сотрудничество в области охраны окружающей среды осуществляется по взаимному согласию Сторон в следующих формах:

а) обмен учеными, специалистами и делегациями для достижения образовательных, научных и практических целей;

б) организация конференций, симпозиумов, экспертных обсуждений с участием представителей Сторон настоящего Соглашения;

в) реализация совместных программ и проектов в области охраны окружающей среды и рационального природопользования;

г) обмен информацией и опытом в области охраны окружающей среды и природопользования (по всем компонентам природной среды), в том числе о нормативных актах в области охраны окружающей среды.

Стороны могут также договариваться о других формах сотрудничества в области охраны окружающей среды.

Статья 4

Для реализации положений настоящего Соглашения Сторонами создается Рабочая группа, состоящая из представителей Сторон и других заинтересованных ведомств Республики Узбекистан и Российской Федерации.

Рабочая группа проводит заседания не реже одного раза в год попеременно в Республике Узбекистан и в Российской Федерации.

Задачами Рабочей группы являются:

а) составление и согласование программ и/или планов работы на двухлетний период по реализации настоящего Соглашения и планов действий по конкретным проектам;

б) рассмотрение проектных предложений;

в) сопровождение хода реализации программ и/или планов работы, а также проектов сотрудничества, осуществляемых Сторонами в рамках данного Соглашения.

Стороны в течение 30 дней со дня подписания настоящего Соглашения письменно уведомляют друг друга об ответственных лицах для координации и реализации сотрудничества в рамках данного Соглашения.

В случае замены соответствующих ответственных лиц Стороны информируют друг друга о замене и новых ответственных лицах в течение 30 дней.

Статья 5

Результаты сотрудничества, полученные в ходе реализации настоящего Соглашения, могут быть переданы третьим государствам, их юридическим или физическим лицам только с предварительного письменного согласия Сторон.

Сведения, составляющие государственную тайну Республики Узбекистан и государственную тайну Российской Федерации, не подлежат передаче в рамках настоящего Соглашения.

Статья 6

Стороны самостоятельно несут расходы, которые могут возникнуть в ходе реализации настоящего Соглашения, если в каждом конкретном случае не будет согласован иной порядок.

Статья 7

Любые споры, которые могут возникнуть между Сторонами, связанные с применением и толкованием настоящего Соглашения, решаются посредством консультаций и переговоров.

Статья 8

Положения настоящего Соглашения не затрагивают права и обязанности, вытекающие из других международных договоров, участниками которых являются Республика Узбекистан и Российская Федерация.

Статья 9

По согласованию Сторон в настоящее Соглашение могут вноситься изменения и дополнения.

Статья 10

Настоящее Соглашение вступает в силу с даты его подписания, действует в течение пяти лет и автоматически продлевается на последующие пятилетние периоды, если ни одна из Сторон не менее чем за шесть месяцев до окончания первоначального или очередного периода не уведомит другую Сторону через официальные дипломатические каналы о своем намерении прекратить его действие.

Прекращение действия настоящего Соглашения не влечет за собой прекращения осуществления проектов и программ, выполняемых в рамках настоящего Соглашения и не завершенных к моменту прекращения его действия.

Совершено в г. Москве 11 апреля 2013 г. в двух экземплярах, каждый на узбекском и русском языках. В случае расхождения в толковании положений настоящего Соглашения Стороны будут руководствоваться текстом на русском языке.

(подписи)

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Хитой Халқ
Республикаси Ҳукумати ўртасида ўсимликлар карантини ва
муҳофазаси бўйича ҳамкорлик тўғрисида
БИТИМ**

2012 йил 6 июнь, Пекин

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил
18 февралдаги ПҚ-1921-сон қарори**

(2013 йил 13 апрелдан кучга кирди)

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Хитой Халқ Республикаси Ҳукумати (кейинги ўринларда «Томонлар» деб аталувчилар),

ўсимликлар карантини ва муҳофазаси бўйича икки томонлама ҳамкорликни кенгайтириш, бир Томон ҳудудидан бошқа Томон ҳудудига зарарли организмлар олиб кирилиши ва тарқалишининг олдини олиш ҳамда ўсимлик маҳсулотлари ва ўсимлик ресурсларини ҳимоя қилиш мақсадида,

Томонлар ўртасида иқтисодий ва савдо муносабатларини ривожлантириш, техникавий алмашинувлар ўтказиш мақсадида,

қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:

1-модда

Таърифлар

Ушбу Битим мақсадлари учун қуйидаги атамалар қўлланилади:

1. «Зарарли организм» — ўсимликлар ёки ўсимлик маҳсулотлари учун зарарли бўлган ҳар қандай ўсимлик, ҳайвон ёхуд касаллик қўзғатувчи агент турлари ёки биотиплари.

2. «Ўсимликлар» — тирик ўсимликлар ва уларнинг қисмлари, шу жумладан уруғлар ва гермоплазма.

3. «Ўсимлик маҳсулотлари» — ўсимликлардан олинган қайта ишланмаган материал (шу жумладан дон), шунингдек ўз табиати ёки қайта ишлаш усули билан зарарли организмлар интродукцияси ва тарқалиши хавфини келтириб чиқариши мумкин бўлган қайта ишланган маҳсулотлар.

4. «Карантиндаги зарарли организм» — ҳозирча мавжуд бўлмаган ёки кенг тарқалмаган, расмий назорат қилинадиган, хавф остидаги ҳудуд учун потенциал иқтисодий аҳамиятга эга бўлган зарарли организм.

5. «Тартибга солинадиган карантинда бўлмаган зарарли организм» — экиладиган ва ўтказиладиган материалда мавжуд бўлиши ушбу ўсимликлардан фойдаланишга иқтисодий жиҳатдан номақбул таъсир кўрсатувчи ва шу сабабли импорт қилувчи Томон ҳудудида тартибга солинадиган карантинда бўлмаган зарарли организм.

6. «Карантин назоратидаги материал» — зарарли организмларни яши-

* Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил, 8-сон, 100-модда.

риши ёки уларни тарқатиши мумкин бўлган, айниқса халқаро ташишлар чоғида фитосанитария чораларини кўриш зарур бўлган ҳар қандай ўсимлик, ўсимлик маҳсулоти, сақлаш жойи, ўраш ва транспорт воситаси, контейнер, тупроқ ва бошқа ҳар қандай организм, объект ёки материал.

7. «Фитосанитар сертификати» — Ўсимликлар карантини ва муҳофазаси бўйича халқаро конвенцияда тасдиқланган шаклда тайёрланган сертификат.

8. «Импорт карантин рухсатномаси» — белгиланган фитосанитария талабларига асосан ушбу товарни импорт қилишга рухсат бериш тўғрисидаги расмий ҳужжат.

2-модда **Ҳамкорлик**

1. Томонлар ўсимликлар карантини ва муҳофазаси бўйича икки томонлама ҳамкорликни амалга оширадилар ва ривожлантирадилар. Томонлар ушбу Битим доирасида ўз давлатларининг миллий қонунчилигига мувофиқ ҳамкорлик қиладилар.

2. Томонлар ўз ҳудудларида зарарли организмларни бартараф қилиш ва назорат қилишни кучайтирадилар ҳамда карантиндаги ва тартибга солинадиган карантинда бўлмаган зарарли организмларнинг бир Томондан бошқа Томонга тарқалишининг олдини олиш бўйича зарур чораларни кўрадилар.

3-модда **Ваколатли органлар**

Қуйидагилар ушбу Битим қоидаларини мувофиқлаштириш ва амалга ошириш бўйича Томонлар давлатларининг ваколатли органлари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси томонидан: — Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги,

Ўсимликлар карантини бош давлат инспекцияси.

Хитой Халқ Республикаси томонидан: — Хитой Халқ Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги,

Хитой Халқ Республикаси Сифат, назорат, инспекция ва карантин бўйича бош маъмурияти.

4-модда **Чегара назорати тартиб-қоидалари**

Бир Томондан бошқа Томонга ташилаётган карантин назоратидаги материаллар давлатнинг қуйидаги йўриқномаларига жавоб бериши лозим:

1. Бир Томондан олиб келинган карантин назоратидаги материаллар импорт қилувчи Томоннинг карантин бўйича қонун ва қоидаларига жавоб бериши лозим. Пухта карантин текшируви карантин назоратидаги материаллар экспорт қилингунга қадар ўтказилиши лозим ва экспорт қилувчи Томон тарафидан расмийлаштирилган, товарларнинг карантиндаги зарарли

организмлардан ҳамда бошқа Томон учун карантин аҳамиятига эга бўлган тартибга солинадиган карантинда бўлмаган зарарли организмлардан ҳоли эканини тасдиқловчи фитосанитар сертификати илова қилиниши лозим. Фитосанитар сертификати инглиз тилида ва экспорт қилувчи Томоннинг расмий давлат тилида расмийлаштирилиши лозим.

2. Томонлар зарарли организмларни олиб ўтиши мумкин бўлган похол, барглар ва бошқа ўсимлик материалларидан ўрам ва идишда фойдаланиши мумкин эмас, қоғоз ва синтетик материаллар бундан мустасно. Контейнерлар, идишлар, ўрамларга карантин ишлови берилиши лозим.

3. Таркибида тупроқ бўлган юк ва товарларни бир Томондан бошқа Томонга экспорт қилиш тақиқланади.

5-модда **Инспекция ўтказиш**

Томонлар бошқа Томон экспорт қилаётган тартибга солинадиган материалларни давлатларнинг ўсимликлар карантини ва муҳофазаси қоидаларига мувофиқ карантин назоратидан ўтказиш ҳуқуқига эга.

Тартибга солинадиган материалларнинг зарарланганлиги ёки Томонларнинг карантин қоидаларига мос эмаслиги аниқланса, Томонлар материалларни фитосанитар зарарсизлантириш, қайтариб юбориш ёки йўқ қилишдан иборат бўлган чоралар кўришлари мумкин.

Импорт қилувчи Томон давлатининг ваколатли органлари кўрилган чоралар тўғрисида дархол бошқа Томон давлатининг ваколатли органларига ёзма равишда маълумот юборади.

Карантин назоратидаги материалларни фумигация қилиш, қайтариб юбориш, йўқ қилиш ёки бошқача тарзда зарарсизлантириш учун ҳақ тўлаш уларнинг эгаси ёки агент ҳисобидан амалга оширилади.

6-модда **Импорт бўйича талаблар**

Ҳар икки Томон зарарли организмларнинг, айниқса бошқа Томон иқтисодиётига хавф солиши мумкин бўлган карантиндаги зарарли организмларнинг олиб кирилишини бартараф қилиш учун:

1. Ўсимликлар ва ўсимлик маҳсулотларини импорт қилиш бўйича чекловлар киритади ёки қўшимча чоралар қўллабди;

2. Ўсимликлар ва ўсимлик маҳсулотларининг импорт қилинишни тақиқлайди.

7-модда **Нотификация**

Томонлар бир-бирларига карантиндаги зарарли организмларнинг олиб кирилиши ва тарқалиши ҳамда мазкур ходисаларни аниқлаш ҳолатлари тўғрисида маълумотлар тақдим этадилар. Томонлар олинган маълумотларни учинчи томонга юборишга ҳақли эмас.

8-модда
Маълумотлар

Томонлар бир-бирларига ўсимликлар карантини ва муҳофазаси бўйича амалдаги қонун ва қоидаларини тақдим этадилар ҳамда карантиндаги зарарли организмларнинг қайта кўриб чиқилган рўйхатини ўз вақтида юборадилар.

Томонлар ушбу Битим доирасида биргаликдаги маслаҳатлашувлар орқали ва тенглик асосида ўсимликлар карантини ва муҳофазаси бўйича маълумот алмашинувини ва ҳамкорликни кенгайтирадилар ҳамда ўсимликлар карантини ва муҳофазаси бўйича экспертлар ўртасида техникавий тажриба алмашинувини қўллаб-қувватлайдилар. Бундай алмашинув воситасида қўлга киритилган натижалар ва маълумотлар бошқа Томоннинг розилигисиз учинчи томонга берилиши мумкин эмас.

Ўсимликлар карантини ва муҳофазаси бўйича ҳар икки Томонни қизиқтирган масалалар юзасидан, қоидаларни муҳокама қилиш, ушбу Битимга ўзгартишлар киритиш ва бошқа мақсадларда зарурият туғилганда кенгашлар ўтказилиши мумкин. Кенгашларни ўтказиш санаси, учрашув жойи, дастури ва сарф-харажатлар Томонлар розилиги асосида белгиланади.

9-модда
Низоларни ҳал этиш

Ушбу Битимни талқин қилиш ёки амалга ошириш билан боғлиқ барча низолар Томонларнинг ўзаро келишуви асосида маслаҳатлашувлар ва музокаралар ўтказиш йўли билан ҳал этилади.

10-модда
Халқаро битимлар

Ушбу Битим қоидалари Томонларнинг улар иштирокчиси бўлган бошқа халқаро шартномалардан келиб чиқувчи ҳуқуқ ва мажбуриятларига ёки уларнинг халқаро ташкилотлардаги аъзолигига дахл қилмайди.

11-модда
Ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш

Томонларнинг ўзаро ёзма келишувига асосан ушбу Битимга алоҳида баённомалар билан расмийлаштириладиган ва ушбу Битимнинг ажралмас қисми ҳисобланувчи ҳамда 12-моддада белгиланган тартибда кучга кирувчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

12-модда
Битимнинг кучга кириши ва бекор қилиниши

Ушбу Битим Томонлардан унинг кучга кириши учун зарур бўлган давлат ички процедураларининг тўла бажарилгани тўғрисидаги охириги ёзма хабарнома дипломатик каналлар орқали олинган кундан бошлаб ўттиз кун ўтиши билан кучга киради.

Ушбу Битим беш йил муддатга тузилади ва агар Томонлардан бири ушбу Битим амал қилиш муддатининг тугашидан камида олти ой олдин унинг амал қилишини тўхтатиш мақсади тўғрисида дипломатик каналлар орқали ёзма равишда хабардор қилмаса, кейинги беш йиллик муддатларга ўз-ўзидан узайтирилади. Битимни янгилаш юқорида белгиланган амалиёт асосида амалга оширилади.

2012 йил 6 июнда Пекин шаҳрида ҳар бири ўзбек, хитой ва инглиз тилларида бўлган икки нусхада тузилди, бунда барча матнлар бир хил кучга эга.

Ушбу Битим қоидаларини талқин қилишда ихтилофлар юзага келганда инглиз тилидаги матн устувор ҳисобланади.

(имзолар)

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Хитой Халқ
Республикаси Ҳукумати ўртасида ҳайвонлар соғлиғини
муҳофаза қилиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида
БИТИМ**

2012 йил 6 июнь, Пекин

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил
18 февралдаги ПҚ-1921-сон қарори**

(2013 йил 13 апрелдан кучга кирди)

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Хитой Халқ Республикаси Ҳукумати, кейинги ўринларда «Томонлар» деб аталувчилар, ҳайвонлар соғлиғини сақлаш соҳасида ҳамкорликни кучайтириш, ҳайвонларнинг юқумли касалликлари тарқалишининг олдини олиш ҳамда эпизоотиядан ўз давлатлари ҳудудларини ҳамжихатликда муҳофаза қилиш истағига таянган ҳолда, қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:

1-модда

Ушбу Битим қоидалари қуйидагиларга нисбатан қўлланилади:

а) ҳайвон — сут эмизувчилар, қушлар, судралиб юривчи ҳайвонлар,

* Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил, 8-сон, 100-модда.

арилар, ипак қурти ва турли хилдаги ҳашаротлар, амфибиялар, балиқлар ва бошқа сув ҳайвонлари;

б) ҳайвонотга мансуб маҳсулотлар — гўшт ва сут маҳсулотлари, балиқ, тухум, асалари маҳсулотлари, эмбрионлар, зиготапар, ҳайвон уруғлари (сперма), уруғланган (инкубацияланган) тухумлар;

с) ҳайвонотга мансуб хом ашёлар — тери, жун, мўйна, пат, эндокрин ва ички секреция безлари, қон, суяк ва бошқа хом ашёлар;

д) ҳайвонлар учун ем озуқалари;

е) ветеринария дори-дармонлари ва ҳайвонотга мансуб коллекция маҳсулотлари.

2-модда

Томонлар:

а) ҳайвонларни касалликлардан муҳофаза этишда Бутунжаҳон ҳайвонлар соғлиғини муҳофаза қилиш ташкилоти (OIE) рўйхатига киритилган касалликларнинг турлари бўйича касалланган ҳайвонлар сони, касалликнинг тарқалиш жиҳати, патоген типи, шунингдек касалликка қарши кураш бўйича ўтказилган тадбирлар юзасидан бир-бирларини хабардор этадилар;

б) ҳайвонлар ва ҳайвонотга мансуб маҳсулотлар таркибида инсон ҳамда ҳайвонлар соғлиғи учун хавfli ҳисобланган кимёвий, биологик хусусиятга эга моддалар мавжудлиги тўғрисида бир-бирларига маълумот берадилар;

с) ҳайвонлар юқумли касалликлари тарқалишининг олдини олиш ҳамда уларга қарши кураш бўйича амалдаги давлат дастурлари ва қоидаларининг бажарилиши ҳолати ва усуллари тўғрисида бир-бирларига маълумот берадилар;

д) ҳайвонлар ва ҳайвонотга мансуб маҳсулотлар, хом ашёлар, озуқалар, препаратлар, ҳайвонотга мансуб коллекция маҳсулотларини импорт, экспорт қилиш ҳамда транзит ташишда ветеринария ва санитария талаблари, шунингдек иқтисодий зарарга сабаб бўладиган захарли (токсик) маҳсулотлар, радиоактив ҳамда бошқа моддалар таъсирида назорат қилиб бўлмайдиган касалликлар вужудга келган ҳолатларда қўлланиладиган чора-тадбирлар тўғрисида ўзаро маълумот алмашадилар;

е) Томонлар ўз давлатларининг миллий қонунчилиги ва ветеринария соҳасидаги фаолият бўйича маълумотлар алмашадилар;

ф) Томонлар ўз давлатларининг мутахассислари иштирокини таъминлаш мақсадида ветеринария тиббиёти соҳасида режалаштирилган махсус учрашувлар ҳамда анжуманлар ҳақида бир-бирларини хабардор этадилар;

г) Ветеринария амалиётини ривожлантириш ва янада яхшилаш, шунингдек ветеринария докторларининг касбий маҳоратларини ошириш мақсадида мутахассисларнинг билим ва тажриба алмашинувлари орқали ветеринария хизматларини амалий тарзда ташкил этиш, ўқитишни ҳамда ветеринария фани соҳасида ҳамкорликни йўлга қўядилар.

3-модда

Ушбу Битимнинг 2-моддасида кўрсатилган материаллар ва маълумот алмашинуви бўйича харажатлар уларни жўнатувчи Томон ҳисобидан қопланади.

Мутахассислар алмашинуви Томонларнинг ваколатли органлари ўрта-сидаги ўзаро келишувга асосан амалга оширилади. Бундай ҳолатларда, жўнатувчи Томон ўз делегацияларининг халқаро транспорт харажатларини, шунингдек яшаш-турар жой, овқатланиш ҳамда соғлиқни суғурта қилиш харажатларини қоплайди. Қабул қилувчи Томон олдиндан келишилган дастурга мувофиқ ўз мамлакати ҳудудидаги транспорт харажатлари, зарур техник асбоб-ускуналар билан жиҳозланган залларни ижарага олиш ҳамда таржимон хизматларини қоплайди.

4-модда

Томонлар Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Давлат ветеринария бош бошқармаси ҳамда Хитой Халқ Республикаси Сифат, назорат, инспекция ва карантин бўйича бош маъмуриятига ҳайвон ва ҳайвонотга мансуб маҳсулотларни импорт, экспорт қилиш ҳамда транзит ташиш учун белгиладиган карантин ва санитар талаблар тўғрисида Протоколларни муҳокама қилиш ва имзолаш, ОИЕ томонидан тавсия этилган моделга асосан тегишли халқаро ветеринария сертификатлари намуналарини тасдиқлаш ва алмашиш учун тегишли ваколат берадилар, Имзоланган Протоколлар Ушбу Битимга илова қилинади ҳамда унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

5-модда

Томонлар ҳайвонлар карантини ҳамда ветеринарияга оид ўз қонун ва қоидаларига мувофиқ бошқа Томондан импорт қилинган ҳайвонлар ва ҳайвонотга мансуб маҳсулотларни карантин назоратидан ўтказишга ҳақли. Ҳар бир Томон аниқланган зарарли материалларга карантин ишлов бериш ҳуқуқига эга.

Ҳар бир Томон қўллаётган чора-тадбирлар ҳайвонлар ва ҳайвонотга мансуб маҳсулотлар савдосида ҳар икки мамлакат учун кераксиз тўсиқларни келтириб чиқармаслиги лозим.

Ҳар бир Томон тегишли ветеринария ва карантин қонун ва қоидаларига мувофиқ келмайдиган ҳайвонлар касалликлари, касаллик келтириб чиқарувчи патоген кўзғатувчи микроорганизмлар ҳамда бошқа ҳар қандай зараркунандалар аниқланганда бу ҳақда бошқа Томонни кечиктирмасдан хабардор қилади.

Бир Томон ҳудудидан иккинчи Томон ҳудудига экспорт қилинган ҳайвонлар ва ҳайвонот маҳсулотлари бошқа Томоннинг ветеринария ва карантин қонун ва қоидаларига, шунингдек Томонлар имзолаган тегишли шартномаларга мувофиқ келиши ҳамда экспорт қилаётган мамлакатнинг ваколатли ветеринария органлари томонидан берилган халқаро ветеринария сертифи-

катининг асл нусхаси илова қилиниши лозим. Халқаро ветеринария сертификати инглиз тилида ҳамда экспорт қилаётган мамлакатнинг расмий давлат тилида берилиши лозим.

6-модда

Агар чегарадан ўтишда ветеринария назоратини амалга ошириш давомида тирик ҳайвонлар, ҳайвонотга мансуб маҳсулотлар ва хом ашёлардан иборат бўлган импорт қилинаётган товарлар ёки алоҳида транспорт воситалари ветеринария ва гигиена талаблари бўйича ветеринария сертификати шартларига мувофиқ келмаса ёки товарлар ташилаётган транспорт воситаси ветеринария талабларига жавоб бермаса, импорт қилаётган мамлакатнинг ваколатли органлари бу ҳақда экспорт қилаётган мамлакатнинг ваколатли органларини хабардор қилишлари ҳамда Томонлар давлатларининг миллий қонунчилигига мувофиқ ўз мамлакати ҳудудига инсон ва ҳайвонлар учун умумий юқумли касалликлар (антропозооноз) тарқалишининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар қўллайдилар.

7-модда

ОИЕ рўйхатига киритилган касалликлар Томонлардан бирининг давлати ҳудудида аниқланган ҳолатларда, мазкур Томоннинг ваколатли органлари зудлик билан бошқа Томоннинг ваколатли органларини бу ҳақда хабардор этадилар ҳамда касаллик билан боғлиқ бўлган ушбу Битимнинг 1-моддасида кўрсатилган товарларнинг экспортга чиқарилишини тўхтатадилар.

Ушбу турдаги товарларни экспорт қилиш ўрнатилган халқаро тартиб ва қоидалар асосида давом эттирилади.

8-модда

Томонлар ўртасидаги келишувга биноан ушбу Битимнинг қоидалари бошқа маълум ва номаълум бўлган касалликлар турларига нисбатан қўлланилиши мумкин. Бундай ҳолатларда, ушбу Битимнинг ажралмас қисми ҳисобланадиган қўшимча баённомалар тузилади.

Мазкур баённомалар 12-моддада белгиланган тартибда кучга киритилади.

9-модда

Томонлар ушбу Битим қоидаларини бажариш учун қуйидаги ваколатли органларни тайинлашга келишиб олдилар:

Ўзбек томони учун — Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария бош бошқармаси.

Хитой томони учун — Хитой Халқ Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги;

Хитой Халқ Республикаси Сифат, назорат, инспекция ва карантин бўйича бош маъмурияти.

10-модда

Томонлар икки томонлама ўзаро манфаатли масалалар бўйича ҳамжиҳатлик сиёсатини олиб бориш мақсадида халқаро ташкилотлар доирасида маслаҳатлашувлар ва музокаралар олиб борадилар.

Ушбу Битим Томонларнинг улар иштирокчиси бўлган бошқа халқаро шартномалардаги ҳуқуқ ва мажбуриятларига дахл қилмайди.

11-модда

Ушбу Битимни талқин қилиш ёки амалга ошириш билан боғлиқ барча низолар Томонларнинг ваколатли органлари ўртасида ўзаро келишув асосида маслаҳатлашувлар ва музокаралар ўтказиш йўли билан ҳал этилади.

Томонларнинг ваколатли органлари ўртасида ўз ечимини топмаган муаммолар дипломатик каналлар орқали музокаралар ўтказиш йўли билан ҳал этилади.

12-модда

Ушбу Битим Томонлардан унинг кучга кириши учун зарур бўлган давлат ички процедураларининг бажарилгани тўғрисидаги охириги ёзма хабарнома дипломатик каналлар орқали олингандан бошлаб 30 (ўттиз) кундан сўнг кучга киради ва 5 (беш) йил муддатга тузилади.

Агар Томонлардан бири ушбу Битим амал қилиш муддатининг тугашидан камида 6 (олти) ой олдин унинг амал қилишини тўхтатиш мақсади тўғрисида дипломатик каналлар орқали ёзма равишда хабардор қилмаса, кейинги 5 (беш) йиллик муддатга ўз-ўзидан узайтирилади.

2012 йил 6 июнда Пекин шаҳрида ҳар бири ўзбек, хитой ва инглиз тилларида бўлган икки нусхада тузилди, бунда барча матнлар бир хил кучга эга. Ушбу Битим қоидаларини талқин қилишда ихтилофлар юзага келганда инглиз тилидаги матн устувор ҳисобланади.

(имзолар)

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Россия
Федерацияси Ҳукумати ўртасида 2013 — 2017 йилларга
мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик
ДАСТУРИ***

2013 йил 13 апрель, Москва

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Россия Федерацияси Ҳукумати (кейинги ўринларда «Томонлар» деб аталувчилар),

стратегик шериклар ҳисобланган ҳолда, шу жумладан иқтисодиётни ривожлантириш соҳасида,

ўзаро манфаатдорлик ва тенг ҳуқуқлилиқ асосида икки томонлама иқтисодий муносабатларни сақлаб қолиш ва ривожлантириш заруриятини англаган ҳолда,

Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида стратегик шерикчилик тўғрисида 2004 йил 16 июндаги Шартнома ҳамда Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида иттифоқчилик муносабатлари тўғрисида 2005 йил 14 ноябрдаги Шартномага таянган ҳолда, шунингдек Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида стратегик шерикчиликни чуқурлаштириш тўғрисида 2012 йил 4 июндаги Декларация қоидаларини амалга ошириш мақсадида,

қуйидагилар тўғрисида ўзаро англашувга келдилар:

1. Дастурнинг асосий мақсад ва вазифалари

Мазкур Дастур Томонлар тарафидан ўзаро манфаатли иқтисодий муносабатларни ривожлантириш, икки мамлакат иқтисодиётининг етакчи тармоқларида юқори технологияли ишлаб чиқариш соҳаларида ҳамкорликни кенгайтириш, шу асосда ўзаро товар айирбошлаш ва инвестициявий ҳамкорликни кучайтириш бўйича келишилган чора-тадбирлар комплексининг бажарилишини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилди.

Ушбу мақсадни амалга ошириш учун Томонлар қуйидаги вазифаларни бажаришга интиладилар:

олий даражадаги учрашувлар, шунингдек иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ҳукуматлараро комиссия йиғилишларида савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлик соҳасида эришилган келишувларнинг кенг қўламда амалга оширилишини таъминлаш;

иккала давлат иқтисодиётини юксалтиришга қаратилган иқтисодий ҳамкорликнинг барқарор ривожланишини таъминлаш;

тенг ҳуқуқлилиқ ва ўзаро манфаатдорлик асосида савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш ва инвестициявий ҳамкорликни диверсификация қилиш;

Томонларнинг халқаро мажбуриятларини кенг қўламда амалга ошириш асосида икки мамлакат ўртасида тўлақонли амал қилувчи эркин савдо ре-

* Имзоланган кундан кучга кирган.

жимини шакллантириш, шунингдек ўзаро манфаатли савдони ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

савдо-иқтисодий, инвестициявий, шунингдек илмий-техникавий хусусиятдаги ўзаро аҳамиятга молик бўлган очиқ маълумотлар билан алмашиш;

ишлаб чиқаришнинг ўсиши, унинг ривожланиши учун инвестициялар киритиш, фаннинг энг янги ютуқлари ва илғор технологияларни жорий қилиш ҳамда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифати ва рақобатбардошлигини ошириш учун рағбатлантирувчи омиллар яратиш;

транспорт-коммуникация соҳасида ўзаро манфаатли шерикчиликни амалга ошириш;

иккала давлат ҳудудида жойлашган хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти учун, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Россия Федерацияси Ҳукумати ўртасида инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисида 2013 йил 15 апрелдаги Битимга мувофиқ ўзаро инвестицияларни кенгайтириш мақсадида қулай шарт-шароитлар яратиш.

2. Иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари

Томонлар қуйидаги йўналишлар бўйича дастурий тадбирларни амалга оширадilar:

савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни кенгайтириш ва диверсификация қилиш;

иқтисодий ҳамкорлик соҳасида икки томонлама шартномавий-ҳуқуқий базани ривожлантириш;

амалдаги транспорт йўлакларининг рақобатбардошлигини ошириш учун иккала Томон давлатларининг қулай географик ўрнидан фойдаланган ҳолда, транспорт-коммуникация соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш;

саноатнинг турли тармоқларида, хусусан ёқилғи-энергетика комплекси, кимё, машинасозлик, электротехника, енгил саноат, авиация, тоғ-кон ва қайта ишлаш саноатларида ҳамда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш соҳаларида ҳамкорликни кенгайтириш;

илмий-техникавий ҳамкорлик ва ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришдаги уринишларни мувофиқлаштириш;

қишлоқ ва сув хўжалиги, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш;

божхона иши соҳасида ҳамкорликни янада ривожлантириш.

3. Дастурни амалга ошириш механизми

Мазкур Дастур Томонлар давлатларининг тегишли вазирликлари, идоралари ва хўжалик юритувчи субъектлари тарафидан, Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик бўйи-

ча Ҳукуматлараро комиссияси тасдиқлайдиган Тадбирлар режасида белги-ланадиган муайян ҳаракатларнинг бажарилиши орқали амалга оширилади.

Мазкур Дастур ва Тадбирлар режасининг бажарилишини мувофиқлаш-тириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федера-цияси ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ҳукуматлараро комиссияси томонидан амалга оширилади.

Москва шаҳрида 2013 йил 15 апрелда ҳар бири ўзбек ва рус тилларида бўлган икки нусхада имзоланди.

(имзолар)

ПРОГРАММА
экономического сотрудничества между Правительством
Республики Узбекистан и Правительством Российской
Федерации на 2013 — 2017 годы*

Москва, 13 апреля 2013 года

Правительство Республики Узбекистан и Правительство Российской Федерации (далее именуемые «Стороны»),

являясь стратегическими партнерами, в том числе в области экономичес-кого развития,

признавая необходимость сохранения и развития двусторонних эконо-мических отношений на взаимовыгодной и равноправной основе,

руководствуясь Договором о стратегическом партнерстве между Респуб-ликой Узбекистан и Российской Федерацией от 16 июня 2004 года, Догово-ром о союзнических отношениях между Республикой Узбекистан и Россий-ской Федерацией от 14 ноября 2005 года, а также в целях реализации положений Декларации об углублении стратегического партнерства между Республикой Узбекистан и Российской Федерацией от 4 июня 2012 года,

пришли к взаимопониманию о нижеследующем:

1. Основные цели и задачи Программы

Настоящая Программа разработана в целях обеспечения осуществления Сторонами согласованного комплекса мер по развитию взаимовыгодных экономических отношений, расширению высокотехнологического производ-ственного сотрудничества в ведущих отраслях экономики двух стран, рос-

* Вступила в силу со дня подписания.

та на этой основе взаимного товарооборота и инвестиционного сотрудничества.

Для реализации этой цели Стороны будут стремиться решать следующие задачи:

обеспечение полномасштабной реализации договоренностей в сфере торгово-экономического и инвестиционного сотрудничества, достигнутых в ходе встреч на высшем уровне, а также на заседаниях Межправительственной комиссии по экономическому сотрудничеству;

обеспечение стабильного развития экономического сотрудничества, направленного на подъем экономики обоих государств;

дальнейшее развитие торгово-экономического и диверсификация инвестиционного сотрудничества на равноправных и взаимовыгодных условиях;

формирование полноценно действующего режима свободной торговли между двумя странами, а также благоприятных условий для развития взаимовыгодной торговли на основе полномасштабной реализации международных обязательств Сторон;

обмен открытой информацией торгово-экономического, инвестиционного, а также научно-технического характера, представляющей взаимный интерес;

создание стимулов для роста производства, вложения инвестиций в его развитие, внедрения новейших достижений науки и передовых технологий, повышения качества и конкурентоспособности выпускаемой продукции;

осуществление взаимовыгодного партнерства в транспортно-коммуникационной сфере;

создание благоприятных условий для деятельности хозяйствующих субъектов, расположенных на территории обоих государств, в том числе с целью расширения взаимных инвестиций в соответствии с Соглашением между Правительством Республики Узбекистан и Правительством Российской Федерации о поощрении и взаимной защите инвестиций от 15 апреля 2013 года.

2. Основные направления развития экономического сотрудничества

Стороны будут осуществлять программные мероприятия по следующим направлениям:

расширение и диверсификация торгово-экономического и инвестиционного сотрудничества;

развитие двусторонней договорно-правовой базы в области экономического сотрудничества;

развитие транспортно-коммуникационного сотрудничества, используя выгодное географическое положение государств обеих Сторон для повышения конкурентоспособности действующих транспортных коридоров;

расширение сотрудничества в различных отраслях промышленности, в частности топливно-энергетическом комплексе, химической, машиностроительной, электротехнической, легкой, авиационной, горно-добывающей и

перерабатывающей промышленности, а также в производстве строительных материалов;

координация усилий в развитии взаимовыгодного сотрудничества в области научно-технического сотрудничества и информационно-коммуникационных технологий;

укрепление сотрудничества в области сельского и водного хозяйства, охраны окружающей среды;

дальнейшее развитие сотрудничества в области таможенного дела.

3. Механизм реализации Программы

Реализация настоящей Программы будет осуществляться посредством выполнения соответствующими министерствами, ведомствами и хозяйствующими субъектами государств Сторон конкретных действий, определяемых в Планах мероприятий, утверждаемом Межправительственной комиссией по экономическому сотрудничеству между Республикой Узбекистан и Российской Федерацией.

Координация и контроль за ходом реализации настоящей Программы и Плана мероприятий будут осуществляться Межправительственной комиссией по экономическому сотрудничеству между Республикой Узбекистан и Российской Федерацией.

Подписано в г. Москве 13 апреля 2013 г. в двух экземплярах, каждый на узбекском и русском языках.

(подписи)

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Россия Федерацияси Ҳукумати ўртасида маданий-гуманитар ва илмий-техникавий соҳаларда 2013 — 2015 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик ДАСТУРИ*

2013 йил 15 апрель, Москва

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Россия Федерацияси Ҳукумати, кейинги ўринларда Томонлар деб аталувчилар,

икки мамлакат ва уларнинг халқлари ўртасидаги анъанавий дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришни истаб,

* Имзоланган кундан кучга кирган.

тинчликни сақлаш, инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, ошкоралик, бағрикенглик ва маданиятлар диалоги принципларига амал қилган ҳолда,

Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида стратегик шерикчилик тўғрисида 2004 йил 16 июндаги Шартнома ҳамда Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида иттифоқчилик муносабатлари тўғрисида 2005 йил 14 ноябрдаги Шартнома қоидаларига асосланиб,

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Россия Федерацияси Ҳукумати ўртасида маданият, фан ва техника, таълим, соғлиқни сақлаш, ахборот, спорт ва туризм соҳаларида ҳамкорлик қилиш тўғрисида 1993 йил 19 мартдаги Битим ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Россия Федерацияси Ҳукумати ўртасида илмий-техникавий ҳамкорлик тўғрисида 1995 йил 27 июлдаги Битимни амалга оширишни давом эттириш мақсадида,

маданий-гуманитар ва илмий-техникавий соҳаларда 2013 — 2015 йилларга мўлжалланган қуйидаги Дастурни қабул қилдилар.

1. Дастурнинг асосий мақсад ва вазифалари

Мазкур Дастур Томонларнинг маданий-гуманитар ҳамкорлик соҳасида аввалги дастурларни амалга оширишда орттирган ижобий тажрибаларини ўзида мужассам этиб, фан ва техника, маданият, таълим, спорт ва туризм соҳаларидаги ҳамкорликни ривожлантириш бўйича келишилган чора-тадбирлар комплексининг бажарилишини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилди.

Мазкур мақсадни амалга ошириш учун Томонлар қуйидаги вазифаларни бажаришга интиладилар:

— маданий-гуманитар ва илмий-техникавий соҳаларда шартномавий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш;

— Томонлар давлатларининг маданий ва илмий ютуқларини ривожлантиришга қаратилган маданий-гуманитар ва илмий-техникавий ҳамкорликни янада мустаҳкамлашни таъминлаш;

— қўшма ижодий жамоалар тузиш, маданий тадбирлар, спорт фестиваллари ва учрашувлар ўтказиш орқали маданий-гуманитар соҳада ахборот ва тажриба алмашишга кўмаклашиш;

— мунтазам равишда илмий-техникавий ахборот алмашинувини йўлга қўйиш, илмий конференциялар, семинарлар, симпозиумлар ўтказиш, шунингдек олимлар учун илмий-тадқиқот марказлари ва лабораторияларида амалиёт ўташни ташкил қилиш орқали илмий-техникавий соҳада ахборот ва тажриба алмашишга кўмаклашиш;

— оммавий ахборот воситалари соҳасида ҳамкорликка кўмаклашиш;

— фан, маданият, таълим, спорт, туризм муассасалари ва ташкилотлари ўртасида, шунингдек жамоат ташкилотлари, ижодий уюшмалар, ассоциациялар ва жамғармалар ўртасидаги бевосита алоқаларнинг ривожланишига ҳар томонлама кўмаклашиш;

— Ўзбекистон ва Россия халқларининг маданий ва ижтимоий ҳаётидаги муҳим сана ва воқеаларга бағишланган қўшма тадбирлар ўтказиш.

2. Маданий-гуманитар соҳада ҳамкорлик йўналишлари

Томонлар қуйидаги йўналишлар бўйича дастурий тадбирларни амалга оширадилар:

— маданият ва кинематография соҳасида ҳамкорлик қилиш, биргаликда фестиваллар, концертлар, кўргазмалар ўтказиш, ўзаролик асосида Томонлар давлатлари ҳудудларида ўтказиладиган турли маданий тадбирларда иштирок этиш учун Томонлар давлатларининг ижод арбоблари, жамоалари ва санъат усталарини юбориш;

— таълим соҳасида ҳамкорлик, таълим муассасалари ва ташкилотлари ўртасидаги бевосита алоқаларни қўллаб-қувватлаш, турли тармоқларда юқори малакали кадрлар тайёрлашга кўмаклашиш, мутахассислар, олимлар ва амалиётчилар билан алмашиш;

— тегишли компаниялар ва ташкилотлар ўртасидаги келишувлар асосида белгиланадиган шартлар ва шаклларда, оммавий ахборот воситалари ўртасида ҳамкорлик қилиш;

— музей ва кутубхона иши соҳасида икки томонлама алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш;

— давлат тўпламлари, коллекциялари ва жамғармаларида сақланаётган ўз халқларининг тарихий-маданий бойликларини ўрганиш соҳасида ҳамкорлик қилиш, маданий бойликларни ноқонуний олиб ўтишнинг олдини олиш ва унга барҳам бериш бўйича биргаликдаги фаолият;

— спорт ва туризм соҳаларида алоқаларни фаоллаштириш;

— Томонлар давлатларининг маданий-гуманитар соҳада шерикчиликда фаолият кўрсатаётган жамоат ташкилотлари, жамғармалар ва ассоциациялар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш.

3. Илмий-техникавий соҳада ҳамкорлик йўналишлари

— икки томонлама илмий-техникавий ҳамкорлик тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш, илм-фан соҳасида бошқарув идоралари, фанлар академиялари, давлат илмий жамғармалари ва илмий тадқиқот олиб бораётган давлат муассасалари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш, биргаликда илмий лойиҳалар ва дастурлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

— ўзаро аҳамиятга молик бўлган долзарб илмий ва техникавий муаммоларни ечиш мақсадида устувор ва истиқболли илмий йўналишлар бўйича биргаликда фундаментал ва амалий тадқиқотлар олиб бориш;

— янги технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий қилишда, илмий-техникавий тадқиқотлар натижаларини саноатда ўзлаштиришда ҳамкорликни кенгайтириш ва фаоллаштириш;

— илмий кадрлар тайёрлашда ҳамкорлик қилиш.

4. Дастурни амалга ошириш шартлари

Мазкур Дастур доирасида ҳамкорликнинг молиявий шартлари қуйидаги принципларга асосланади.

Делегациялар, бадий жамоалар, ижрочилар билан алмашишда:

— башарти тегишли келишувларда бошқача тарзда назарда тутилмаган бўлса, юборувчи Томон ўз делегациялари, жамоалари ва ижрочиларининг халқаро транспорт ҳаракатларини ҳамда реквизи́тларни йўналиш бўйича ташиш, ўз ҳудудидаги божхона ва аэропорт йиғимлари, ижрочиларга гоно-рарлар бериш ва тиббий суғурта билан боғлиқ бўлган харажатларни қоплайди;

— башарти тегишли келишувларда бошқача тарзда назарда тутилмаган бўлса, қабул қилувчи Томон яшаш ва овқатланиш, мамлакат ичидаги транспорт харажатларини ҳамда зарурий техника билан жиҳозланган залларни ижарага олиш, ёрдамчи ва техник ходимларнинг хизматлари, барча турдаги рекламалар, таржимонлар хизмати, ўз ҳудудидаги божхона ва аэропорт йиғимлари, маданий дастур ва тезкор тиббий ёрдам билан боғлиқ бўлган харажатларни қоплайди.

Кўргазмаларни ташкил қилиш ва ўтказиш бўйича шартлар ва Томонларнинг ўзаро мажбуриятлари (муддатлар, экспонатларни ташиш бўйича транспорт харажатлари, кузатувчи шахсларнинг йўл харажатлари, божхона ва омборхона харажатлари, суғурта, хавфсизликни таъминлаш ва бошқалар) ҳар бир алоҳида ҳолатда манфаатдор ташкилотлар ўртасида келишиб олинади ва махсус баённомаларда қайд қилинади.

Бир Томон давлати фуқаролари учун бошқа Томон таълим ва илмий муассасаларида касбий амалиётлар ва малака ошириш курсларини ташкил қилиш шартлари ҳар бир алоҳида ҳолатда манфаатдор ташкилотлар ўртасида келишиб олинади.

Делегациялар, алоҳида шахсларнинг ташрифлари ва юқорида назарда тутилмаган бошқа тадбирларни ўтказишга оид молиявий масалалар Томонларнинг ўзаро манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, икки томонлама маслаҳатлашувлар доирасида бевосита манфаатдор ташкилотлар ўртасида келишиб олинади.

Томонлар ўртасидаги келишувга кўра мазкур Дастурга қўшимчалар ва ўзгартишлар киритилиши мумкин бўлиб, улар алоҳида баённомалар билан расмийлаштирилади.

Томонлар мазкур Дастурни амалга ошириш мақсадида Томонлар давлатларининг манфаатдор вазирликлари, идоралари ва ташкилотлари билан биргаликда тегишли Тадбирлар режасини ишлаб чиқадилар.

Томонлар, шунингдек Томонлар давлатларининг манфаатдор вазирликлари ва идоралари зарур ҳолларда мазкур Дастурнинг муайян тадбирларини бажаришга мўлжалланган алоҳида битимлар ва баённомалар тузишлари мумкин.

Мазкур Дастур имзоланган санадан бошлаб 2015 йилнинг 31 декабрига қадар қўлланилади.

Мазкур Дастур халқаро шартнома ҳисобланмайди, Томонлар учун халқаро ҳуқуқ бўйича тартибга солинадиган ҳуқуқ ва мажбуриятлар туғдирмайди.

Москва шаҳрида 2013 йил 15 апрелда ҳар бири ўзбек ва рус тилларида бўлган икки нусхада имзоланди.

(имзолар)

ПРОГРАММА
сотрудничества между Правительством Республики
Узбекистан и Правительством Российской Федерации
в культурно-гуманитарной и научно-технической сферах
на 2013 — 2015 годы*

Москва, 15 апреля 2013 года

Правительство Республики Узбекистан и Правительство Российской Федерации, именуемые в дальнейшем Сторонами,

желая укреплять и развивать традиционные отношения дружбы и сотрудничества между двумя странами и народами,

руководствуясь принципами сохранения мира, уважения прав человека, открытости, толерантности и диалога культур,

основываясь на положениях Договора о стратегическом партнерстве между Республикой Узбекистан и Российской Федерацией от 16 июня 2004 г., Договора о союзнических отношениях между Республикой Узбекистан и Российской Федерацией от 14 ноября 2005 г.,

в целях дальнейшей реализации Соглашения между Правительством Республики Узбекистан и Правительством Российской Федерации о сотрудничестве в области культуры, науки и техники, образования, здравоохранения, информации, спорта и туризма от 19 марта 1993 г. и Соглашения между Правительством Республики Узбекистан и Правительством Российской Федерации о научно-техническом сотрудничестве от 27 июля 1995 г.,

приняли нижеследующую Программу сотрудничества в культурно-гуманитарной и научно-технической сферах на 2013 — 2015 годы.

1. Основные цели и задачи Программы

Настоящая Программа учитывает положительный опыт, накопленный Сторонами при реализации предыдущих программ в области культурно-гуманитарного взаимодействия и разработана в целях обеспечения осуществления Сторонами согласованного комплекса мер по развитию сотруд-

* Вступила в силу со дня подписания.

ничества в области науки и техники, культуры, образования, спорта и туризма.

Для реализации этой цели Стороны будут стремиться решать следующие задачи:

— совершенствование договорно-правовой базы в культурно-гуманитарной и научно-технической сферах;

— обеспечение дальнейшего укрепления культурно-гуманитарного и научно-технического сотрудничества, направленного на развитие культурных и научных достижений государств Сторон;

— содействие обмену информацией и опытом в культурно-гуманитарной сфере посредством создания совместных творческих коллективов, культурных мероприятий, спортивных фестивалей и встреч;

— содействие обмену информацией и опытом в научно-технической сфере посредством налаживания регулярного обмена научно-технической информацией, проведения научных конференций, семинаров, симпозиумов, а также стажировок в ученых в исследовательских центрах и лабораториях;

— содействие сотрудничеству в сфере средств массовой информации;

— всемерное содействие развитию прямых связей между учреждениями и организациями науки, культуры, образования, спорта, туризма, а также между общественными организациями, творческими союзами, ассоциациями и фондами;

— проведение совместных мероприятий, посвященных знаменательным датам и событиям в культурной и общественной жизни народов Узбекистана и России.

2. Направления сотрудничества в культурно-гуманитарной сфере

Стороны будут способствовать осуществлению программных мероприятий по следующим направлениям:

— сотрудничество в области культуры и кинематографии, проведение совместных фестивалей, концертов, выставок, направление на взаимной основе творческих деятелей и коллективов, мастеров искусств государств Сторон для участия в различных культурных мероприятиях, проводимых на территориях государств Сторон;

— взаимодействие в образовательной сфере, поддержка прямых контактов между образовательными учреждениями и организациями, содействие в подготовке высококвалифицированных кадров для различных отраслей, обмен специалистами, учеными, стажерами;

— сотрудничество между средствами массовой информации, конкретные условия и формы которого будут определяться на основе договоренностей между соответствующими компаниями и организациями;

— развитие и укрепление двусторонних связей в области музейного и библиотечного дела;

— взаимодействие в области изучения историко-культурных ценностей

своих народов, хранящихся в государственных собраниях, коллекциях и фондах, совместная работа по предупреждению и пресечению незаконного перемещения культурных ценностей;

— активизация связей в области спорта и туризма;

— укрепление связей между партнерскими общественными организациями, фондами и ассоциациями государств Сторон, осуществляющими деятельность в культурно-гуманитарной сфере.

3. Направления сотрудничества в научно-технической сфере

— развитие и совершенствование системы двустороннего научно-технического сотрудничества, укрепление связей между регулирующими научную сферу ведомствами, академиями наук, государственными научными фондами и ведущими научными исследования государственными учреждениями, разработка и реализация совместных научных проектов и программ;

— проведение совместных фундаментальных и прикладных исследований по приоритетным и перспективным научным направлениям для решения актуальных научных и технических проблем, представляющих взаимный интерес;

— расширение и активизация сотрудничества в разработке и внедрении новых технологий, промышленном освоении результатов научно-технического взаимодействия;

— сотрудничество в подготовке научных кадров.

4. Условия реализации Программы

Финансовые условия сотрудничества в рамках настоящей Программы будут основываться на следующих принципах.

При осуществлении обмена делегациями, художественными коллективами, исполнителями:

— направляющая Страна будет оплачивать международные транспортные расходы своих делегаций, коллективов, исполнителей, провоз реквизита по маршруту, таможенные и аэропортовые сборы на своей территории, гонорары исполнителям, медицинскую страховку, если иное не предусмотрено соответствующими договоренностями;

— принимающая Страна будет оплачивать расходы по проживанию и питанию, транспортные расходы внутри страны, аренду залов с необходимым техническим оборудованием, услуги вспомогательного и технического персонала, все виды рекламы, переводчиков, таможенные и аэропортовые сборы на своей территории, культурную программу, срочную медицинскую помощь, если иное не предусмотрено соответствующими договоренностями.

При организации и проведении выставок условия и взаимные обязательства Сторон (сроки, транспортные расходы по провозу экспонатов, проезду сопровождающих лиц, таможенные и складские расходы, страховка, обеспечение безопасности и другое) будут согласовываться в каждом конкрет-

ном случае заинтересованными организациями и фиксироваться в специальных протоколах.

Условия организации профессиональных стажировок и курсов повышения квалификации для граждан государства одной Стороны в учебных и научных учреждениях другой Стороны будут согласовываться заинтересованными организациями в каждом отдельном случае.

Финансовые вопросы, касающиеся проведения визитов делегаций, отдельных лиц и прочих мероприятий, не упомянутых выше, будут согласовываться в рамках двусторонних консультаций непосредственно между заинтересованными организациями двух государств с учетом взаимных интересов Сторон.

В настоящую Программу по согласованию Сторон могут быть внесены дополнения и изменения, которые оформляются отдельными протоколами.

В целях реализации настоящей Программы Стороны совместно с заинтересованными министерствами, ведомствами и организациями государств Сторон разработают соответствующий План мероприятий.

Стороны, а также заинтересованные министерства и ведомства государств Сторон при необходимости могут заключать отдельные соглашения и протоколы, нацеленные на исполнение конкретных мероприятий Программы

Настоящая Программа применяется с даты ее подписания до 31 декабря 2015 года.

Настоящая Программа не является международным договором, не создает для Сторон прав и обязательств, регулируемых международным правом.

Подписано в г. Москве 15 апреля 2013 г. в двух экземплярах, каждый на узбекском и русском языках.

(подписи)

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Ирландия
Ҳукумати ўртасида икки ёқлама солиқ солинишига йўл
қўймаслик ҳамда даромад ва мол-мулк солиғини тўлашдан
бош тортишнинг олдини олиш тўғрисида
КОНВЕНЦИЯ**

2012 йил 11 июль, Дублин

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил
28 декабрдаги ПҚ-1896-сон қарори**

(2013 йил 17 апрелдан кучга кирди)

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Ирландия Ҳукумати,
Икки ёқлама солиқ солинишига йўл қўймаслик ҳамда даромад ва мол-
мулк солиғини тўлашдан бош тортишнинг олдини олиш тўғрисида конвен-
цияни тузишни истаб,

қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:

1-модда

Конвенция татбиқ этиладиган шахслар

Мазкур Конвенция Аҳдлашувчи Давлатлардан бири ёки ҳар иккисининг
резидентлари бўлган шахсларга нисбатан қўлланилади.

2-модда

Конвенция татбиқ этиладиган солиқлар

1. Мазкур Конвенция Аҳдлашувчи Давлат ёки унинг маъмурий-худудий
бўлинмалари ёки маҳаллий ҳокимият органлари номидан ундириладиган,
ундириш усулидан қатъи назар, даромад ва мол-мулк солиқларига татбиқ
этилади.

2. Даромад ва мол-мулк солиғига умумий даромад, умумий мол-мулкдан
ёки даромад ёки мол-мулкнинг бир қисмидан ундириладиган барча солиқ-
лар, шу жумладан кўчар ёки кўчмас мулкни тасарруфдан чиқаришдан олин-
ган даромаддан, корхоналар тўлайдиган жами иш ҳақи ёки маош суммала-
ридан, шунингдек мол-мулк қийматининг ортишидан олинадиган солиқлар
киради.

3. Мазкур Конвенция татбиқ этиладиган амалдаги солиқлар, хусусан,
қуйидагилардир:

а) Ўзбекистонга нисбатан:

(i) юридик шахсларнинг даромадига (фойдасига) солинадиган солиқ;

(ii) жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқ; ва

(iii) мол-мулк солиғи;

(кейинги ўринларда «Ўзбекистон солиғи» деб номланади);

* Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 52-сон, 588-модда.

b) Ирландияга нисбатан:

(i) даромад солиғи;

(ii) универсал ижтимоий тўлов;

(iii) корпоратив солиқ; ва

(iv) капитал қийматининг ортишидан олинадиган солиқ (кейинги ўринларда «Ирландия солиғи» деб номланади).

4. Мазкур Конвенция, шунингдек ушбу Конвенция имзоланган санадан кейин амалдаги солиқларга қўшимча равишда ёки уларнинг ўрнига олинadиган ҳар қандай бир хил ёки моҳиятан ўхшаш солиқларга нисбатан қўлланади. Аҳдлашувчи Давлатларнинг ваколатли органлари ўзларининг тегишли солиққа оид қонун ҳужжатларига киритилган ҳар қандай жиддий ўзгаришлар тўғрисида бир-бирини хабардор қиладилар.

3-модда

Умумий таърифлар

1. Мазкур Конвенция мақсадлари учун, контекстан бошқача маъно келиб чиқмаса:

a) «Ўзбекистон» атамаси Ўзбекистон Республикасини англатади ва географик маънода қўлланилганда Ўзбекистон Республикасининг ҳудудини, шу жумладан доирасида Ўзбекистон Республикаси ўзининг суверен ҳуқуқлари ва юрисдикциясини, шу жумладан халқаро ҳуқуқ ва Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ ер ости ва табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқини амалга ошириши мумкин бўлган ҳудудий сувлари ҳамда ҳаво ҳудудини англатади;

b) «Ирландия» атамаси Эксклюзив иқтисодий зона ва Континентал шельфга доир Ирландия қонунчилиги бўйича доирасида Ирландия ўзининг халқаро ҳуқуққа мувофиқ тасдиқланган суверен ҳуқуқлари ва юрисдикциясини амалга ошира оладиган ҳудуд бўлган ёки келгусида шундай деб белгиланиши мумкин бўлган Ирландия ҳудудий сувларидан ташқаридаги ҳар қандай ҳудудни ўз ичига олади;

c) «бир Аҳдлашувчи Давлат» ва «бошқа Аҳдлашувчи Давлат» атамалари контекстга боғлиқ ҳолда Ўзбекистон ёки Ирландияни англатади;

d) «шахс» атамаси жисмоний шахс, компания ва бошқа ҳар қандай шахслар бирлашмасини англатади;

e) «компания» атамаси солиқ солиш мақсадлари учун корпоратив бирлашма сифатида қабул қилинадиган ҳар бир корпоратив бирлашма ёки ҳар бир ташкилотни англатади;

f) «корхона» атамаси ҳар қандай тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга нисбатан қўлланилади;

g) «бир Аҳдлашувчи давлат корхонаси» ва «бошқа Аҳдлашувчи давлат корхонаси» атамалари тегишлича бир Аҳдлашувчи давлат резидентининг бошқаруви остида фаолият юритувчи корхонани ҳамда бошқа Аҳдлашувчи давлат резидентининг бошқаруви остида фаолият юритувчи корхонани англатади;

h) «халқаро ташиш» атамаси Аҳдлашувчи давлат корхонаси томонидан фойдаланилаётган денгиз, ҳаво кемаси, темир йўл ёки автомобиль транспорти воситасида ҳар қандай ташишларни англатади, денгиз, ҳаво кемаси, темир йўл ёки автомобиль транспорти фақат бошқа Аҳдлашувчи давлатда жойлашган пунктлар орасида фойдаланиладиган ҳолатлар бундан мустасно;

i) «ваколатли орган» атамаси қуйидагиларни англатади:

(i) Ўзбекистонга нисбатан — Давлат солиқ қўмитаси ёки унинг ваколатли вакили;

(ii) Ирландияга нисбатан — Даромадлар хизмати ёки унинг ваколатли вакили.

j) «фуқаро» атамаси қуйидагиларни англатади:

(i) Аҳдлашувчи давлатнинг фуқаролигига эга бўлган ҳар бир жисмоний шахсни;

(ii) Аҳдлашувчи давлатнинг амалдаги қонунчилигига мувофиқ ўзининг шундай мақомини олган ҳар қандай юридик шахс ёки уюшмани билдиради;

к) «тадбиркорлик фаолияти» атамаси касбий хизматлар ва бошқа мустақил хусусиятга эга бўлган фаолиятни амалга оширишни ўз ичига олади.

Аҳдлашувчи давлат томонидан ҳар қандай вақтда Конвенция қўлланганда унда таърифи берилмаган ҳар бир атама, контекстан бошқача маъно келиб чиқмаса, ушбу Давлатнинг қонунчилигига кўра шу вақтгача мазкур Конвенция татбиқ этиладиган солиқларга нисбатан эга бўлган маънога эга бўлади; ушбу Давлатнинг қўлланиладиган қонунчилигига мувофиқ ҳар бир маъно шу Давлат қонунчилигининг бошқа соҳаларида ушбу атама учун назарда тутилган маънодан устун бўлади.

4-модда

Резидент

1. «Аҳдлашувчи давлатнинг резиденти» атамаси мазкур Конвенциянинг мақсадлари учун ушбу давлатнинг миллий қонунчилигига кўра унда ўзининг яшаш жойи, доимий турар жойи, бошқариш жойи ёки ҳар қандай бошқа шунга ўхшаш мезон асосида солиқ солиниши лозим бўлган, шунингдек мазкур Давлат ва ҳар қандай маъмурий-худудий бўлинма ёки маҳаллий ҳокимият органлари камраб оладиган ҳар бир шахсни англатади. Аммо, ушбу атама мазкур Аҳдлашувчи давлатда фақат шу Давлатдаги манбалардан олинган даромадга нисбатан ёки унда бўлган мол-мулкига нисбатан солиқ солиниши лозим бўлган ҳар бир шахсни ўз ичига олмайди.

2. 1-банднинг қоидаларига мувофиқ, жисмоний шахс ҳар икки Аҳдлашувчи давлатнинг резиденти ҳисобланса, унинг мақоми қуйидагича белгиланади:

а) мазкур шахс фақат у яшай оладиган доимий уй-жойга эга бўлган Давлатнинг резиденти бўлиб ҳисобланади; агар у ҳар икки Давлатда ўзининг яшаши мумкин бўлган доимий уй-жойга эга бўлса, у фақат энг яқин шахсий ва иқтисодий алоқаларга (хаётий манфаатлар маркази) эга бўлган Давлатнинг резиденти бўлиб ҳисобланади;

b) агар шахс ҳаётий манфаатлар марказига эга бўлган Давлатни аниқлаб бўлмаса ёки у Давлатларнинг ҳеч бирида ўзининг яшаши мумкин бўлган доимий уй-жойга эга бўлмаса, ушбу шахс фақат у одатда турадиган Давлатнинг резиденти бўлиб ҳисобланади;

с) агар шахс одатда ҳар икки Давлатда яшаса ёки у одатда улардан ҳеч бирида яшамаса, мазкур шахс фақат ўзи фуқароси бўлган Давлатнинг резиденти бўлиб ҳисобланади;

d) агар шахс ҳар икки Давлатнинг фуқароси бўлса ёки улардан ҳеч бирининг фуқароси ҳисобланмаса, Аҳдлашувчи Давлатларнинг ваколатли органлари мазкур масалани ўзаро келишув бўйича ҳал қилишлари лозим.

3. Агар 1-банднинг қоидаларига мувофиқ жисмоний шахс бўлмаган шахс ҳар икки Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти ҳисобланса, у фақат ўзининг амалдаги бошқарув органи жойлашган давлатнинг резиденти ҳисобланади.

5-модда **Доимий муассаса**

1. Мазкур Конвенциянинг мақсадлари учун «доимий муассаса» атамаси корхона унда тадбиркорлик фаолиятини тўлиқ ёки қисман амалга оширадиган доимий фаолият жойини англатади.

2. «Доимий муассаса» атамаси, хусусан, қуйидагиларни ўз ичига олади:

a) бошқариш жойи;

b) бўлинма;

c) офис;

d) фабрика;

e) устахона, ва

f) шахта, нефть ёки газ қудуғи, очик кон ёки ҳар қандай бошқа табиий ресурсларни қазиб олиш жойи.

3. Қурилиш майдони, қурилиш, монтаж ёки йиғиш объекти фақат бундай майдон, объект ёки фаолиятнинг муддати 9 ойдан ортиқ давом этгандагина доимий муассаса ҳисобланади.

4. Мазкур модданинг олдинги қоидаларидан қатъи назар, «доимий муассаса» атамаси қуйидагиларни ўз ичига олмайди:

a) иншоотлардан фақат мазкур корхонага тегишли бўлган товарлар ёки буюмларни сақлаш, намойиш қилиш ёки етказиб бериш мақсадида фойдаланиш;

b) мазкур корхонага тегишли бўлган товарлар ёки буюмлар захирасини фақат сақлаш, намойиш қилиш ёки етказиб бериш мақсадида сақлаш;

c) мазкур корхонага тегишли бўлган товарлар ёки буюмлар захирасини фақат бошқа корхона томонидан қайта ишлаш мақсадида сақлаш;

d) доимий фаолият жойини фақат товарлар ёки буюмларни харид қилиш мақсадида ёки мазкур корхона учун ахборот йиғиш мақсадида сақлаш;

e) доимий фаолият жойини фақат мазкур корхона манфаатлари учун тайёрлов ёки ёрдамчи хусусиятга эга ҳар қандай бошқа фаолиятни амалга ошириш мақсадидагина сақлаш;

f) доимий фаолият жойини (а) — (е) кичик бандларида айтиб ўтилган фаолият турларини ҳар қандай бирга қўшиш мақсадидагина сақлаш, башарти бундай қўшишдан юзага келадиган ушбу доимий фаолият жойининг умумий фаолияти тайёрлов ёки ёрдамчи хусусиятга эга бўлса.

5. 1- ва 2-бандларининг қоидаларидан қатъи назар, 6-бандни қўллаш мумкин бўлган мустақил мақомга эга агентдан бошқа шахс корхона номидан иш кўrsa ва Аҳдлашувчи давлатда корхона номидан шартномаларни тузиш ваколатига эга бўлса ҳамда одатда уни амалга оширса, унда мазкур корхона шу Давлатда ушбу шахс мазкур корхона учун амалга ошираётган ҳар қандай фаолиятга нисбатан доимий муассасага эга деб, ҳисобланади, фақат бундай шахснинг фаолияти 4-бандда қайд этилган фаолият турлари билан чекланмаган бўлса, ушбу фаолият турлари доимий фаолият жойи орқали амалга оширилади бўлса, мазкур банднинг қоидаларига кўра ушбу доимий фаолият жойини доимий муассасага айлантормайди.

6. Корхона Аҳдлашувчи Давлатда тадбиркорлик фаолиятини брокер, воситачи ёки мустақил мақомга эга бўлган ҳар қандай бошқа агент орқали амалга ошираётганлиги боис у мазкур Давлатда доимий муассасага эга деб ҳисобланмайди, башарти ушбу шахслар ўзларининг одатдаги фаолияти доирасида иш юритаётган бўлса.

7. Бир Аҳдлашувчи Давлат резиденти бўлган компаниянинг бошқа Аҳдлашувчи давлатнинг резиденти бўлган компанияни назорат қилиши ёки унинг томонидан назорат қилиниши ёхуд ушбу бошқа Давлатда тижорат фаолиятини (доимий муассаса орқали ёки бошқача тарзда) амалга ошириши ўз-ўзидан ушбу компаниялардан бирини бошқасининг доимий муассасасига айлантормайди.

6-модда

Кўчмас мулкдан олинадиган даромадлар

1. Битта Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти томонидан бошқа Аҳдлашувчи Давлатда жойлашган кўчмас мулкдан олинадиган даромадга (шу жумладан қишлоқ ёки ўрмон хўжалигидан олинадиган даромадга) мазкур бошқа Давлатда солиқ солиниши мумкин.

2. «Кўчмас мулк» атамаси кўриб чиқиладиган мол-мулк жойлашган Аҳдлашувчи Давлатнинг қонунчилигига кўра эга бўлган маънога эгадир. Мазкур атама ҳар қандай ҳолатда кўчмас мулк билан бирга бўлган мол-мулк, чорва ҳамда қишлоқ хўжалиги ва ўрмончилик учун мўлжалланган инвентарни, эгалик ҳуқуқи ер усти мулкига, узурфрукт кўчмас мулкига тааллуқли умумий қонунчилик қоидалари билан белгиланган ҳуқуқлар ҳамда минераллар қатламлари, конлар ва бошқа табиий ресурсларни қазиб олиш ёки қазиб олиш ҳуқуқи учун компенсация сифатида тўланадиган ўзгарувчан ёки қатъий белгиланган тўловларга бўлган ҳуқуқни ўз ичига олади. Денгиз, ҳаво кемалари, темир йўл ва автомобиль транспорти воситалари кўчмас мулк сифатида баҳоланмайди.

3. 1-банднинг қоидалари кўчмас мулкдан бевосита фойдаланиш, ижара-

га бериш ёки ҳар қандай бошқа шаклда фойдаланишдан олинадиган даромадга нисбатан қўлланилади.

7-модда

Тадбиркорлик фаолиятдан олинадиган фойда

1. Бир Аҳдлашувчи Давлат корхонасининг фойдасига, агар корхона бошқа Аҳдлашувчи Давлатда унда жойлашган доимий муассаса орқали ўзининг тадбиркорлик фаолиятини амалга оширмаётган бўлса, фақат шу Давлатда солиқ солинади. Агар корхона ўз фаолиятини юқорида қайд этилганидек амалга ошираётган бўлса, бошқа Аҳдлашувчи Давлатда корхона фойдасига, фақат ушбу доимий муассасанинг фаолиятига тааллуқли қисмига, солиқ солиниши мумкин.

2. 3-банднинг қоидаларига мувофиқ, агар бир Аҳдлашувчи Давлатнинг корхонаси бошқа Аҳдлашувчи Давлатда унда жойлашган доимий муассаса орқали тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган бўлса, унда ҳар бир Аҳдлашувчи Давлатда ушбу доимий муассаса ҳисобига у худди шу ёки шунга ўхшаш шароитда, худди шу ёки шунга ўхшаш фаолиятни амалга ошираётган алоҳида ва мустақил корхона бўлиб, доимий муассасаси ҳисобланган корхонадан мустақил фаолият юритган тақдирда олиши мумкин бўлган фойда ёзилади.

3. Доимий муассаса фойдасини аниқлашда мазкур доимий муассасанинг фаолият мақсадлари учун сарфланган харажатлар, шу жумладан ҳам доимий муассаса жойлашган Давлатда, ҳам унинг ташқарисиди сарфланган бошқарув ва умумий маъмурий харажатларни чегиришга рухсат этилади.

4. Аҳдлашувчи Давлатда корхонани жами фойда суммасини унинг турли бўлинмаларига мутаносиб равишда тақсимлаш асосида доимий муассасага тегишли бўлган фойдани аниқлаш оддий амалиёт ҳисобланишига қарамай, 2-банддаги ҳеч нарса мазкур Давлатга, амалиётдан келиб чиққан ҳолда тақсимлаш орқали солиқ солинадиган фойдани аниқлашни тақиқламайди; бироқ, танланган тақсимлаш усули мазкур моддадаги принципларга мос келадиган натижани бериши лозим.

5. Доимий муассаса томонидан ёлғиз мазкур корхона учун товарлар ёки буюмлар фақат сотиб олиш асосида доимий муассасага бирор фойда ёзилмайди.

6. Юқоридаги бандларнинг мақсадлари учун доимий муассасага тегишли фойда, агар уни ўзгартириш учун асосли ва етарли сабаб бўлмаса, ҳар йили бир хил усулда аниқланади.

7. Фойда мазкур Конвенциянинг бошқа моддаларида алоҳида айтиб ўтилган даромад турларини ўз ичига олганда, мазкур модданинг қоидалари ушбу моддаларнинг қоидаларига дахл қилмайди.

8-модда

Халқаро транспорт

1. Битта Аҳдлашувчи Давлат корхонасининг халқаро ташишларда ден-

гиз, ҳаво кемалари, темир йўл ёки автомобиль транспорти воситаларидан фойдаланишдан олинган фойдасига фақат шу Давлатда солиқ солинади.

2. Мазкур модданинг мақсадлари учун, халқаро ташишларда денгиз, ҳаво кемалари, темир йўл ёки автомобиль транспорти воситаларидан фойдаланишдан олинган фойда халқаро ташишларда денгиз, ҳаво кемалари, темир йўл ёки автомобиль транспорти воситаларини ижарага беришдан олинган фойдани ўз ичига олади, башарти бундай денгиз, ҳаво кемалари, темир йўл ёки автомобиль транспорти воситаларидан халқаро ташишларда фойдаланиладиган бўлса ёки ижарадан олинган бундай фойда 1-бандда таърифланган фойдага нисбатан тасодифий ҳисобланса.

3. 1-банднинг қоидалари контейнерлардан (шу жумладан трейлерлар ва контейнерларни ташиш билан боғлиқ бошқа ускуналар)дан фойдаланиш, уларни сақлаш ёки ижарага беришдан олинган фойдага нисбатан ҳам қўлланилади, башарти бундай фойда 1-банд татбиқ этиладиган фойдаларга нисбатан қўшимча ёки тасодифий ҳисобланса.

4. 1, 2 ва 3-бандларнинг қоидалари, шунингдек транспорт воситаларини ишлатиш бўйича пулда, биргаликдаги фаолиятда ёки халқаро ташкилотда иштирок этишдан олинган фойдага нисбатан ҳам қўлланилади.

9-модда

Бирлашган корхоналар

1. Агар:

а) Аҳдлашувчи Давлатнинг корхонаси бошқа Аҳдлашувчи Давлат корхонасининг бошқаруви, назорати ёки капиталида бевосита ёки билвосита қатнашаётган, ёки

б) айнан ўша шахслар бир Аҳдлашувчи Давлат корхонасининг ҳамда бошқа Аҳдлашувчи Давлат корхонасининг бошқаруви, назорати ёки капиталида бевосита ёки билвосита қатнашаётган бўлса, ва ҳар қандай ҳолатда корхоналар ўртасида уларнинг тижорий ва молиявий муносабатларида мустақил корхоналар ўртасида яратиладиган шартлардан фарқланадиган шартлар яратилади ёки белгиланади, унда улардан бирига ёзилиши мумкин бўлган, бироқ мазкур шартлар мавжудлиги сабабли, унга ёзилмаган ҳар қандай фойда ушбу корхонанинг фойдасига киритилиши ва унга тегишли равишда солиқ солиниши мумкин.

2. Аҳдлашувчи Давлат ушбу Давлат корхонасининг фойдасига бошқа Аҳдлашувчи Давлатнинг корхонасига мазкур бошқа Аҳдлашувчи Давлатда солиқ солинадиган фойдани киритган ва тегишлича солиқ солганда ҳамда шундай тарзда киритилган фойда, икки корхона ўртасидаги муносабатлар худди икки мустақил корхона ўртасидаги каби бўлганда биринчи айтиб ўтилган Давлатнинг корхонасига ёзилиши мумкин бўлган фойда бўлади, бу ҳолда ушбу бошқа Давлат унда мазкур фойдага ҳисобланган солиққа тегишли тузатишларни киритади. Бундай тузатишни белгилашда мазкур Конвенциянинг бошқа қоидаларига тегишли эътибор қаратилиши лозим ва Аҳдлашувчи Давлатларнинг ваколатли органлари, зарур бўлса ўзаро маслаҳатлашувларни бошлаши керак.

10-модда **Дивидендлар**

1. Бир Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти бўлган компания томонидан бошқа Аҳдлашувчи Давлатнинг резидентига тўланадиган дивидендларга ушбу бошқа Давлатда солиқ солиниши мумкин.

2. Бироқ дивидендларни тўлаётган компания резиденти бўлган Аҳдлашувчи Давлатда ҳам бундай дивидендларга мазкур Аҳдлашувчи Давлатнинг қонунчилигига мувофиқ солиқ солиниши мумкин, аммо дивиденд олишга амалда ҳақли бўлган олувчи бошқа Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти бўлса, шундай тарзда олинадиган солиқ:

а) агар дивидендларни олишга амалда ҳақли бўлган шахс дивиденд тўлаётган компания капиталининг камида 10 фоизига бевосита эгалик қилса, жами дивидендлар суммасининг 5 фоизидан;

б) қолган барча ҳолларда дивидендлар жами суммасининг 10 фоизидан ошмаслиги лозим.

3. «Дивидендлар» атамасидан мазкур моддада фойдаланилганда акциялардан ёки акцияларни ишлатишдан ёки таъсисчиларнинг ҳуқуқлари, акцияларидан фойдаланишдан ёки қарз мажбуриятлари ҳисобланмаган, фойда олишда иштирок этиш ҳуқуқини берадиган бошқа ҳуқуқлардан фойдаланишдан олинган даромадни, шунингдек фойдани тақсимловчи компания резиденти бўлган Давлатнинг миллий қонунчилигига мувофиқ акциялардан олинадиган даромад каби худди шундай солиқлар билан тартибга солиниши лозим бўлган бошқа даромадни англатади.

4. Агар дивидендларнинг амалдаги эгаси бир Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти бўлган ҳолда бошқа Аҳдлашувчи Давлатда фаолиятни амалга ошираётган бўлса ва бошқа Аҳдлашувчи давлатда жойлашган доимий муассаса орқали дивидендларни тўлаётган компания шу давлатнинг резиденти бўлса ҳамда дивидендлар Нисбатан тўланаётган холдинг бундай доимий муассаса билан амалда боғланган бўлса, 1-банднинг қоидалари қўлланилмайди. Бундай ҳолатда 7-модда қоидалари қўлланилади.

5. Агар бир Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти бўлган компания бошқа Аҳдлашувчи Давлатда фойда ёки даромад олаётган бўлса, ушбу бошқа Аҳдлашувчи Давлат компания томонидан тўланаётган дивидендларга солиқ солмаслиги мумкин, бундай дивидендлар шу бошқа Аҳдлашувчи Давлатнинг резидентига тўланадиган ёки дивидендлар нисбатан тўланадиган холдинг доимий муассаса билан амалда боғланган ҳоллар бундан мустасно, шунингдек компаниянинг тақсимланмаган фойдасига, ҳатто тўланаётган дивидендлар ёки тақсимланмаган фойдага мазкур бошқа Давлатда вужудга келадиган фойда ёки даромаддан тўла ёки қисман ташкил топган бўлса ҳам, солиқ солинмаслиги мумкин.

11-модда **Фоизлар**

1. Битта Аҳдлашувчи Давлатда юзага келадиган ҳамда бошқа Аҳдлашувчи

Давлатда резидентга тўланадиган фоизларга мазкур бошқа Аҳдлашувчи Давлатда солиқ солиниши мумкин.

2. Бирок бундай фоизларга, шунингдек улар ушбу Аҳдлашувчи Давлатнинг миллий қонунчилигига мувофиқ юзага келадиган мазкур Давлатда солиқ солиниши мумкин, аммо бошқа Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти фоизларнинг амалдаги эгаси бўлса, бу ҳолда солиқ фоизларнинг ялпи суммасининг 5 фоизидан ошмаслиги лозим.

3. «Фоизлар» атамаси мазкур моддада фойдаланилганда ипотека таъминотидан қатъи назар, ҳар қандай турдаги қарз талабномаларидан, хусусан, ҳукумат қимматли қоғозларидан олинадиган даромад ҳамда облигациялар ёки қарз мажбуриятларидан олинган даромадни, шу жумладан ушбу қимматли қоғозлар, облигациялар ёки қарз мажбуриятлари бўйича мукофотлар ва ютуқларни, шунингдек даромад юзага келадиган давлатнинг қонунчилигига кўра пулни қарзга беришдан олинадиган даромад сифатида баҳоланадиган бошқа даромадни билдиради, бироқ 10-моддадаги дивидендлар сифатида баҳоланадиган ҳеч қандай даромадни ўз ичига олмайди. Ўз вақтида тўланмаганлиги учун жарималар мазкур модданинг мақсадлари учун фоизлар сифатида баҳоланмайди.

4. Агар фоизларнинг амалдаги эгаси бир Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти бўлган ҳолда бошқа Аҳдлашувчи Давлатда фаолиятни амалга ошираётган бўлса ва бошқа Аҳдлашувчи давлатда жойлашган доимий муассаса орқали фоизлар вужудга келадиган бўлса ҳамда фоизлар тўланадиган қарз талаби бундай доимий муассаса билан амалда боғланган бўлса, 1-банднинг қоидалари қўлланилмайди. Бундай ҳолатда 7-модда қоидалари қўлланилади.

5. Давлатнинг ўзи, маъмурий-худудий бўлинма, маҳаллий ҳокимият органи ёки ушбу Давлатнинг резиденти тўловчи бўлганда фоизлар Аҳдлашувчи Давлатда юзага келган ҳисобланади. Аммо, фоизларни тўловчи шахс, Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти бўлган ёки бўлмаган ҳолда қарздорлик бўйича тўланаётган фоизлар вужудга келган Давлатда доимий муассасага эга бўлганда ва ушбу доимий муассаса бундай фоизларни тўлаш бўйича харажатлар қилганда, фоизлар доимий муассаса жойлашган Аҳдлашувчи Давлатда вужудга келган ҳисобланади.

6. Агар тўловчи билан фоизларнинг амалдаги эгаси ўртасидаги ёки уларнинг иккаласи билан бошқа бирор шахс ўртасидаги алоҳида муносабатлар туфайли қарз талабномасига тегишли бўлган ва унга нисбатан тўланадиган фоизлар суммаси бундай муносабатлар бўлмаганда тўловчи билан амалдаги эга ўртасида келишилиши мумкин бўлган суммадан ортиқ бўлса, мазкур модда қоидалари фақат охири қайд этилган суммага нисбатан қўлланилади. Бундай ҳолатда тўловнинг ортиқча қисмига аввалгидек, ҳар бир Аҳдлашувчи Давлатнинг қонунчилигига мувофиқ мазкур Конвенциянинг бошқа қоидаларини ҳисобга олган ҳолда солиқ солинади.

12-модда Роялти

1. Бир Аҳдлашувчи Давлатда юзага келадиган ва бошқа Аҳдлашувчи Давлатнинг резидентига тўланадиган роялтига ушбу бошқа Давлатда солиқ солиниши мумкин.

2. Бирок, ушбу роялтиларга улар юзага келадиган Аҳдлашувчи Давлатда ҳам, мазкур Давлатнинг миллий қонунчилигига мувофиқ, солиқ солиниши мумкин аммо, башарти, роялтининг амалдаги эгаси бошқа Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти бўлса, шундай тарзда ундириладиган солиқ ялпи роялти суммасининг 5 фоизидан ошмаслиги лозим.

3. «Роялти» атамаси мазкур моддада ишлатилганда адабиёт, санъат ва илмий асарларга, шу жумладан кинофильмларга ҳар қандай муаллифлик ҳуқуқларидан, ҳар қандай патент, товар белгиси, чизмалар ёки моделлар, схемалар, махфий формулалар ёки жараёнлардан фойдаланганлик ёки фойдаланиш ҳуқуқини бериш ёхуд саноат, тижорат ёки илмий тажрибага тааллуқли маълумот учун мукофот сифатида олинadиган ҳар қандай турдаги тўловларни билдиради.

4. Агар роялтининг амалдаги эгаси бир Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти бўлган ҳолда роялти вужудга келадиган бошқа Аҳдлашувчи Давлатда унда жойлашган доимий муассаса орқали тижорат фаолиятини амалга ошираётган бўлса ва роялти нисбатан тўланаётган ҳуқуқ ёки мол-мулк бундай доимий муассаса билан ҳақиқатан ҳам боғланган бўлса, 1-банднинг қоидалари қўлланилмайди. Бундай ҳолатда шароитга қараб 7-модда қоидалари қўлланилади.

5. Агар Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти тўловчи бўлса, роялти ушбу Давлатда вужудга келади деб ҳисобланади. Бирок, роялтини тўлаётган шахс, унинг Аҳдлашувчи Давлат резиденти бўлгани ёки бўлмаганлигидан қатъи назар, Аҳдлашувчи Давлатда доимий муассасага эга бўлса ва бундай доимий муассаса тўлов бўйича харажатларни кўтараётган бўлса, у ҳолда бундай роялти доимий муассаса жойлашган Аҳдлашувчи Давлатда юзага келади деб ҳисобланади.

6. Агар тўловчи билан роялтининг амалдаги эгаси ўртасидаги ёки уларнинг иккаласи билан бошқа бирор шахс ўртасидаги алоҳида муносабатлар туфайли фойдаланишга, фойдаланиш ҳуқуқига ёки маълумотга тегишли бўлган ва улар учун тўланаётган роялти суммаси бундай муносабатлар бўлмаганда тўловчи билан ушбу даромадларнинг амалдаги эгаси ўртасида келишилиши мумкин бўлган суммадан ортиқ бўлса, мазкур модда қоидалари фақат охирига қайд этилган суммага нисбатан қўлланилади. Бундай ҳолатда тўловнинг ортиқча қисмига аввалгидек, ҳар бир Аҳдлашувчи Давлатнинг қонунчилигига мувофиқ мазкур Конвенциянинг бошқа қоидаларини ҳисобга олган ҳолда солиқ солинади.

13-модда

Мол-мулк қийматининг ортишидан олинадиган даромадлар

1. Бир Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти томонидан 6-моддада қайд этилган ва бошқа Аҳдлашувчи Давлатда жойлашган кўчмас мулкни тасарруфдан чиқаришдан олинадиган даромадларга мазкур бошқа Давлатда солиқ солиниши мумкин.

2. Бир Аҳдлашувчи Давлатнинг корхонаси бошқа Аҳдлашувчи Давлатда эга бўлган доимий муассасанинг ишга алоқадор мулкнинг бир қисмини ташкил қилувчи кўчар мулкни тасарруфдан чиқаришдан олинган даромадлар, шу жумладан ушбу доимий муассасани (алоҳида ёки корхона билан бирга) тасарруфдан чиқаришдан олинадиган даромадларга мазкур бошқа Давлатда солиқ солиниши мумкин.

3. Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти томонидан Аҳдлашувчи Давлатнинг корхонаси халқаро ташишларда фойдаланадиган денгиз ёки ҳаво кемалари, темир йўл ёки автомобиль транспорти воситаларини тасарруфдан чиқаришдан олинадиган ёки бундай денгиз ёки ҳаво кемалари, темир йўл ёки автомобиль транспорти воситаларидан фойдаланишга тегишли кўчар мулкни тасарруфдан чиқаришдан олинадиган даромадларга фақат шу Давлатда солиқ солинади.

4. Бир Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти томонидан:

а) бошқа Аҳдлашувчи Давлатда жойлашган кўчмас мулкдан бевосита ёки билвосита ўз қийматининг 50 фоизидан ортиғи олинган акциялардан, белгиланган биржада квоталанадиган акцияларни бошқа нарсаларни, ёки

б) бошқа Аҳдлашувчи Давлатда жойлашган кўчмас мулкдан бевосита ёки билвосита ўз қийматининг 50 фоизидан ортиғи олинган ширкат ёки трастдаги фоизларни тасарруфдан чиқаришдан олинадиган даромадга ушбу бошқа Аҳдлашувчи Давлатда солиқ солиниши мумкин.

5. Юқоридаги бандларда санаб ўтилмаган ҳар қандай бошқа мол-мулкни тасарруфдан чиқаришдан олинадиган даромадларга мол-мулкни тасарруфдан чиқараётган шахс резиденти бўлган Аҳдлашувчи Давлатдагина солиқ солинади.

6. 5-банднинг қоидалари Аҳдлашувчи Давлатнинг ўз қонунчилигига мувофиқ бошқа Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти бўлган ва ҳар қандай вақтда мол-мулкни бегоналаштиришдан бевосита олдин 5 йил давомида биринчи айтиб ўтилган Давлатнинг резиденти бўлган жисмоний шахс томонидан ҳар қандай мол-мулкни тасарруфдан чиқаришдан олинадиган даромад қийматининг ортишига солиқ солиш ҳуқуқига нисбатан қўлланилмайди.

14-модда

Бандликдан олинадиган даромадлар

1. 15, 17 ва 18-моддалар қоидаларини ҳисобга олган ҳолда, бир Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти томонидан ёлланиб ишлашга тааллуқли олинадиган маошлар, иш ҳақи ва бошқа шунга ўхшаш мукофотларга, агар бош-

қа Аҳдлашувчи Давлатда ёлланиб ишланилаётган бўлмаса, фақат ушбу Давлатда солиқ солинади. Агар ёлланиб ишлаш шу тариқа амалга оширилаётган бўлса, шу муносабат билан олинган мукофотга ушбу бошқа Давлатда солиқ солиниши мумкин.

2. 1-банднинг қоидаларидан қатъи назар, бир Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти томонидан бошқа Аҳдлашувчи Давлатда ёлланиб ишлаш учун олинadиган мукофотга агар:

а) олувчи кўриб чиқилаётган молия йилида бошланадиган ёки тугайдиган ҳар қандай ўн икки ойлик давр чегарасида жами бўлиб 183 кундан ошмайдиган давр ёки даврлар давомида бошқа Давлатда бўлса, ва

б) мукофот бошқа Давлатнинг резиденти бўлмаган ёллаган шахс томонидан ёки ёллаган шахс номидан тўланаётган бўлса, ва

с) мукофотни тўлаш бўйича харажатларни ёлловчи бошқа Давлатда эга бўлган доимий муассаса ёки доимий база кўтармаётган бўлсада фақат биринчи айтиб ўтилган Давлатда солиқ солинади.

3. Мазкур модданинг олдинги қоидаларидан қатъи назар, Аҳдлашувчи Давлатнинг корхонаси томонидан халқаро ташишларда фойдаланадиган денгиз, ҳаво кемалари, темир йўл ёки автомобиль транспорти воситалари бортида ёлланиб ишлаганлик учун олинadиган мукофотларга шу Давлатда солиқ солиниши мумкин.

15-модда

Директорларнинг гонорарлари

Директорларнинг гонорарлари ва бир Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти бошқа Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти бўлган компания Директорлар кенгашининг аъзоси сифатида оладиган бошқа шунга ўхшаш тўловларга ушбу бошқа Давлатда солиқ солиниши мумкин.

16-модда

Санъат ходимлари ва спортчилар

1. 7- ва 14-моддаларнинг қоидаларидан қатъи назар, бир Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти томонидан бошқа Аҳдлашувчи Давлатда амалга ошираётган ўз шахсий фаолияти туфайли театр, кино, радио ёки телевидение артисти ёки мусиқачи каби санъат ходими сифатида, ёхуд спортчи сифатида олинadиган даромадга ушбу бошқа Давлатда солиқ солиниши мумкин.

2. Санъат ходими ёки спортчи томонидан унинг шундай сифатида амалга ошириладиган шахсий фаолиятдан олинadиган даромад санъат ходими ёки спортчининг ўзига эмас, бошқа шахсга ёзиладиган тақдирда, 7- ва 14-моддаларнинг қоидаларидан қатъи назар, ушбу даромадга санъат ходими ёки спортчининг фаолияти амалга оширилаётган Аҳдлашувчи Давлатда солиқ солиниши мумкин.

17-модда

Пенсиялар ва аннуитетлар

1. 18-модда 2-бандининг қоидаларини ҳисобга олган ҳолда, Аҳдлашувчи Давлатнинг резидентига илгари ёлланиб ишлаганлик учун компенсация сифатида тўланадиган пенсиялар ва бошқа шунга ўхшаш мукофотлар ҳамда бундай резидентга тўланадиган ҳар қандай аннуитетларга фақат шу Давлатда солиқ солинади.

2. «Аннуитетлар» атамаси пулли ёки қиймат шаклида айнан мос ва тўлиқ қопланиш эвазига тўловларни амалга ошириш мажбуриятлари бўйича ҳаёт давомида ёхуд махсус ёки маълум давр мобайнида вақти-вақти билан тўланадиган белгиланган суммани англатади.

18-модда

Ҳукумат хизмати

1. а) Аҳдлашувчи Давлат ёки маҳаллий ҳокимият органи томонидан жисмоний шахсга ушбу Давлатга ёки бўлинма ёки маҳаллий ҳокимият органига ҳукумат хусусиятига эга бўлган мажбуриятларни бажаришда кўрсатилган хизматлар юзасидан тўланадиган пенсиялардан ташқари ойлик иш ҳақи, маошлар ва бошқа шунга ўхшаш мукофотларга фақат ушбу Давлатда солиқ солинади.

б) Бирок, бундай ойлик иш ҳақи, маошлар ва бошқа шунга ўхшаш мукофотларга фақат бошқа Аҳдлашувчи Давлатда солиқ солинади, башарти хизмат мазкур Давлатда амалга оширилаётган бўлса ва жисмоний шахс мазкур Давлатнинг резиденти бўлса ва у:

(i) мазкур Давлатнинг фуқароси бўлса; ёки

(ii) фақат мазкур хизматни амалга ошириш мақсадида ушбу Давлатнинг резидентига айланмаган бўлса.

2. а) 1-банднинг қоидаларидан қатъи назар, Аҳдлашувчи Давлат ёки маҳаллий ҳокимият органлари томонидан ёки улар тузган жамғармалардан ушбу Давлатга ёки бўлинмага ёки маҳаллий ҳокимият органига ҳукумат хусусиятига эга бўлган мажбуриятларни бажариш чоғида кўрсатилган хизматлар учун тўланадиган пенсиялар ва бошқа шунга ўхшаш мукофотларга фақат мазкур Давлатда солиқ солинади.

б) Бирок, агар жисмоний шахс бошқа Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти ва фуқароси бўлса, бундай пенсия ва бошқа шунга ўхшаш мукофотга фақат шу Давлатда солиқ солиниши мумкин.

3. 14-, 15-, 16- ва 17-моддалар қоидалари Аҳдлашувчи Давлат ёки сиёсий бўлинма ёки маҳаллий ҳокимият органи томонидан амалга оширилган тижорат фаолияти муносабати билан кўрсатилган хизматлар юзасидан тўланадиган иш ҳақи, маошлар, пенсиялар ва бошқа шунга ўхшаш мукофотларга нисбатан қўлланилади.

19-модда **Талабалар ва стажёрлар**

Бир Аҳдлашувчи Давлатга бевосита келишдан олдин бошқа Аҳдлашувчи Давлатнинг резидентлари ҳисобланган ёки ҳисобланувчи ва биринчи айтиб ўтилган Давлатда фақат ўқиш ёки таълим олиш мақсадида бўлган талаба ёки стажёр томонидан олинадиган ҳамда яшаш, ўқиш ёки таълим олиш мақсадлари учун мўлжалланган тўловларга мазкур Давлатда солиқ солинмайди, башарти бундай тўловлар мазкур Давлат ҳудудидан ташқаридаги манбалардан вужудга келган бўлса.

20-модда **Профессорлар ва илмий ходимлар**

1. Аҳдлашувчи Давлатга ташриф буюришдан бевосита олдин бошқа Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти ҳисобланган ёки ҳисобланувчи ва биринчи айтиб ўтилган Аҳдлашувчи Давлатнинг ваколатли органи томонидан эътироф этилган ҳар қандай университет, колледж, мактаб ёки бошқа шунга ўхшаш таълим муассасасининг таклифига биноан ушбу биринчи айтиб ўтилган Аҳдлашувчи Давлатга икки йилдан ортиқ бўлмаган муддат давомида ушбу таълим муассасасида фақат ўқиш ва /ёки илмий тадқиқот олиб бориш мақсадида ташриф буюрадиган шахс ушбу Аҳдлашувчи Давлатда бундай ўқиш ёки илмий тадқиқотдан олинган ҳар қандай мукофотларга солиқ тўлашдан озод қилинади.

2. Агар шахс томонидан илмий тадқиқот биринчи навбатда алоҳида шахс ёки шахсларнинг фойдаси учун олиб борилса, 1-банд қоидалари ушбу тадқиқотдан олинган даромадга нисбатан татбиқ этилмайди.

21-модда **Бошқа даромадлар**

1. Аҳдлашувчи Давлат резидентининг мазкур Конвенциянинг олдинги моддаларида айтиб ўтилмаган даромадлари турларига, улар қаерда юзага келганидан қатъи назар, фақат ушбу Давлатда солиқ солинади.

2. 1-банд қоидалари 6-модданинг 2-бандида белгиланган кўчмас мулкдан олинган даромадлардан бошқа даромадларга нисбатан қўлланилмайди, башарти бундай даромадлар олувчиси бир Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти бўлган ҳолда, бошқа Аҳдлашувчи Давлатда у ерда жойлашган доимий муассаса орқали фаолият юритаётган бўлса ва даромад нисбатан тўланаётган ҳуқуқ ёки мол-мулк ҳақиқатан ҳам бундай доимий муассаса билан боғлиқ бўлса. Бу ҳолда 7-модда қоидалари қўлланилади.

22-модда **Мол-мулк**

1. Бир Аҳдлашувчи Давлат резидентининг бошқа Аҳдлашувчи Давлатда жойлашган кўчмас мулкига ушбу бошқа Давлатда солиқ солиниши мумкин.

2. Бир Аҳдлашувчи Давлат корхонасининг бошқа Аҳдлашувчи Давлатдаги доимий муассасасининг тадбиркорлик билан боғлиқ мулкнинг бир қисмини ташкил қилувчи кўчар мулкка ушбу бошқа Аҳдлашувчи Давлатда солиқ солиниши мумкин.

3. Халқаро ташишларда фойдаланадиган денгиз ва ҳаво кемалари, темир йўл ёки автомобиль транспорт воситаларидан ҳамда бундай денгиз ва ҳаво кемалари, темир йўл ва автомобиль транспорти воситаларидан фойдаланишга тааллуқли кўчар мулкдан иборат мол-мулкка фақат ушбу Давлатда солиқ солинади.

4. Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти мол-мулкнинг қолган барча таркибий қисмларига фақат ушбу давлатда солиқ солинади.

23-модда

Икки ёқлама солиқ солишни бартараф этиш

1. Ўзбекистон қонунчилиги қоидаларини ҳисобга олган ҳолда:

Ўзбекистон резиденти мазкур Конвенциянинг қоидаларига мувофиқ Ирландияда солиқ солиниши мумкин бўлган даромад олган тақдирда, Ўзбекистон бу резидентдан олинadиган даромад солиғидан Ирландияда тўланган даромад солиғига тенг суммани чегиришга рухсат этиши лозим.

Бундай чегиришлар, ҳар қандай ҳолатда, чегиришдан олдин ҳисоблаб чиқилган, олинadиган даромад солиғининг мазкур ҳолдаги каби, Ирландияда солиқ солиниши мумкин бўлган даромадга тааллуқли қисмидан ошмаслиги лозим.

2. Ирландия қонунчилигининг Ирландия ҳудудидан ташқарида тўланадиган (тегишли равишда, умумий қоидага нисбатан кучга эга бўлмаган) ирланд солиғини ҳисобга олиш сифатида камайтиришларга оид қоидаларини ҳисобга олган ҳолда:

а) Ўзбекистон қонунларига кўра ва мазкур Конвенцияга мувофиқ тўланадиган ўзбек солиғи, тўғридан-тўғри ёки камайтириш йўли билан, фойда, даромад ёки қийматнинг ортишидан, Ўзбекистон чегарасидаги манбалардан олинishiдан қатъи назар (дивидендлар тўланадиган фойдага нисбатан тўланадиган дивидендлар солиғи бундан мустасно), ўзбек солиғидан ҳисобланган даромадга ҳавола қилган ҳолда, шунга ўхшаш фойда, даромад ёки қийматнинг ўсишига ҳавола қилиш йўли билан ҳисоблаб чиқилган ҳар бир ирланд солиғидан чегирилиши лозим.

б) Ўзбекистон резиденти ҳисобланган компания томонидан Ирландия резиденти ҳисобланган ҳамда дивидендлар тўловчи компанияда назорат пакетининг 5 ёки ундан кўпроқ фоизини бевосита ёки билвосита назорат қилadиган компанияга тўланадиган дивидендлар билан боғлиқ ҳолатда, ҳисоблаш ((а) кичик банд қоидаларига кўра ҳисобга олинган ҳар бир ўзбек солиғига қўшимча равишда) компания томонидан дивидендлар тўланаётган фойдага нисбатан тўланувчи ўзбек солиғи эътиборга олинади.

3. Бир Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти мазкур Конвенциянинг қоидаларига мувофиқ бошқа Аҳдлашувчи давлатда солиқ солиниши мумкин бўлган

мол-мулкка эга бўлган тақдирда, биринчи зикр этилган Давлат бу резидентнинг мулк солиғидан ушбу бошқа Давлатда тўланган мулк солиғига тенг суммани чегиришга рухсат этиши лозим.

Бундай чегиришлар, ҳар қандай ҳолатда, даромад ёки мол-мулк солиғининг ушбу бошқа Давлатда мазкур ҳолатдаги каби, вазиятга қараб солиқ солиниши мумкин бўлган мол-мулкка тааллуқли чегиришгача ҳисоблаб чиқилган қисмидан ошмаслиги лозим.

4. 1- ва 2-бандлар мақсадлари учун мазкур Конвенцияга мувофиқ бошқа Аҳдлашувчи Давлатда солиқ солиниши мумкин бўлган бир Аҳдлашувчи Давлатнинг резидентига тегишли фойда, даромад ва капитал қийматининг ортиши ушбу бошқа Аҳдлашувчи Давлатдаги манбалардан олинган деб ҳисобланади.

5. Мазкур Конвенциянинг бирор қоидасига мувофиқ Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти олган даромад ёки у эгалик қилган мол-мулк ушбу Давлатда солиқ солишдан чиқарилганда, ушбу Давлат шунга қарамасдан, бу резидентнинг даромади ёки мол-мулкининг қолган қисмига солиқ суммасини ҳисоблаб чиқишда солиқ солишдан чиқарилган даромад ёки мол-мулк суммасини ҳисобга олиши мумкин.

24-модда

Муайян оффшор фаолиятига нисбатан қўлланиладиган турли хил қоидалар

1. Ушбу модда қоидалари, мазкур Конвенциянинг ҳар қандай бошқа қоидаларидан қатъи назар, Аҳдлашувчи Давлатда жойлашган оффшорларда денгиз тубини ва ер остини ҳамда уларнинг табиий ресурсларини тадқиқ қилиш ёки казиб олиш муносабати билан амалга ошириладиган (мазкур моддада «тегишли фаолият» деб номланувчи) фаолиятга нисбатан қўлланилади.

2. Аҳдлашувчи Давлатнинг бошқа Аҳдлашувчи Давлатда «тегишли фаолиятни» амалга ошираётган корхонаси мазкур модданинг 3-бандига мувофиқ шу фаолиятга нисбатан ушбу бошқа Аҳдлашувчи Давлатда унда жойлашган доимий муассаса орқали тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи сифатида қаралади.

3. Бир Аҳдлашувчи Давлатнинг корхонаси томонидан бошқа Аҳдлашувчи Давлатда 12 ойнинг ҳар қандай даври давомида 30 кун чегарасида жами 30 кундан ошмайдиган давр ёки даврлар давомида амалга ошириладиган тегишли фаолият у ерда жойлашган доимий муассаса орқали тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган ҳисобланмайди. Мазкур банднинг мақсадлари учун:

а) агар бир Аҳдлашувчи Давлатнинг бошқа Аҳдлашувчи Давлатда тегишли фаолиятни амалга ошираётган корхонаси у ерда моҳиятига кўра бир хил тегишли фаолиятни амалга ошираётган бошқа корхона билан уюшган бўлса, биринчи корхона кейинги корхонанинг барча шундай фаолияти бўйича амалга ошираётган ҳисобланади, шу вақтда бундай фаолият унинг ўз фаолияти сифатида қай даражада амалга оширилиши бундан мустасно;

б) агар бир корхона бошқа корхонанинг бошқарув, назорати ёки капиталида бевосита ёки билвосита иштирок этаётган бўлса ёки ўша шахсларнинг ўзи ҳар икки корхонанинг бошқаруви, назорати ёки капиталида бевосита ёки билвосита иштирок этаётган бўлса, корхона бошқа корхона билан уюшган деб ҳисобланади.

4. Маошлар, иш ҳақи ва бир Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти томонидан бошқа Аҳдлашувчи Давлатда тегишли фаолият билан боғлиқ ёлланиб ишлашга нисбатан олинadиган бошқа шунга ўхшаш мукофотларга ушбу бошқа Давлатнинг оффшор зонасида ишни амалга ошириш билан боғлиқ қисмида ушбу бошқа Давлатда солиқ солиниши мумкин.

Бир Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти томонидан:

а) тадқиқот олиб бориш ёки қазиб олиш ҳуқуқларини; ёки

б) ўз қиймати ёки ўз қийматининг катта қисми бундай ҳуқуқлардан бевосита ёки билвосита олинadиган акциялар (ёки тенглаштирилган воситалар)ни;

тасарруфдан чиқаришдан олинган даромадларга ушбу бошқа Давлатда солиқ солиниши мумкин.

Мазкур бандда «тадқиқ қилиш ёки қазиб олиш ҳуқуқлари» бошқа Аҳдлашувчи Давлатда денгиз тубини ва ер остини ёки уларнинг табиий ресурсларини тадқиқ қилиш ёки қазиб олиш натижасида олинган мол-мулк, шу жумладан фойдадан фоиз олинadиган активлар ёки бундай активлардан олинган фойдага эгалик қилиш ҳуқуқини билдиради.

25-модда

Камситилмаслик

1. Бир Аҳдлашувчи Давлатнинг фуқаролари бошқа Аҳдлашувчи Давлатда ушбу бошқа Давлатнинг фуқаролари худди шу шароитда, хусусан, резиденция жиҳатидан тортиладиган ёки тортилиши мумкин бўлган солиқ солиш ва у билан боғлиқ мажбуриятлардан кўра оғирроқ бўлган ҳар қандай солиқ солиш ёки у билан боғлиқ мажбуриятга тортилмайди. Ушбу қоида, 1-модданинг қоидаларидан қатъи назар, бир ёки ҳар икки Аҳдлашувчи Давлатнинг резидентлари бўлмаган жисмоний шахсларга нисбатан ҳам қўлланилади.

2. Бир Аҳдлашувчи Давлатнинг корхонаси бошқа Аҳдлашувчи Давлатда эга бўлган доимий муассасасига ушбу бошқа Аҳдлашувчи Давлатда солиқ солиш мазкур бошқа Аҳдлашувчи Давлатнинг худди шундай фаолиятни амалга ошираётган корхоналарига солиқ солишдан кўра ноқулайроқ бўлмайди. Ушбу Қоида бир Аҳдлашувчи Давлатни у ўзининг резидентларига уларнинг фуқаролик ҳолати ёки оилавий шароити асосида солиқ солиш мақсадида тақдим қиладиган бирор хусусий имтиёзлар, озод қилишлар ва чегирмаларни бошқа Аҳдлашувчи Давлатнинг резидентларига тақдим этишга мажбурлайдиган деб талқин қилинмаслиги лозим.

3. 9-модданинг 1-банди, 11-модданинг 6-банди ёки 12-модданинг 6-банди қоидалари қўлланиладиган ҳоллардан ташқари, бир Аҳдлашувчи Давлат-

нинг корхонаси томонидан бошқа Аҳдлашувчи Давлатнинг резидентига тўланадиган фоизлар, роялти ва бошқа бадаллар бундай корхонанинг солиқ солинадиган фойдасини аниқлаш мақсадида, худди улар биринчи айтиб ўтилган Давлатнинг резидентига тўлангандаги каби шартларга мувофиқ чегирилади.

4. Бир Аҳдлашувчи Давлатнинг капитали бошқа Аҳдлашувчи Давлатнинг бир ёки ундан кўп резидентларига тўлик ёки қисман тегишли бўлган ёки улар томонидан бевосита ёки билвосита назорат қилинадиган корхоналари биринчи айтиб ўтилган Аҳдлашувчи Давлатда мазкур давлатнинг шунга ўхшаш корхоналари тортиладиган ёки тортилиши мумкин бўлган солиқ солиш ва у билан боғлиқ мажбуриятлардан бошқача ёки оғирроқ бўлган ҳар қандай солиқ солиш ёки у билан боғлиқ мажбуриятга тортилмайди.

5. Мазкур модданинг қоидалари мазкур Конвенция предмети бўлган солиқларга нисбатан қўлланилади.

26-модда

Ўзаро келишиш процедураси

1. Агар шахс бир ёки ҳар икки Аҳдлашувчи Давлатнинг ҳаракатлари унга мазкур Конвенциянинг қоидаларига мос бўлмаган солиқ солинишига олиб келмоқда ёки олиб келади, деб ҳисобласа, мазкур шахс, ушбу Давлатлар ички қонунчилигида назарда тутилган ҳимоя воситаларидан қатъи назар, ўзи резиденти бўлган Аҳдлашувчи давлатнинг ваколатли органига ёки, агар унинг вазиятига 23-модданинг 1-банди амалда жорий бўлса, ўзи фуқароси бўлган Аҳдлашувчи Давлатнинг ваколатли органига аризасини тақдим қилиши мумкин. Ушбу ариза мазкур Конвенциянинг қоидаларига мос келмайдиган солиқ солишга олиб келувчи ҳаракат тўғрисида биринчи билдириш кунидан эътиборан уч йил давомида тақдим қилиниши лозим.

1. Ваколатли орган, агар у эътирозни асосли деб ҳисобласа ва унинг ўзи қоникарли қарорга кела олмаса, мазкур Конвенцияга мос келмайдиган солиқ солишнинг олдини олиш мақсадида, бошқа Аҳдлашувчи давлатнинг ваколатли органи билан ўзаро келишув бўйича масалани ҳал қилишга ҳаракат қилади. Ҳар бир эришилган келишув Аҳдлашувчи Давлатларнинг ички қонунчилигидаги бирор вақтинчалик ички чекловлардан қатъи назар, амалга оширилиши лозим.

2. Аҳдлашувчи Давлатларнинг ваколатли органлари мазкур Конвенцияни талқин қилиш ёки қўлланишида юзага келадиган ҳар қандай қийинчилик ёки шубҳаларни ўзаро келишув бўйича бартараф қилишга ҳаракат қиладилар. Улар, шунингдек мазкур Конвенцияда назарда тутилмаган ҳолларда икки ёқлама солиқ солишни бартараф этиш мақсадида бир-бири билан маслаҳатлашишлари мумкин.

3. Аҳдлашувчи Давлатларнинг ваколатли органлари олдинги бандлар жиҳатидан келишувга эришиш мақсадида бир-бири билан бевосита алоқага киришишлари мумкин.

27-модда Ахборот алмашиш

1. Аҳдлашувчи Давлатларнинг ваколатли органлари мазкур Конвенциянинг бажарилиши ёки маъмурий бошқариш ёхуд Аҳдлашувчи Давлатлар ёки уларнинг сиёсий бўлинмалари ёки маҳаллий ҳокимият органлари номидан ундириладиган ҳар қандай тур ва тавсифдаги солиқларга тааллуқли ички қонунчиликни қўллаш учун олдиндан муҳим бўлган маълумотни бундай солиқ солиш мазкур Конвенцияга зид бўлмаган даражада алмашадилар. Маълумот алмашиш 1- ва 2-моддалар билан чекланмайди.

2. Аҳдлашувчи Давлатларнинг бири томонидан 1-бандга мувофиқ олинган ҳар қандай маълумот ушбу Давлатнинг ички қонунчилигига мувофиқ олинган маълумот қанча махфий бўлса шунча махфий ҳисобланади ва фақат 1-бандда айтиб ўтилган солиқларга тааллуқли баҳолаш ёки тўплаш, мажбурий ундириш ёки суд таъқиби ёки апелляцияларни кўриб чиқиш билан, ҳамда барча юқорида қайд этилганларни назорат қилиш билан шуғулланган шахслар ёки органларга (шу жумладан судлар ва маъмурий органларга) билдирилади. Бундай шахслар ёки органлар ушбу маълумотдан фақат кўрсатиб ўтилган мақсадларда фойдаланиши лозим. Улар ушбу маълумотни очик суд мажлисида ёки суд қарорларида ошкор қилишлари мумкин.

3. 1- ва 2-бандларнинг қоидалари ҳеч бир ҳолатда Аҳдлашувчи Давлатга қуйидаги мажбуриятларни юқловчи сифатида талқин қилинмайди:

а) ушбу ёки бошқа Аҳдлашувчи Давлатнинг қонунчилиги ва маъмурий амалиётига зид келувчи маъмурий тадбирлар ўтказиш;

б) ушбу ёки бошқа Аҳдлашувчи Давлатнинг қонунчилиги бўйича ёки одатдаги маъмурий бошқарув жараёнида олиш мумкин бўлмаган маълумотни тақдим этиш;

с) савдо, тадбиркорлик, саноат, тижорат ёки касб сирини ёхуд савдо жараёнини ошкор қилиши мумкин бўлган маълумотни ёки ошкор қилиниши давлат сиёсати (ordre public) зид бўлиши мумкин бўлган маълумотни тақдим этиш;

4. Агар, маълумот бир Аҳдлашувчи Давлат томонидан мазкур моддага мувофиқ сўралган бўлса, бошқа Аҳдлашувчи Давлат ҳатто бундай маълумот ушбу бошқа Давлатга унинг солиқ мақсадлари учун талаб этилмаса ҳам, сўралган маълумотни олиш учун ўзининг маълумот тўплаш бўйича тадбирларидан фойдаланиши лозим. Олдинги гапда бўлган мажбурият 3-банднинг қоидалари билан чекланган, лекин бундай чеклашлар ҳеч қайси ҳолатда Аҳдлашувчи Давлатга фақат маълумотдан ички манфаатдорлик йўқлиги сабабли уни тақдим этишни рад қилиш учун рухсат берувчи сифатида талқин қилиниши мумкин эмас.

5. Ҳеч қайси ҳолатда 3-банднинг қоидалари банк, бошқа молия муассасаси, номинал эга ёхуд агент ёки ишончли вакил бўлган шахс маълумот эгаси бўлгани сабаблигина ёки маълумот шахснинг мулк ҳуқуқига тааллуқ-

ли бўлгани сабаблигина Аҳдлашувчи Давлатга маълумотни тақдим этишни рад қилиш учун рухсат берувчи сифатида талқин қилинмайди.

28-модда

Дипломатик агентлар ва консуллик хизматчилари

Мазкур Конвенциянинг ҳеч қайси қويدаси дипломатик агентлар ёки консуллик хизматчиларининг халқаро ҳуқуқнинг умумий нормалари бўйича ёки махсус келишувларнинг қоидаларига мувофиқ берилган солиқ имтиёзларига дахл қилмайди.

29-модда

Кучга кириш

1. Ҳар бир Аҳдлашувчи Давлат мазкур Конвенциянинг кучга кириши учун миллий қонунчиликка мувофиқ талаб қилинадиган процедура яқунлангани тўғрисида дипломатик каналлар орқали бошқасини хабардор қилади.

2. Мазкур Конвенция охириги бундай билдириш олинган кунда кучга қиради ва шундан кейин қуйидагиларга нисбатан амал қила бошлайди:

а) Ўзбекистонда:

(i) мазкур Конвенция кучга қирадиган йилдан кейинги календарь йилининг биринчи январидан бошлаб ёки шу санадан кейин олинадиган даромадга солинадиган манбадан ундириладиган солиқларга нисбатан;

(ii) мазкур Конвенция кучга қирадиган йилдан кейинги календарь йилининг биринчи январидан бошлаб ёки мазкур санадан кейин олинадиган ҳар бир календарь йили учун ундириладиган бошқа даромад ва мол-мулк солиқларига нисбатан.

б) Ирландияда:

(i) мазкур Конвенция кучга кирган йилдан кейинги календарь йилининг биринчи январи ёки биринчи январидан кейин ҳисоблаб чиқилган, исталган йил давомидаги даромад солиғи, универсал ижтимоий тўлов ҳамда капитал қиймати қўшимча ўсишига солиққа нисбатан;

(ii) мазкур Конвенция кучга кирган йилдан кейинги календарь йилининг биринчи январи ёки биринчи январидан кейин бошланадиган, исталган молия йили давомидаги корпоратив солиққа нисбатан.

30-модда

Амал қилишни тўхтатиш

Мазкур Конвенциянинг амал қилиши Аҳдлашувчи Давлатлардан бири томонидан унинг тўхтатилгунга қадар кучида қолади. Ҳар бир Аҳдлашувчи Давлат Конвенция кучга кирган санадан 5 йил ўтгандан сўнг бошланадиган ҳар бир календарь йили тугашидан камида олти ой олдин амал қилишни тўхтатиш тўғрисида дипломатик каналлар орқали хабар бериш йўли билан Конвенциянинг амал қилишини тўхтатиши мумкин.

Бундай ҳолатда Конвенция амал қилишни тўхтатади:

а) Ўзбекистонда:

(i) манбада, билдириш хати берилган йилдан кейин келадиган календарь йилнинг биринчи январидан бошлаб ёки ушбу санадан кейин олинadиган даромаддан ундириладиган солиқларга нисбатан;

(ii) билдириш хати берилган йилдан кейин келадиган календарь йилининг биринчи январидан бошлаб ёки ушбу санадан кейин ҳар бир календарь йили учун олинadиган бошқа даромад солиғи ва мол-мулк солиғига нисбатан;

б) Ирландияда:

(i) тўхтатиш тўғрисида билдириш хати берилган йилдан кейин келувчи календарь йилининг биринчи январидан бошлаб ёки биринчи январидан кейин исталган йил давомида ҳисоблаб чиқилган даромад солиғи, универсал ижтимоий тўлов ҳамда капитал қийматининг ортишидан олинadиган солиққа нисбатан;

(ii) тўхтатиш тўғрисида билдириш хати берилган йилдан кейин келадиган календарь йилининг биринчи январидан бошлаб ёки биринчи январидан кейин бошланадиган ҳар бир молия йили давомида, корпоратив солиққа нисбатан.

Барчасини тасдиқлаш мақсадида, тегишли тарзда ваколатга эга бўлган қўйда қўювчилар мазкур Конвенцияни имзоладилар.

Дублин шаҳрида 2012 йил 11 июлда ҳар бири ўзбек ва инглиз тилларида бўлган икки нусхада тузилди, бунда ҳар икки матн бир хил кучга эга.

Мазкур Конвенция қоидаларининг талқин қилишда ихтилофлар юзага келса инглиз тилидаги матн асос қилиб олинади.

(имзолар)

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Ҳиндистон
Республикаси Ҳукумати ўртасида Жавахарлал Неру
номидаги Ўзбек-Ҳинд ахборот технологиялари
марказини модернизациялаш тўғрисида
АНГЛАШУВ МЕМОРАНДУМИ***

2013 йил 22 май, Тошкент

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Ҳиндистон Республикаси Ҳукумати (кейинги ўринларда «Томонлар» деб аталувчилар),

ахборот-коммуникация технологиялари (кейинги ўринларда — АКТ) соҳасида икки томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш истагида,

Тошкент шаҳридаги Жавахарлал Неру номидаги Ўзбек-Ҳинд ахборот технологиялари марказини модернизациялаш орқали Ўзбекистонда АКТ ривожланишини қўллаб-қувватлаш бўйича Ҳиндистон Республикаси Ҳукуматининг таклифини қайд этган ҳолда,

шунингдек, Тошкент шаҳридаги Жавахарлал Неру номидаги Ўзбек-Ҳинд ахборот технологиялари марказини (кейинги ўринларда — АТМ) модернизациялаш орқали Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматига АКТни ривожлантириш мақсадида кўмак бериш тўғрисида Ҳиндистон Республикаси Ҳукуматининг қарори қабул қилинганлигини таъкидлаб,

қуйидагилар тўғрисида ўзаро англашувга эришдилар:

Мақсад

Ўзбекистонга инвестициялар ҳажмини ошириш ва дастурий маҳсулотлар экспортдан даромад олиш мақсадида ахборот технологиялари (бундан кейин — АТ) соҳасида жаҳон даражасидаги етук мутахассисларини тайёрлаш орқали малакали ходимлар захирасини яратиш ва иш ўринларини кенгайтириш.

Вазифалар

Тошкентдаги АТМни модернизациялаш.

АТМга охириги АТ ускуналари/дастурий таъминотни етказиш ва ўрнатиш, ҳамда курс материаллари ва дарсликлар билан таъминлаш.

АТМда АТ бўйича бошланғич, ўрта ва юқори даражада модулли сертификатлаш курсларида таълим беришни ташкил қилиш.

Ўзбекистонда таълим бериш дастурлари бўйича ўқитувчилар ва АТ мутахассислари малакасини ошириш.

АТМни Илғор компьютер технологияларини ривожлантириш марказининг (бундан кейин — ИКТРМ) ваколатли ўқув маркази этиб белгилаш ҳамда ИКТРМ ва АТМнинг қўшма сертификатларини тақдим этишни йўлга қўйиш.

Ўқитувчиларни Ҳиндистонда АТ бўйича малакасини ошириш.

* Имзоланган кундан кучга кирган.

Ҳиндистондан экспертларни юбориш орқали АТМга ўз фаолиятини мувофиқлаштиришда кўмак бериш ва ўқитиш курсларини ташкил этиш.

Ўзбекистонда электрон таълим ва таълимни бошқариш тизими орқали ўқитишни ташкил этиш.

АТ таълими, электрон таълим ва таълимни бошқариш тизими ҳамда лойиҳани бошқариш учун Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасида мутахассислар билан алмашиш.

1-модда

Ҳиндистон Республикаси Ҳукумати техник экспертизани амалга ошириш, АТМни ИКТРМнинг ваколатли ўқув маркази этиб тайинлаш, ИКТРМнинг электрон таълим ва таълимни бошқариш дастурий таъминотини тақдим этиш ва ўрнатиш; Ўзбекистон ўқитувчиларининг Ҳиндистонда таълим олишини ташкил қилиш, марказ фаолиятини мувофиқлаштириш ва таълим дастурлари/дарсликлари билан таъминлаш мақсадида ИКТРМ экспертларини юбориш орқали ҳамкорликни амалга оширади, шу жумладан:

1. ИКТРМни Ҳиндистон Ҳукумати номидан лойиҳани амалга ошириш бўйича ижрочи ташкилот сифатида белгилаш.

2. Замонавий АТ ускуна/дастурий таъминотни ва таълим дастурларини тақдим қилиш ва ўрнатиш орқали АТМнинг мавжуд АТ инфратузилмасини ва курс материаллари/дарслиklarини модернизациялаш.

3. Ўзбекистондан ўн нафар ўқитувчига Ҳиндистонда ИКТРМнинг илғор АТ курсларида олти ой давомида таълим бериш.

4. Марказни мувофиқлаштириш ва курсларни олиб боришда кўмаклашиш мақсадида ИКТРМнинг икки нафар экспертани олти ой муддатга Ўзбекистонга юбориш.

5. АТМни ИКТРМнинг ваколатли ўқув маркази этиб белгилаш ҳамда ИКТРМ ва АТМ қўшма сертификатларини тақдим этиш.

6. Саноатга мўлжалланган замонавий дастурий таъминот/АТ ускуналар асосидаги таълим дастурларини тақдим этиш орқали АТМ курсларини модернизация қилиш.

7. Ўзбекистонда талабалар/мутахассислар учун ИКТРМнинг электрон таълим дастурий таъминоти ва таълимни бошқариш тизимини тақдим этиш, ўрнатиш ва ўқитишни ташкил этиш.

8. Ўзбекистон ва Ҳиндистонда юқоридаги таълим дастурларини амалга ошириш, электрон таълим, таълимни бошқариш тизими ва лойиҳани амалга ошириш мақсадида ИКТРМнинг соҳа экспертлари билан таъминлашда кўмак бериш.

9. Лойиҳани амалга ошириш давомида АТМни модернизациялашда ИКТРМ томонидан маслаҳатлар бериш ва лойиҳани бошқаришда кўмаклашиш.

2-модда

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати лойиҳани амалга оширишда қуйидагилар бўйича кўмаклашади:

1. ИКТРМ Тошкент ахборот технологиялари университетининг таркибий қисми эканлигини инобатга олган ҳолда, мазкур Университетни Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати номидан лойиҳани амалга ошириш бўйича ижрочи ташкилот сифатида белгилаш.

2. АТМнинг мавжуд биносида зарур жой, бино ички интерьерлари, мебель, алоқа воситалари (телефон/факс/интернет), электр энергияси, сув, иситиш ва совутиш жиҳозлари билан таъминлаш.

3. Лойиҳани амалга ошириш доирасида ИКТРМ томонидан юбориладиган экспертларни қулай шароитларга эга бўлган бепул турар жой, транспорт, алоқа воситалари ва тиббий хизматлар билан таъминлаш.

4. Лойиҳа доирасида юбориладиган ИКТРМ экспертларини офис, алоқа воситалари билан таъминлаш, уларга бепул виза олишда кўмаклашиш, шунингдек хорижий ишчи кучларини жалб қилишда рухсатномалар бериш ва хорижий фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини тасдиқлаш.

5. АТМни ривожлантириш доирасида:

— лойиҳани амалга ошириш учун олиб кириладиган товарларни божхона тўловларидан (божхона йиғимларидан ташқари) озод қилиш;

— Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сотиб олинган товарлар (ишлар, хизматлар)ни қўшилган қиймат солиғидан ҳамда Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига, Республика йўл жамғармасига ва Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича бюджетдан ташқари жамғармасига мажбурий ажратмалардан озод қилиш.

Божхона йиғимлари ўзбек томонининг ижрочи ташкилоти тарафидан қопланади.

6. Мазкур лойиҳа бўйича Ҳиндистондан / учинчи давлатлардан келтирилган ускуналарнинг божхона тозаловини ва АТМга қисқа муддатда етказилишини таъминлаш.

7. Лойиҳани ишга тушириш ва ўқитиш мобайнида маҳаллий фаолиятни мувофиқлаштириш ҳамда зарур жиҳоз ва анжомлар, маҳаллий ходимлар ва бошқалар билан таъминлаш.

8. Ҳиндистонда малака ошириш ва АТМнинг самарали фаолият юритишини бошқариш ҳамда келгусида АТМда камида икки йил ишлашни ташкил қилиш мақсадида ходимлар билан таъминлаш.

9. Ўзбекистон ҳудудида АТМга доимий молиявий ва бошқарув соҳасида кўмак бериш.

3-модда

Лойиҳанинг амалга оширилишини мониторинг қилиш, лойиҳани амалга оширишда кўмаклашиш ва ИКТРМ томонидан бажарилаётган ишлар жараёнини кузатиб бориш учун Ўзбекистон ва Ҳиндистон вакиллари билан иборат Ўзбек-Ҳинд қўшма мониторинг қўмитаси ташкил этилади.

4-модда

Мазкур Меморандум доирасида ҳамкорлик мобайнида интеллектуал мулк ҳуқуқи юзага келганда тақдирда, ҳар бир Томон ўз давлати миллий қонунчилиги ва халқаро нормаларга мувофиқ ҳар бир алоҳида ҳолатда мазкур ҳуқуққа риоя этилишини таъминлайди.

Башарти ИКТРМ ҳар қандай дастурий таъминот, ускуна, ўқув материаллари, ўқув қўлланмалари / услубларни ишлаб чиқса, мазкур ҳолатларга нисбатан интеллектуал мулк ҳуқуқи Ҳиндистон Ҳукумати Ахборот технологиялари Департаментининг ИКТРМга тегишли бўлади.

Томонлар мазкур Меморандум доирасида ўзлари ва ўз вакиллари қабул қилган илмий-техник маълумотлар ва ҳужжатларни Томонлар ўртасидаги расмий розиликсиз ҳар қандай учинчи томонга бермасликни кафолатлайдилар.

5-модда

Марказнинг ишчи тили инглиз тили ҳисобланади ҳамда барча дастурий таъминотлар, курс материаллари, таълим бериш ва ҳоказолар инглиз тилида амалга оширилади.

6-модда

Мазкур Меморандумни талқин қилиш ва амалга оширишда вужудга келадиган низо ва келишмовчиликлар Томонлар ўртасида музокара ва маслаҳатлашувлар орқали ҳал этилади.

7-модда

Томонларнинг ўзаро келишуви асосида мазкур Меморандумга ўзгартиш ва қўшимчалар унинг ажралмас қисми ҳисобланадиган алоҳида баённомалар билан расмийлаштирилади ва мазкур Меморандум қоидаларига асосан кучга киради.

8-модда

Мазкур Меморандум имзоланган кундан бошлаб кучга киради.

Мазкур Меморандумнинг амал қилиши Томонлар лойиҳанинг яқунлангани тўғрисида расмий тасдиқлаганларидан сўнг тўхтатилади.

9-модда

Мазкур Меморандумни амалга ошириш учун лойиҳа харажатлари, жадвали, АТ ускуналар / дастурий таъминот рўйхати, электрон таълим ва таълимни бошқариш тизими ҳамда бошқа масалалар ҳар бир алоҳида ҳолатда Томонлар тарафидан келишиб олинади. Мазкур Меморандумни амалга ошириш ва ривожлантириш мақсадида чоп этилган барча ҳужжатлар Меморандумнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Ушбуни тасдиқлаш учун Томонларнинг қуйида имзо чекувчи вакилла-

ри ўз давлатлари қонунчилигига мувофиқ тегишли равишда ваколатлантирилиб, мазкур Меморандумни имзоладилар.

2012 йил 22 майда Тошкент шаҳрида икки асл нусхада, ҳар бири ўзбек ва инглиз тилларида тузилди, бунда барча матнлар бир хил кучга эга. Матнларни талқин қилишда келишмовчиликлар юзага келган ҳолларда инглиз тилидаги матн устувор ҳисобланади.

(имзолар)

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Чехия
Республикаси Ҳукумати ўртасида ҳаво қатнови тўғрисида
БИТИМ**

2011 йил 8 ноябрь, Тошкент

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил
29 мартдаги ПҚ–1944-сон қарори**

2013 йил 2 июндан кучга кирди

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Чехия Республикаси Ҳукумати, бундан кейинги ўринларда «Ахдлашувчи Томонлар» деб аталувчилар, 1944 йилнинг 7 декабрида Чикаго шаҳрида имзолаш учун очилган Халқаро фуқаро авиацияси тўғрисидаги конвенциянинг иштирокчилари бўлган ҳолда,

ўз давлатлари ҳудудлари ўртасида ва улардан ташқарида ҳаво қатнови ривожлантириш мақсадида Битим тузишни истаб,

қўйидагилар ҳақида келишиб олдилар:

**1-модда
Атамалар**

Ушбу Битимнинг мақсадлари йўлида, агар матнда бошқача кўрсатилмаган бўлса:

а) «Конвенция» атамаси 1944 йилнинг 7 декабрида Чикаго шаҳрида имзоланган Халқаро фуқаро авиацияси тўғрисидаги конвенцияни англатади ва мазкур Конвенциянинг 90-моддасига мувофиқ қабул қилинган ҳар бир

* Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил, 14-сон, 176-модда.

Иловани ва 90 ва 94-моддаларга мувофиқ қабул қилинган Иловаларга ёки Конвенцияга ҳар бир тузатишни (башарти ушбу Иловалар ва тузатишларни ҳар икки Аҳдлашувчи Томон қабул қилган бўлса) ўз ичига олади;

b) «авиация маъмуриятлари» атамаси Ўзбекистон Республикасига нисбатан — Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекциясини ва Чехия Республикасига нисбатан — Транспорт вазирлигини ёки ҳар икки томонга нисбатан юқорида айтиб ўтилган авиация маъмуриятлари томонидан бажарилаётган вазифаларни амалга ошириш ваколатига эга бўлган ҳар қандай бошқа органни англатади;

c) «тайинланган авиакорхона» атамаси — бир Аҳдлашувчи Томон бошқа Аҳдлашувчи Томонга ёзма равишда тайинлаган ва мазкур Битимнинг 2-моддаси 1-бандига мувофиқ белгиланган йўналишлар бўйича ушбу Битимнинг 3-моддасига мувофиқ парвозларни амалга ошириш ваколатига эга бўлган ҳар бир авиакорхонани англатади;

d) «худуд», «ҳаво қатнови», «халқаро ҳаво қатнови», «авиакорхона» ва «нотижорий мақсадларда тўхташ» атамалари улар учун тегишли равишда Конвенциянинг 2 ва 96-моддаларида кўрсатилган маъноларга эга бўлади;

e) «ҳажм» атамаси келишилган йўлларга нисбатан бундай йўналишларда ишлатиладиган ҳаво кемасида бўлган ўринларнинг ушбу ҳаво кемасининг йўналишда ёки йўналишнинг бир қисмида муайян вақт ичида амалга оширилган парвозлари сонига кўпайтирилганини англатади;

f) «Илова» атамаси мазкур Битимга Иловани ёки мазкур Битимнинг 21-моддаси қоидаларига мувофиқ киритилган қўшимчани англатади. Илова ушбу Битимнинг ажралмас қисми ҳисобланади ва Битимга барча ҳаволалар, бевосита бошқача шартлашилганлардан ташқари, Иловани ўз ичига олиши лозим.

g) «ваколатхона» атамаси ушбу Битимга мувофиқ бир Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхонаси томонидан ҳаво қатновларини таъминлаш ва бошқа тегишли фаолиятни амалга ошириш мақсадида очилган авиакорхона ваколатхонасини англатади;

h) «ЕИ шартномалари» Европа Иттифоқи тўғрисидаги шартномани ҳамда Европа Иттифоқининг фаолият юритиши тўғрисидаги шартномани англатади.

2-модда

Ташишлар бўйича ҳуқуқларни бериш

1. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон бошқа Аҳдлашувчи Томонга Илованинг тегишли қисмида белгиланган йўналишлар бўйича тайинланган авиакорхона ёки авиакорхоналар томонидан мунтазам халқаро ҳаво қатновларини белгилаш ва амалга ошириш мақсадида ушбу Битимда кўрсатиб ўтилган ҳуқуқларни беради. Бундай қатновлар ва йўналишлар бундан буён матнда «келишилган қатновлар» ва «белгиланган йўналишлар» деб аталади.

2. Мазкур Битимнинг қоидаларига асосан ҳар бир Аҳдлашувчи Томондан тайинланган авиакорхона ёки авиакорхоналар белгиланган йўналишлар

бўйича келишилган қатновларда парвозларни амалга оширишда қўйида келтирилган ҳуқуқлардан фойдаланади:

а) бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг давлат ҳудудидан қўнмасдан учиб ўтиш ҳуқуқи;

б) бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг давлат ҳудудида нотижорий мақсадларда тўхташ ҳуқуқи;

с) Аҳдлашувчи Томонлар давлат ҳудудига келаётган ёки ундан кетаётган йўловчи, багаж ва юкни, шунингдек почтани алоҳида ёки биргаликда бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг давлат ҳудудида ушбу Битим Иловасида белгиланган манзилларда тушириш ёки олиш ҳуқуқи.

3. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томоннинг ушбу Битимнинг 3- моддасига мувофиқ тайинланган авиакорхоналардан бошқа авиакорхоналари ушбу модданинг 2-бандидаги (а) ва (б) кичик бандида келтирилган ҳуқуқлардан фойдаланади.

4. Ушбу модданинг 2-бандидаги ҳеч қайси қоида бир Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхонаси(лари)га ҳақ эвази) а ёки ёлланиш йўли билан бошқа Аҳдлашувчи Томон давлати ҳудудидаги бир манзилдан иккинчи манзилга борувчи йўловчилар, багаж ва юкни, шунингдек почтани ҳаво кемасига олиш ҳуқуқини беради деб қаралмайди.

3-модда

Тайинлаш ва фойдаланиш учун рухсатнома бериш

1. Аҳдлашувчи Томонларнинг ҳар бири келишилган қатновларни амалга ошириш мақсадида икки авиакорхона тайинлаш, тайинлашни бекор қилиш ёки тайинланган аввалги авиакорхона ўрнига бошқа авиакорхона тайинлаш ҳуқуқига эга бўлади. Бундай тайинлаш иккала Аҳдлашувчи Томон авиация маъмуриятлари ўртасидаги ёзма хабарномалар орқали кучга киради.

2. Тайинлаш тўғрисидаги хабарномани олган авиация маъмуриятлари ушбу модданинг 3 ва 4-бандлари қоидаларига мувофиқ бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхонасига парвозлар учун дарҳол керакли рухсатномаларни беради.

3. Бир Аҳдлашувчи Томоннинг авиация маъмуриятлари парвозлар учун рухсатнома беришдан олдин бошқа Аҳдлашувчи Томон тайинлаган авиакорхонадан у халқаро ҳаво қатновини амалга ошириш чоғида Конвенция қоидаларига мувофиқ қўлланиладиган Аҳдлашувчи Томон қонунчилигида белгиланган шартларни бажаришга қодир эканлигини исботлашни талаб қилишга ҳақлидир.

4. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томоннинг авиация маъмуриятлари тайинланган авиакорхона эътироф этишдан воз кечиш ҳамда шу тайинланган авиакорхонага ушбу модданинг 2-бандида кўрсатилган парвозларни бажаришга рухсатнома беришни рад этиш, ёки ушбу Битимнинг 2-моддасида келтирилган ҳуқуқларни амалга оширилишида зарур деб ҳисобланган шартларни талаб этиш ҳуқуқига эга бўлади, башарти Аҳдлашувчи Томон қўйидаги шартлар бажарилаётганлигига ишонч ҳосил қилмаса

а) Чехия Республикаси томонидан тайинланган авиакорхонага нисбатан:
i) авиакорхона Чехия Республикаси ҳудудида ЕИ шартномаларига мувофиқ тузилган бўлиши ҳамда Европа Иттифоқи қонунчилигига асосан парвозларни бажаришга амалдаги рухсатномага эга бўлиши; ва

ii) авиакорхонанинг ҳақиқий назорати эксплуатант сертификатини беришда мутасадди бўлган Европа Иттифоқига аъзо давлат томонидан олиб борилиши ва таъминланиши ва тегишли авиация маъмуриятларининг тайинлашда аниқ кўрсатилиши; ва

iii) авиакорхонага эгалик қилишнинг тўғридан-тўғри ёки акцияларнинг назорат пакети орқали амалга оширилиши ва унинг ҳақиқий назорати Европа Иттифоқига ёки Европа эркин савдо ассоциациясига аъзо давлатлар ва/ёки бундай аъзо давлатларнинг фуқаролари томонидан олиб борилиши;

б) Ўзбекистон Республикаси томонидан тайинланган авиакорхонага нисбатан:

i) авиакорхона Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тузилган бўлиши ҳамда Ўзбекистон Республикаси авиация маъмуриятлари томонидан берилган амалдаги эксплуатант сертификатига эга бўлиши; ва

ii) авиакорхонанинг ҳақиқий назорати Ўзбекистон Республикаси томонидан олиб борилиши ва таъминланиши.

5. Агар авиакорхона ушбу моддага мувофиқ тарзда тайинланса ва рухсатнома олса, ушбу Битимнинг 12 ва 15-моддалари қоидаларига мувофиқ ўрнатилган тарифлар ва парвоз жадваллари ушбу қатновларга нисбатан жорий этилганлиги шarti билан келишилган қатновлардан тўлалигича ёки унинг бир қисмидан фойдаланишни бошлаши мумкин.

4-модда

Рухсатномадан фойдаланиш ҳуқуқини бекор қилиш ёки тўхтатиб қўйиш

1. Аҳдлашувчи Томон авиация маъмуриятларининг ҳар бири парвозларга рухсат беришни бекор қилиш ёки мазкур Битимнинг 2-моддасида кўрсатилган, бошқа Аҳдлашувчи Томон тайинланган авиакорхонасига берилган ҳуқуқлардан фойдаланишни тўхтатиш ёки қуйида кўрсатилган ҳуқуқлардан фойдаланишда ўзи зарур деб билган шартларнинг бажарилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади:

а) Чехия Республикаси томонидан тайинланган авиакорхонага нисбатан;

i) авиакорхона Чехия Республикаси ҳудудида ЕИ шартномаларига мувофиқ тузилмаган ёки Европа Иттифоқи қонунчилигига асосан парвозларни бажаришга амалдаги рухсатномага эга бўлмаган ҳолда; ёхуд

ii) авиакорхонанинг ҳақиқий назорати эксплуатант сертификатини беришда мутасадди бўлган Европа Иттифоқига аъзо-давлат томонидан олиб борилмаган ёки таъминланмаган ёки тегишли авиация маъмуриятлари тайинлашда аниқ кўрсатилмаган тақдирда; ёхуд

iii) авиакорхонага эгалик қилиш тўғридан-тўғри ёки акцияларнинг назорат пакети орқали амалга оширилмаган ёки унинг ҳақиқий назорати Ев-

ропа Иттифоқига ёки Европа эркин савдо ассоциациясига аъзо-давлатлар ва/ёки бундай аъзо давлатларнинг фуқаролари томонидан олиб борилмаган тақдирда; ёхуд

iv) агар авиакорхона Ўзбекистон Республикаси билан бошқа Европа Иттифоқига аъзо давлат ўртасидаги ҳаво қатнови тўғрисида икки томонлама битимга асосан парвозларни бажаришга ваколати бўла туриб ўша бошқа Европа Иттифоқига аъзо давлат ҳудудидаги манзил орқали ушбу Битимга кўра ташиш ҳуқуқларидан фойдаланса ва бу авиакорхонанинг ўша бошқа битимнинг қоидаларига амал қилмаётганини Ўзбекистон Республикаси исбот қилган тақдирда, ёхуд

v) агар авиакорхона Европа Иттифоқига аъзо давлат томонидан берилган эксплуатант сертификатига эга бўлиб, бу ЕИГА аъзо давлатнинг Ўзбекистон Республикаси билан ҳаво қатнови тўғрисида икки томонлама битими мавжуд бўлмаган тақдирда ёки Ўзбекистон Республикаси томонидан тайинланган авиакорхонага ушбу ЕИГА аъзо давлатга парвоз қилиш ҳуқуқини бериш рад этилганда;

b) Ўзбекистон Республикаси томонидан тайинланган авиакорхонага нисбатан:

i) авиакорхона Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тузилмаган ёки Ўзбекистон Республикаси авиация маъмуриятлари томонидан берилган амалдаги эксплуатант сертификатига эга бўлмаган тақдирда; ёки

ii) авиакорхонанинг ҳақиқий назорати Ўзбекистон Республикаси томонидан олиб борилмаган ёки таъминланмаган тақдирда;

c) авиакорхона бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг авиация маъмуриятлари томонидан Конвенцияга мувофиқ қўлланиладиган қонун ва қоидалар талабига жавоб бермаган тақдирда, ёхуд

d) авиакорхона ушбу Битим қоидаларига мувофиқ бирор сабабларга кўра ҳаво қатновларини амалга ошира олмаётган бўлса.

2. Юқорида қайд қилинган қонун ва қоидаларни бундан буён яна бузилишининг олдини олиш учун кечиктириб бўлмайдиган ҳаракатлардан ташқари, ушбу модданинг 1-бандида келтирилган ҳуқуқлардан бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг авиация маъмуриятлари билан ўтказиладиган маслаҳатлашувлардан кейингина фойдаланилиши мумкин. Агар авиация маъмуриятлари ўртасида ўзаро бошқа нарса хусусида келишилмаса, ҳар икки Аҳдлашувчи Томон авиация маъмуриятлари ўртасидаги бундай маслаҳатлашувлар уларнинг бири томонидан уни ўтказиш тўғрисидаги талабнома юборилган кундан бошлаб олтмиш (60) кун ичида ўтказилиши лозим.

5-модда

Қонунлар, қоидалар ва тартибларни қўллаш

1. Бир Аҳдлашувчи Томон халқаро қатновларни амалга ошираётган ҳаво кемалари ўз давлат ҳудудига учиб келиши ва у ердан учиб кетиши ёки бу ҳаво кемаларининг ушбу давлат ҳудуди доирасидаги халқаро парвозлари ва уларнинг навигациясини тартибга солувчи амалдаги қонунлар ва тартиблар

бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхоналарига нисбатан қўлланилади.

2. Бир Аҳдлашувчи Томоннинг ўз давлат ҳудудига йўловчилар, экипаж аъзолари, багаж, юк ва почтанинг кириб келиши, у ерда бўлиши, у ер орқали ёки у ердан жўнатилишини тартибга солувчи давлат қонунчилиги, хусусан кириш-чиқиш, виза йиғимлари, иммиграция, паспорт, божхона, валюта, карантин, соғлиқни сақлаш нормалари, ветеринар ҳамда санитар нормаларига оид қоидалар бошқа Аҳдлашувчи Томондан тайинланган авиакорхонага тегишли ҳаво кемаларидаги йўловчилар, экипаж аъзолари, багаж, юк ва почтага нисбатан биринчи Аҳдлашувчи Томон давлат ҳудудига келиши, кетиши ёки у ерда бўлиши чоғида қўлланилади.

3. Ҳеч бир Аҳдлашувчи Томон ўзининг божхона, иммиграция, карантин ва шу каби қоидаларини қўллашда бундай халқаро парвозларни амалга ошираётган ўзининг авиакорхонасига ёки бошқа ҳар қандай авиакорхонага бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг авиакорхонасига нисбатан устунликни юзага келтирмайди.

6-модда

Авиация хавфсизлиги

1. Аҳдлашувчи Томонлар халқаро ҳуқуқлардан келиб чиқадиган ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятларига мувофиқ ғайриқонуний аралашув хатти-ҳаракатларидан фуқаро авиациясининг хавфсизлигини таъминлашга доир зиммасига оладиган ўзаро мажбуриятлари ушбу Битимнинг ажралмас қисми эканлигини яна бир бор тасдиқлайдилар.

2. Чунончи, Аҳдлашувчи Томонлар 1963 йил 14 сентябрда Токиода имзоланган Ҳаво кемаларида содир этиладиган жиноятчилик ва бошқа ҳаракатлар тўғрисидаги конвенция, 1970 йил 16 декабрда Гаагада имзоланган Ҳаво кемаларини ғайриқонуний равишда эгаллаб олишга қарши кураш тўғрисидаги конвенция, 1971 йил 23 сентябрда Монреалда имзоланган Фуқаро авиацияси хавфсизлигига қарши ноқонуний ҳаракатларга қарши кураш ҳақидаги конвенция, 1988 йил 24 февралда Монреалда имзоланган Халқаро фуқаро авиациясига хизмат кўрсатаётган аэропортларда ғайриқонуний куч ишлатиш ҳаракатларига қарши кураш тўғрисидаги баённома қоидаларига ҳамда ҳар икки Аҳдлашувчи Томон учун амал қилиши лозим бўлган авиация хавфсизлигига доир бошқа кўптомонлама битимлар қоидаларига асосан иш олиб борадилар.

3. Аҳдлашувчи Томонлар бир-бирларининг илтимосига кўра ҳаво кемасини ғайриқонуний қўлга олишнинг ҳамда ҳаво кемасига, ундаги йўловчилар ва экипаж аъзоларига, аэропортлар ва қатновни таъминлаш воситаларига, шунингдек фуқаро авиацияси хавфсизлигига таҳдид солувчи ҳар қандай бошқа ғайриқонуний хатти-ҳаракатларнинг олдини олишда бир-бирларига барча зарурий ёрдамни кўрсатадилар.

4. Аҳдлашувчи Томонлар ўзаро муносабатларида Халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти томонидан белгиланган ва 1944 йилнинг 7 декабрида им-

золаш учун очилган Халқаро фуқаро авиацияси тўғрисидаги конвенциянинг иловаларида тавсифланган авиация хавфсизлиги қоидаларига мувофиқ ва ушбу авиация хавфсизлиги қоидалари Аҳдлашувчи Томонлар тарафидан қай даражада қўлланилишига қараб иш кўрадилар. Улар асосий фаолият жойи ёки доимий турар жойи ўз давлат ҳудудларида жойлашган ҳаво кемаларининг эксплуатантларидан ёки, Чехия Республикасига нисбатан, унинг ҳудудида ЕИ шартномаларига мувофиқ тузилган ва Европа Иттифоқи қонунчилигига асосан парвозларни бажаришга амалдаги рухсатномага эга бўлган ҳаво кемаларининг эксплуатантларидан ва аэропортларнинг маъмурларидан бундай авиация хавфсизлиги қоидаларига мувофиқ иш кўришларини талаб қилдилар.

5. Аҳдлашувчи Томонларнинг ҳар бири ҳаво кемасидан фойдаланувчиларга нисбатан авиация хавфсизлиги қоидаларига, ўша давлатнинг амалдаги қонунчилигига, шунингдек Чехия Республикасига нисбатан Европа Иттифоқи қонунчилигига мувофиқ бошқа Аҳдлашувчи Томон мазкур Аҳдлашувчи Томоннинг давлат ҳудудига кириш, чиқиш ва мазкур ҳудудда бўлиш даврида риоя этилиши зарур бўлган талабларни кўйиши мумкин.

6. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон ҳаво кемаларини ҳимоя қилиш ва йўловчиларни, экипаж аъзоларини, қўл юки, багаж, юк ва борт захираларини ҳаво кемасига жойлашиш ёки ортишдан аввал ёки кейин текшириш учун ўз давлатининг ҳудуди доирасида самарали чора-тадбирлар кўрилишини кафолатлайди.

7. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон, шунингдек бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг, башарти, аниқ таҳдид мавжуд бўлса, оқилона меъёрда хавфсизликни таъминлаш юзасидан чора-тадбирлар кўришга доир илтимосларини хайрихоҳлик билан кўриб чиқади.

8. Башарти, фуқаро ҳаво кемасини тутқун қилиш ҳодисаси ёки уни тутқун қилиш таҳдиди мавжуд бўлса ёки ҳаво кемаси, ундаги йўловчилар ва экипаж аъзоларига аэропортлар ва қатновни таъминлаш воситаларига бошқа ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар билан таҳдид қилинса, Аҳдлашувчи Томонлар алоқани енгиллатиш орқали бир-бирларига кўмак берадилар ва бундай ҳодиса ёки таҳдидга жадал равишда барҳам бериш учун барча зарур чора-тадбирларни кўрадилар.

9. Башарти, Аҳдлашувчи Томон бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг ушбу моддадаги авиация хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаётганлиги тўғрисида етарли асосга эга бўлса, ушбу Аҳдлашувчи Томоннинг авиация маъмуриятлари бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг авиация маъмуриятларидан кечиктириб бўлмайдиган маслаҳатлашувлар ўтказилишини талаб қилишлари мумкин. Бундай талаб тушган кундан эътиборан ўттиз (30) кун мобайнида қоникарли келишувга эришилмаган тақдирда, ушбу Битимнинг 4-моддаси қоидаларини қўллаш учун асос юзага келади. Кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда бу Аҳдлашувчи Томон бундай муддат тугамасдан олдин вақтинчалик чораларни кўриши мумкин.

7-модда

Парвозлар хавфсизлиги

1. Аҳдлашувчи Томонлардан бирининг қонун ва қоидаларига ҳамда Чехия Республикасига нисбатан, Европа Иттифоқининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ берилган ёки яроқли деб топилган ҳамда амал қилиш муддати тугамаган парвозга яроқлилик сертификатлари, эксплуатант сертификатлари ва лицензиялар келишилган қатновлардан фойдаланиш мақсадида ушбу сертификатлар ҳамда лицензияларнинг Конвенцияда улар учун белгиланган минимал стандартларга мувофиқ келиши ёки улардан устун келиши шарт билан бошқа Аҳдлашувчи Томон тарафидан яроқли деб топилади.

2. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон бошқа Аҳдлашувчи Томон ёки бошқа давлат тарафидан ўзининг фуқароларига берилган парвозга яроқлилик сертификатлари, эксплуатант сертификатлари ва лицензияларни агар уларнинг эгалари ўз ҳудуди устидан парвозларни амалга оширган ҳолатларда яроқли деб топмаслик ҳуқуқига эга.

3. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон истаган вақтда экипаж аъзолари, ҳаво кемаси ва ҳаво кемасидан фойдаланишга тааллуқли соҳаларда бошқа Аҳдлашувчи Томон бажарадиган парвозлар хавфсизлиги бўйича стандартларга тегишли бўлган масалалар юзасидан маслаҳатлашувлар ўтказишни талаб қилиши мумкин. Бундай маслаҳатлашувлар мурожаат этилган кундан эътиборан ўттиз (30) кун давомида ўтказилади.

4. Агар бундай маслаҳатлашувлар ўтказилганидан сўнг бир Аҳдлашувчи Томон бошқа бир Аҳдлашувчи Томонни бундай соҳадаги Конвенцияда белгиланган минимал стандартларга мувофиқ парвозлар хавфсизлиги меъёрларига самарали риоя қилмаяпти ва бошқармаяпти деб топган тақдирда, биринчи Аҳдлашувчи Томон бошқа Аҳдлашувчи Томонни бундай камчиликлар ва белгиланган минимал стандартларига мувофиқ чора-тадбирларни кўриши кераклиги тўғрисида хабардор этади ва бошқа Аҳдлашувчи Томон камчиликларни бартараф этиш бўйича тегишли чора-тадбирларни кўради. Агар бошқа Аҳдлашувчи Томон ўн беш (15) кун мобайнида ёки келишилган кундан ортиқ муддатда тегишли чора-тадбирларни кўрмаган тақдирда, ушбу Битимнинг 4-моддаси қоидаларини қўллашга асос юзага келади.

5. Конвенциянинг 33-моддасида кўрсатилган мажбуриятлардан қатъи назар, бир Аҳдлашувчи Томоннинг авиакорхонаси ёки авиакорхоналари номидан бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг давлат ҳудудига ёки ҳудудида қатновлардан бевосита ёки ижара шартномаси асосида фойдаланаётган ҳар қандай ҳаво кемаси бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг давлат ҳудудида бўлган чоғида ўша Аҳдлашувчи Томоннинг ваколатли шахслари томонидан ҳаво кемаси саҳнида ёки унинг ташқарисида саҳн ва экипаж ҳужжатларининг ҳақиқийлиги юзасидан ёки ҳаво кемаси ва унинг мосламалари ҳолати бўйича текширувдан ўтказилади (ушбу моддадаги «перрондаги текширув» деб номланувчи текширув асосиз тўхташларга олиб келмаслиги лозим).

6. Агар бундай перрондаги текширув ёки шу каби бир қанча текширувлар натижасида:

а) ҳаво кемаси ёки ҳаво кемасидан фойдаланиш талаблари ҳозирги вақтда Конвенцияда белгиланган минимал стандартларга жавоб бермаслиги тўғрисида жиддий хавотир туғилса; ёки

б) ҳозирги вақтда Конвенцияда белгиланган минимал хавфсизлик стандартларини самарали таъминламаётганлиги ёки бошқармаётганлиги тўғрисида жиддий хавотир туғилган тақдирда, текширувни ўтказиётган Аҳдлашувчи Томон мазкур ҳаво кемасига ёки унинг экипажига берилган сертификат ёки лицензияларнинг ёки ҳаво кемасидан фойдаланиш талабларининг Конвенцияда белгиланган минимал стандартларга мос эмаслиги ёки улар даражасидан паст эканлиги тўғрисида Конвенциянинг 33-моддасига мувофиқ мустақил қарар қабул қилиши керак.

7. Агар бир авиакорхона томонидан ёки Аҳдлашувчи Томоннинг авиакорхонаси ёки авиакорхоналари номидан ҳаракатланаётган ҳаво кемасининг мазкур модданинг 5-бандига асосан ўтказилаётган перрон текширувига ушбу авиакорхона ёки авиакорхоналар томонидан эътироз билдирилса, бошқа Аҳдлашувчи Томон мазкур модданинг 6-бандига баён этилган хавотирлар мавжуд деб фикр қилиши ва шу бандга асосан хулоса чиқариши мумкин.

8. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон, агар у перрондаги текширув ёки бир қанча бундай текширувлар натижасида, перрондаги текширув ёки маслаҳатлашувлар ўтказишни бошқа Аҳдлашувчи Томон тарафидан рад этиш ёки бошқа ҳолларда парвозлар хавфсизлигини таъминлаш учун кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўрилиши лозим деб ҳисобласа, бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг авиакорхонаси ёки авиакорхоналарига берилган парвозларни амалга ошириш рухсатномасини дарҳол вақтинча тўхтатиши ёки ўзгартириши мумкин.

9. Бир Аҳдлашувчи Томоннинг юқоридаги 4 ва 8-бандларга мувофиқ амалга оширадиган ҳар қандай хатти-ҳаракати, мазкур чора-тадбирларни кўриш учун асос бартараф қилинган вақтдан эътиборан давом эттирилиши мумкин эмас.

8-модда **Божхона шартлари**

1. Аҳдлашувчи Томонлардан бирининг тайинланган авиакорхонаси томонидан келишилган қатновларда фойдаланилаётган ҳаво кемалари, шунингдек уларнинг табель мулки, ёнилғи захираси, мойлаш хом ашёлари, фойдаланиладиган техник ашёлар ҳамда бундай ҳаво кемалари бортидаги захиралар (озиқ-овқат, ичимлик ва тамаки маҳсулотларини ўз ичига олган ҳолда) бошқа Аҳдлашувчи Томон давлати ҳудудига киргач божхона божлари, билвосита солиқлар, текширув йиғимлари ҳамда бошқа миллий ва маҳаллий солиқ ва йиғимлардан бу мулк, хом ашёлар ва захиралар улар қайтиб олиб чиқилгунига ёки ушбу ҳудуд устидан парвоз мобайнида ишлатилгунига қадар ҳаво кемаси саҳнида сақланиб қолиши шарти билан озод этилади.

2. Шунингдек, кўрсатилган хизматлар учун йиғимлардан ташқари, қуйидагилар божхона божлари, билвосита солиқлар, текширув йиғимлари ҳамда бошқа миллий ва маҳаллий солиқ ва йиғимлардан озод этилади:

а) бир Аҳдлашувчи Томон давлат ҳудудида бошқа Аҳдлашувчи Томон тайинланган авиакорхонаси томонидан келишилган қатновларда фойдаланиладиган ҳаво кемасининг бортига олинган ва унда фойдаланиш учун мўлжалланган борт захиралари;

б) бир Аҳдлашувчи Томон давлат ҳудудида бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхонаси томонидан келишилган қатновларда фойдаланиладиган ҳаво кемасига техник хизмат кўрсатиш ва уни таъмирлаш учун олиб кирилган эҳтиёт қисмлар, двигателлар ҳам бунинг ичига киради;

с) бир Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхонаси томонидан келишилган қатновларда фойдаланиладиган ҳаво кемасининг бортига олиниб унда ишлатиш учун мўлжалланган ёнилғи ва мойлаш ашёлари.

3. Мазкур модданинг 1 ва 2-бандларида кўрсатилган материаллар ва буюмлар божхона органларининг талаблари бўйича божхона текширувига олиниши мумкин.

4. Аҳдлашувчи Томонлардан бирининг тайинланган авиакорхонаси томонидан келишилган қатновларда фойдаланиладиган ҳаво кемаси саҳнида мавжуд бўлган табель мулки, эҳтиёт қисмлар ва борт захиралари бошқа Аҳдлашувчи Томон давлат ҳудудида божхона органлари розилигига кўра туширилиши мумкин. Бундай ҳолларда улар божхона қоидаларига асосан қайта олиб чиқиб кетилгунга қадар ёки бошқа кўрсатмага мувофиқ қайд этиб ўтилган органлар назоратига олинади.

5. Мазкур моддада кўрсатилган солиқдан озод этиш ҳолатлари фойдаланиладиган техник ашёлар, эҳтиёт қисмлар, шунингдек двигателлар ва стандарт саҳн мосламаларига нисбатан ҳам қўлланилади, қачонки бир Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхонаси бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг давлат ҳудудида бошқа авиакорхоналар билан заём ёки трансфер тўғрисида шартномаларини бундай авиакорхоналар билан уларнинг бу каби солиқлардан бундай Аҳдлашувчи Томон тарафидан озод этилиш шarti билан тузса. Авиакорхона тегишли божхона органларини бундай заём ёки трансфер шартномалари ҳақида хабардор этиши лозим.

6. Бир Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхонаси томонидан ўз фаолияти эҳтиёжлари учун бошқа Аҳдлашувчи Томон давлат ҳудудига олиб кирилган ёки олиб кириладиган ёнилғи, мойлаш ашёлари, эҳтиёт қисмлар, табель мулки, борт захиралари, озиқ-овқат, ичимлик ва тамаки маҳсулотлари, реклама материаллари, автотранспорт, бронлаш ва алоқа учун электрон жиҳозлар ва унинг эҳтиёт қисмлари, ваколатхона фаолияти ва жиҳози учун мебель ва буюмлар, ташув ҳужжатлари ва бланкалари бошқа Аҳдлашувчи Томон давлат ҳудудига олиб киришда, ундан олиб чиқишда ва у ерда бўлиши мобайнида божхона божлари ҳамда бошқа солиқ ва йиғимлардан озод этилади.

7. Мазкур Битимдаги ҳеч бир нарса Чехия Республикасига Ўзбекистон Республикаси тайинланган авиакорхонасининг Чехия Республикаси ҳудудидаги манзилда, манзиллар орасида ёки бошқа Европа Иттифоқига аъзо-давлатнинг ҳудудида парвозларни амалга ошираётган ҳаво кемасида ишлатиш

учун олиб кирилаётган ёнилғи учун адолатли равишда солиқлар, йиғимлар, божлар ёки тўловлар олишда тўсқинлик қилмаслиги шарт.

8. Мазкур Битимдаги ҳеч бир нарса Ўзбекистон Республикасига Чехия Республикаси томонидан тайинланган авиакорхонасининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги манзилда ва манзиллар орасида парвозларни амалга ошираётган ҳаво кемасида ишлатиш учун олиб кирилаётган ёнилғи учун адолатли равишда солиқлар, йиғимлар, пошлиналар ёки тўловлар олишда тўсқинлик қилмаслиги шарт.

9-модда

Аэропортлардан ва авиация имкониятларидан фойдаланиш

1. Бир Аҳдлашувчи Томоннинг давлат ҳудудида бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхонасидан аэропорт, аэронавигация ва бошқа мосламалардан фойдаланганлиги учун олинадиган йиғимлар қиймати бундай тарзда халқаро қатновларни амалга ошираётган ўзининг миллий ҳаво кемалари томонидан тўланадиган тўловлар даражасидан юқори бўлмаслиги керак.

2. Аҳдлашувчи Томонлардан ҳеч бири ўзларининг назорати остида аэропортлардан, авиайўналишлардан, ҳаво ҳаракати хизматлари ва шу билан боғлиқ тегишли хизматлардан фойдаланишда ўзининг авиакорхонасига ёки бошқа ҳар қандай авиакорхонага бошқа Аҳдлашувчи Томон авиакорхонасига нисбатан устунлик яратмайди.

3. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон бундай йиғимларни ундирувчи ваколатли органлари билан хизматлардан ва мосламалардан фойдаланаётган авиакорхоналар ўртасида, агар мумкин бўлса, шу авиакорхоналарнинг вакиллари орқали музокараларнинг ташкил этилишини қўллаб-қувватлайдилар. Бундай йиғимларни ўзгартирилиши бўйича оқилона таклифлар бериш имконияти бундай авиакорхоналарга мазкур ўзгартиришлар киритилгунга қадар берилиши керак. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон йиғимларни ундирувчи тегишли органлар билан бундай авиакорхоналар ўртасида йиғимларга оид маълумот алмашишни таъминлаши керак.

10-модда

Тўғри транзит

Аҳдлашувчи Томонлардан бирининг давлат ҳудудидан тўғри транзит орқали ўтувчи ҳамда аэропортнинг ушбу мақсад учун белгиланган ҳудудини тарк этмаган йўловчиларига нисбатан соддалаштирилган назорат қўлланилади. Мазкур Битимнинг 6-моддасида кўрсатилган хавфсизлик шартларини бажариш ҳамда наркотик ва психотроп моддаларнинг олиб ўтилишини олдини олиш бўйича назорат бундан мустасно. Тўғри транзит орқали ўтувчи багаж ва юклар божхона божлари ва бошқа солиқлардан озод этилади.

11-модда

Хизматларни сотиш ва даромадларни ўтказиш

1. Бир Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхонасига бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг давлат ҳудудида ўзининг транспорт хизматларини сотишга тегишли Аҳдлашувчи Томоннинг давлат ҳудудида амал қилаётган қонунчиликка асосан ҳамда ўзаро ҳамжиҳатлик асосида тегишли ҳуқуқ берилади. Бунда авиакорхонага сотишни тўғридан-тўғри ёки авиакорхонанинг хоҳишига кўра агентлар орқали амалга оширишга рухсат берилади ҳамда ҳар қандай шахс бундай хизматларни тегишли Аҳдлашувчи Томоннинг амалдаги қонунчилигига ва валюта айирбошлаш қоидаларига мувофиқ маҳаллий валютада ёки шу ҳудуддаги банклар томонидан эркин алмаштириладиган валютада эркин сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлади.

2. Аҳдлашувчи Томонларнинг тайинланган авиакорхоналари бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг давлат ҳудудида олинган харажатлардан ортиқ бўлган даромадлар қийматини эркин алмаштириладиган валютада конвертация қилиш ва ўтказиш ҳуқуқига эга бўладилар. Даромадларни конвертация қилиш ва ўтказиш чекловларсиз трансфер амалга ошириладиган кунда устун даражадаги хорижий валюта бозори ставкаларида ёки хорижий валюта бозори ставкалари тизими яратилмаган ҳолда эса трансфер амалга оширилган кундаги тегишли Аҳдлашувчи Томон давлат ҳудудидаги амалдаги қонунчиликка мувофиқ расмий валюта қийматига асосан амалга оширилади. Ҳақиқий трансфер тўхталишларсиз ва транзакция хизматлари учун банк томонидан олинган оддий йиғимлардан ташқари бошқа йиғимларсиз амалга оширилиши лозим.

3. Аҳдлашувчи Томонлар ўртасида тўловлар тўғрисида махсус битим бўлган тақдирда ҳисоб-китоблар мазкур битим қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

12-модда

Тарифлар

1. Бундан кейинги матнда «тариф» атамаси йўловчи, багаж ва юк ташиш учун (компенсация ва почта ташиш шартлари бундан мустасно) тўланадиган нарх ва сарф-харажатларни ва авиакорхоналар томонидан таклиф қилинадиган агентлик хизматлари учун комиссия тўловларни белгилаш бўйича, шунингдек ушбу ташишга тааллуқли бўлган ҳар қандай хизматлар учун нарх ва сарф-харажатларнинг қўллаш шартлари ҳамда ташиш орқали олинган ҳар қандай катта даромадларни англатади.

2. Мазкур Битимга асосан Аҳдлашувчи Томон тайинланган авиакорхонаси томонидан белгиланган тарифлар бошқа авиакорхоналарнинг парвозни амалга оширишга кетадиган харажатлари, истеъмолчиларнинг талаблари, эксплуатация харажатлари, хизмат кўрсатиш хусусиятлари (хизмат кўрсатишнинг стандарт даражасидаги тезлиги ва шартлари), комиссия ставкалар, оқилона фойда ҳамда тарифлар билан бир қаторда барча мувофиқ омилларни ҳисобга олган ҳолда оқилона даражада бўлиши лозим.

3. Ҳар иккала Аҳдлашувчи Томон авиация маъмуриятлари қабул қилиб бўлмайдиган тарифларни сабабсиз камситиш, устун даражадаги ҳолатни суиистеъмол қилиш туфайли ҳаддан ортиқ даражада юқори ва тутиб турувчи сифатида ёхуд бевосита ёки билвосита субсидиялар ёхуд ёрдам туфайли, сунъий паст ёки демпингнинг сўнгги натижаси бўлган нархлар сифатида баҳолайди.

4. Тарифлар уларнинг жорий қилиниши мўлжалланган санадан камида ўттиз (30) кун олдин ҳар икки Аҳдлашувчи Томон авиация маъмуриятларига тасдиқлаш учун тақдим этилади. Авиация маъмуриятлари бир йўналиш учун ёки ҳар икки Аҳдлашувчи Томонларнинг давлат ҳудудлари ўртасидаги йўналишлар учун тақдим қилинган тарифларни тасдиқлаш ёки тасдиқламаслик ҳуқуқига эгадирлар.

5. Агар тарифлар қўлланиладиган Аҳдлашувчи Томон давлат ҳудудидаги авиация маъмуриятларидан тарифларни тақдим қилган авиақорхонага бу тарифларни тасдиқ этмаганликлари тўғрисида уларни қабул қилган кундан бошлаб ўн тўрт (14) кун ичида ёзма равишда хабар берилмаса, тарифлар тасдиқланган деб ҳисобланади.

6. Тарифларни тасдиқлаш чоғида Аҳдлашувчи Томон авиация маъмуриятлари, агар маъқул топсалар, уларнинг тугаш муддатларини кўрсатишлари мумкин. Агар тарифларда тугаш муддати кўрсатилган бўлса, тарифларни тақдим қилган авиақорхона томонидан улар бекор қилинмаса ёки ўрнига бошқалари улар тугайдиган муддатдан олдин тасдиқланмаса, улар ўз кучида қолади.

7. Сўров бўйича бир Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиақорхонаси бошқа Аҳдлашувчи Томон авиация маъмуриятларини шу Аҳдлашувчи Томоннинг давлат ҳудудида белгиланган йўналишлар бўйича учинчи давлатларга бошланган ташишлар учун мўлжалланган тарифлар тўғрисида хабардор этади.

8. Ҳар икки Аҳдлашувчи Томон авиация маъмуриятлари ўзларининг давлат ҳудудлари ўртасидаги юк ташишлари учун қўлланиладиган юк тарифларини тасдиқлашни талаб қилмайдилар, бироқ тайинланган авиақорхоналар бундай тарифларни улар жорий қилиниши мўлжалланган санадан камида ўн тўрт (14) кун олдин мазкур модданинг 3-бандига кўра текширилиши юзасидан авиация маъмуриятларида рўйхатдан ўтказадилар. Аҳдлашувчи Томоннинг давлат ҳудудида бошланиши мўлжалланган юк ташишларига оид юқорида айтиб ўтилган юк тарифларининг тасдиқланмаганлиги тўғрисидаги авиация маъмуриятларининг хабари тегишли авиақорхона тарафидан олинмаса, уларни рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб етти (7) кун ичида бундай юк тарифлари жорий қилиниши кўрсатилган кундан эътиборан кучга киритилади.

9. Бир Аҳдлашувчи Томоннинг авиация маъмуриятлари хоҳлаган вақтда бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг авиация маъмуриятларидан мазкур модда қоидаларининг қўлланилиши бўйича маслаҳатлашувлар ўтказишни талаб қилишлари мумкин. Бундай маслаҳатлашувлар сўровнома олинган кундан кейин ўттиз (30) кундан кам бўлмаган муддат ичида ўтказилади. Келишувга

эришилмаган тақдирда, ташиш бошланган Аҳдлашувчи Томон давлат худудидаги авиация маъмуриятларининг қарори устувор ҳисобланади.

10. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон авиация маъмуриятлари тарифлар ва ташишни сотиш қоидаларининг авиакорхона, саёҳат ёки юк бўйича агент, сайёҳлик ёки юк бўйича экспедитор томонидан бузилиш ҳолатлари юзасидан суриштирув ишларини олиб бориш ҳуқуқига эга бўлади.

13-модда

Ҳажм қоидалари

1. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхонасига ушбу Битимнинг Иловасида белгиланган йўналишлар бўйича ҳаво қатновларини амалга ошириш учун адолатли ва тенг ҳуқуқли шарт-шароитлар яратиб берилади.

2. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхоналари келишилган ҳаво қатновларини амалга оширишда айнан шу йўналиш бўйича ёки унинг бир қисмида ҳаво қатновини амалга ошираётган бошқа Аҳдлашувчи Томонидан тайинланган авиакорхонасининг ташиш ишларига ўринсиз зиён етказмаслик нуқтаи назаридан унинг манфаатларини эътиборга олиши лозим.

3. Аҳдлашувчи Томонларнинг тайинланган авиакорхоналари томонидан фойдаланилаётган келишилган ҳаво қатновлари жамоат талабига тўғри келиши керак, ҳамда ҳар бир авиакорхонанинг биринчи даражали вазифаси ҳаво кемасининг оқилона юкланишида Аҳдлашувчи Томонларнинг давлат худудларидан(га) жўнатилаётган йўловчилар, юк ва почтани ташиш талабига жавоб берувчи ташув ҳажмларини таъминлашлари лозим. Бортга олинган ҳамда авиакорхонани тайинламаган давлатлар худудларида белгиланган йўналишлар бўйича жойларда туширилган йўловчилар, юк ва почта ташуви-ни амалга ошириш асосий принципларига мувофиқ бўлиши лозим ва шулар асосида бу ҳажмлар қўйидаги заруратларга боғлиқ:

а) авиакорхонани тайинлаган Аҳдлашувчи Томон давлат худудига(дан) ташувларга зарурат;

б) бошқа давлатларнинг авиакорхоналари томонидан фойдаланилаётган шу худудни ўз ичига олган бошқа ҳаво қатновларидаги ташувларни инобатга олган ҳолда, келишилган ҳаво қатновлари ўтадиган худуднинг ташувларга зарурати;

с) авиакорхонанинг транзит ташувларига зарурати.

14-модда

Код-шер (ўринларни ўзаро тақсимлаш)

1. Бир Аҳдлашувчи Томоннинг ҳар қандай тайинланган авиакорхонаси ҳаво қатновларини амалга оширишда ёки уларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлса қўйидаги авиакорхоналар билан «Код-шер» (ўринларни ўзаро тақсимлаш) битимини ва ўринларни тақдим қилиш тўғрисидаги келишувларни тузиши мумкин:

а) Аҳдлашувчи Томонлардан бирининг авиакорхонаси ёки авиакорхоналари билан;

б) учинчи Томон авиакорхонаси ёки авиакорхоналари билан, агар бундай учинчи давлат бошқа Аҳдлашувчи Томон авиакорхоналари билан бошқа авиакорхоналарнинг бундай учинчи мамлакат ҳудудига, ҳудудидан ёки ҳудуди орқали ҳаво қатновларини амалга ошириш учун тузиладиган битимларга тегишли ваколат ёки рухсат бермаса, тегишли Аҳдлашувчи Томон авиация маъмуриятлари бундай келишувларни қабул қилмаслик ҳуқуқига эга бўладилар.

2. Юқорида қайд қилинган қоидалар авиакорхоналарнинг бундай келишувларда қуйида келтирилган талабларга жавоб бериши орқали татбиқ этилиши мумкин:

а) керакли ташиш ҳуқуқларига эга бўлиши ва мазкур Битим қоидаларига риоя қилиши;

б) ҳар икки Аҳдлашувчи Томон авиация маъмуриятларининг бундай келишувларни қўллашдаги талабларини бажариши; ҳамда

с) истеъмолчиларга бундай «Код-шер» битими ва ўринларни тақдим қилиш тўғрисидаги келишувлар бўйича тўғри маълумот бериши.

3. Код-шер битимларида иштирок этувчи авиакорхоналар бундай таклиф қилинаётган «Код-шер» битимини ва ўринларни тақдим қилиш тўғрисидаги келишувларни жорий қилиниши мўлжалланган санадан камида қирқ беш (45) кун аввал ҳар икки Аҳдлашувчи Томон авиация маъмуриятларига тақдим қиладилар. Бундай «Код-шер» битими ва ўринларни тақдим қилиш тўғрисидаги келишувлар ва ҳар икки Аҳдлашувчи Томон авиация маъмуриятлари томонидан тасдиқланиши лозим.

15-модда

Парвозлар жадвали

1. Бир Аҳдлашувчи Томон тарафидан тайинланган авиакорхона парвозлар бошланишидан камида қирқ беш (45) кун олдин парвозлар сони, фойдаланиладиган ҳаво кемаси тури, вақтлари, конфигурацияси ва ўринлар сони ҳамда жадвалнинг муддати ҳақида маълумот кўрсатилган ҳолда, мўлжалланган жадвални тасдиқлаш учун бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг авиация маъмуриятларига тақдим этиши лозим. Бундай тартиб келгусидаги ҳар қандай ўзгаришларга ҳам қўлланилади.

2. Агар тайинланган авиакорхона жадвалда кўрсатилган парвозлардан ташқари қўшимча парвозларни амалга оширишни хоҳласа, у ҳолда бундай авиакорхона бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг авиация маъмуриятларига бундай парвозларга рухсат олиш учун сўровнома юборади. Бундай сўровнома одатда бундай парвозлар бажарилиши мўлжалланган санадан камида икки (2) иш куни аввал тақдим қилинади.

16-модда

Авиакорхона ваколатхонаси

1. Бир Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхонаси бошқа Аҳд-

лашувчи Томоннинг давлат ҳудудида амал қилаётган кириш, яшаш ва ишлаш ҳуқуқига оид қонунчиликка мувофиқ бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг давлат ҳудудига ҳаво қатновини амалга ошириш учун зарур бўлган ўзининг вакиллари, тижорат, техник ва бошқа ходимларини ўзаро ҳамкорлик принципига асосан олиб келиш ва ушлаб туриш ҳуқуқига эга бўлади.

2. Авиакорхона вакиллари ва ходимлари бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг давлат ҳудудида амал қилаётган қонунчиликка мувофиқ тайинланиши лозим.

3. Ҳар икки Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхоналари тегишли ҳудудда бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг давлат ҳудудида амал қилаётган қонунчиликка мувофиқ транспорт хизматларини кўрсатиш ва сотиш мақсадида ўзларининг ваколатхоналарини очиш ҳуқуқига эга бўладилар.

17-модда

Ерда техник хизмат кўрсатиш

Тегишли Аҳдлашувчи Томоннинг давлат ҳудудида амал қилаётган қонунчиликка мувофиқ, шунингдек Чехия Республикасига нисбатан, Европа Иттифоқи қонунчилигига асосан, ҳар қайси тайинланган авиакорхона бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг давлат ҳудудида ўзининг ер техник хизмати кўрсатишни амалга ошириш ёки ўз хохишига кўра рақобатдаги ерда техник хизматни тўлиқ ёки қисман кўрсатувчи ташкилотларни танлаш ҳуқуқига эга бўлади. Агар бундай қонунчилик ерда техник хизмат кўрсатишни чекласа ёки унга номутаносиб бўлса ҳамда ерда техник хизмат кўрсатувчилар ўртасида ҳақиқий рақобат йўқ бўлган тақдирда, ҳар бир тайинланган авиакорхонанинг ўзига ёки ерда техник хизмат кўрсатувчи ташкилот(лар)га бундай хизматлар билан шуғулланишга камситмаслик принципига асосан тегишли ҳуқуқ берадилар.

18-модда

Ҳодисаларни текшириш

Аҳдлашувчи Томонлардан бирининг тайинлаган авиакорхонасига қарашли ҳаво кемаси ноиложликдан қўнганда, ҳалокатга учраганда ёки бошқа бир ҳодиса содир бўлган тақдирда, давлат ҳудудида ҳодиса содир бўлган Аҳдлашувчи Томон бу ҳақида дарҳол бошқа Аҳдлашувчи Томонни хабардор қилади ва бу ҳодисани сабабларини аниқлаш учун шошилиш чораларни кўради ҳамда бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг илтимосига биноан бундай ҳодисани текширишда қатнашиш учун шу Аҳдлашувчи Томоннинг вакилларини ўз давлати ҳудудига монеликсиз киришини таъминлайди, агарда шу ҳодиса оқибатида экипаж аъзолари ёки йўловчиларга жароҳат етган бўлса, уларга ёрдам кўрсатиш учун шошилиш чораларни кўради ҳамда ҳаво кемасининг саҳнида қолган почта, багаж ва юкларнинг бутлигини таъминлайди. Ҳодисани текшираётган Аҳдлашувчи Томон унинг натижалари хусусида бошқа Аҳдлашувчи Томонни хабардор қилиши шарт.

19-модда **Маълумотлар билан таъминлаш**

Бир Аҳдлашувчи Томон авиация маъмуриятлари бошқа Аҳдлашувчи Томон авиация маъмуриятларининг илтимосига биноан келишилган қатновлардан фойдаланишни қайта кўриб чиқиш мақсадида улар томонидан оқилона равишда сўраладиган даврий статистик ёки тайинланган авиакорхоналар томонидан мазкур Битимда кўрсатилган белгиланган йўналишлардаги ташишга оид бошқа маълумотлар билан уларни таъминлайдилар.

20-модда **Маслаҳатлашувлар**

1. Яқин ҳамкорлик руҳида Аҳдлашувчи Томонлар авиация маъмуриятлари мазкур Битимнинг барча қоидаларини бажарилиши бўйича яқиндан ҳамкорлик қилиш мақсадида маслаҳатлашувлар ўтказиш ёки ёзишмалар орқали бир-бирлари билан алоқа қиладилар.

2. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон хоҳлаган вақтда мазкур Битимга тегишли бўлган ҳар қандай масала юзасидан маслаҳатлашувлар ўтказишни сўраши мумкин. Агар Аҳдлашувчи Томонлар ўртасида бошқа келишув бўлмаса, бундай маслаҳатлашувлар бошқа Аҳдлашувчи Томондан сўров олинган санадан бошлаб олтмиш (60) кун ичида бошланиши лозим.

21-модда **Ўзгартиришлар**

1. Мазкур Битимга Аҳдлашувчи Томонларнинг ўзаро розилиги асосида ёзма равишда ўзгартиришлар киритилиши мумкин ва бу ўзгартиришлар мазкур Битимнинг ажралмас қисми ҳисобланиб, улар мазкур Битимнинг 24-моддаси қоидаларига мувофиқ кучга киради.

2. Агар халқаро ҳаво транспортига ва икки Аҳдлашувчи Томон муносабатларига тегишли кўп томонлама конвенция кучга кирса, мазкур Битимнинг бундай кўп томонлама конвенция қоидаларига мувофиқ келиши мақсадида Аҳдлашувчи Томонлар уларни қай даражада қабул қилинганликларига қараб ўзгартирилади

22-модда **Низоларни ҳал қилиш**

1. Мазкур Битимни изоҳлаш ёки қўллаш натижасида келиб чиққан низо биринчи навбатда ҳар икки Аҳдлашувчи Томон авиация маъмуриятлари ўртасида тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш йўли билан ҳал қилинади.

2. Агар авиация маъмуриятлари келишувга эриша олмасалар, баҳс Аҳдлашувчи Томонлар ўртасида музокаралар ўтказиш йўли билан ҳал қилинади.

3. Агар Аҳдлашувчи Томонлар музокаралар йўли билан келишувга эриша олмасалар, улар низо кўриб чиқиш учун маслаҳат ёки Аҳдлашувчи Томонлар рози бўлиши мумкин бўлган мажбурий қарор олиш мақсадида алоҳида шахс ёки ташкилотга низо кўриб чиқиш учун топширишга рози

бўлишлари ёки Аҳдлашувчи Томонлардан бирининг сўровномасига биноан учта ҳакамдан ташкил топган ҳакамлар судига кўриб чиқиш учун топширишлари мумкин.

4. Бундай Ҳакамлар суди қуйидагилардан ташкил топади: ҳар бир Аҳдлашувчи Томон биттадан аъзо тайинлайди, ва ушбу тайинланган икки аъзо учинчи аъзони ўзларига Раис сифатида учинчи бир давлатнинг фуқаросидан тайинлайдилар. Бундай аъзолар бир Аҳдлашувчи Томон бошқа Аҳдлашувчи Томонни баҳсни ҳал қилиш мақсадида ҳакамлар судига бериш тўғрисида хабардор қилган кундан эътиборан олтмиш (60) кун ичида, ва бундай раис тўқсон (90) кун ичида тайинланади.

5. Агар юқоридаги 4-бандда белгиланган муддатларга риоя қилинмаса, Аҳдлашувчи Томонлардан бири, агар бошқа ҳеч қандай тегишли келишув бўлмаса, Халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти кенгаши Президентини зарур тайинлашни амалга ошириш учун таклиф қилади. Агар Президент Аҳдлашувчи Томонлардан бирининг фуқароси бўлса ёки бу вазифани бажара олмаса, тайинлаш Вице-президент томонидан амалга оширилади.

6. Ҳакамлар суди қарорни кўпчилик овоз билан қабул қилиши лозим. Қарор Аҳдлашувчи Томон тарафидан қабул қилиниши лозим. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон ҳакамлик судида вакил сифатидаги ўз аъзоси харажатларини ўзи қоплайди; ҳакамлар суди Раисининг харажати ва бошқа харажатлар Аҳдлашувчи Томонлар ўртасида тенг тақсимланади. Бошқа барча ҳолатларда ҳакамлар суди ўз тартибини белгилайди.

23-модда

ИКАОда рўйхатдан ўтиш

Ушбу Битим ва унга киритиладиган барча ўзгаришлар Халқаро фуқаро авиацияси ташкилотида рўйхатдан ўтказилиши лозим.

24-модда

Битимнинг кучга кириши ва унинг бекор қилиниши

1. Ушбу Битим Аҳдлашувчи Томонлар унинг кучга кириши учун зарур бўлган давлат ички тартиблари бажарилгани ҳақида бир-бирини дипломатик каналлар орқали сўнгги бор ёзма равишда хабардор қилган кундан бошлаб олтмишинчи (60) кунда кучга киради.

2. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон исталган вақтда бошқа Аҳдлашувчи Томонни ўзининг ушбу Битимнинг амал қилишини бекор қилиш қарори тўғрисида дипломатик каналлар орқали хабардор қилиши мумкин. Айни вақтда бундай мазмундаги хабарнома дарҳол Халқаро фуқаро авиацияси ташкилотига юборилади. Бундай ҳолларда Битимнинг амал қилиши, агар мазкур бекор қилиш тўғрисидаги хабарнома бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг розилиги бўйича ушбу давр тугагунча қайтариб олинмаган бўлса, бошқа Аҳдлашувчи Томон бундай хабарномани олган кундан бошлаб ўн икки (12) ой ўтганидан сўнг Битим бекор қилинади. Бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг хабарномани олгани тасдиқланмаганда, Халқаро фуқаро авиацияси ташки-

лоти хабарномани олган санадан бошлаб ўн тўрт (14) кун ўтгач у олинган деб ҳисобланади.

Тошкент шаҳрида 2011 йил 8 ноябрда ҳар бири ўзбек, чех ва инглиз тилларида бўлган икки асл нусхада тузилди, барча матнлар бир хил юридик кучга эга. Ушбу Битим қоидаларини талқин қилишда келишмовчиликлар юзага келган тақдирда инглиз тилидаги матн устувор ҳисобланади.

(имзолар)

ИЛОВА

I-бўлим

Чехия Республикаси тайинланган авиакорхонаси ёки авиакорхоналари томонидан фойдаланиладиган йўналишлар:

Чехиядаги манзиллар	Ташқаридаги манзиллар	Ўзбекистондаги манзиллар	Оралиқ манзиллар
Хоҳлаган манзиллар	Хоҳлаган манзиллар	Тошкент ва Самарқанд	Хоҳлаган манзиллар

II-бўлим

Ўзбекистон Республикаси тайинланган авиакорхонаси ёки авиакорхоналари томонидан фойдаланиладиган йўналишлар:

Ўзбекистондаги манзиллар	Ташқаридаги манзиллар	Чехиядаги манзиллар	Оралиқ манзиллар
Хоҳлаган манзиллар	Хоҳлаган манзиллар	Прага ва Брно	Хоҳлаган манзиллар

Эслатма:

1. Йўналишлар ҳар икки томонга амалга оширилиши мумкин.
2. Тайинланган авиакорхона ҳар қандай ёки барча парвозларда юқорида кўрсатилган ҳар қандай манзилни тушириб қолдириши мумкин, башарти, келишилган қатновлар авиакорхонани тайинлаган Аҳдлашувчи Томон давлат ҳудудида бошланса.
3. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон тайинланган авиакорхонаси ёки авиакорхоналари ўз хоҳишига биноан ҳар қандай оралиқ ва/ёки ташқаридаги манзилларни танлаши ва ўзининг танловини Халқаро ҳаво транспорти уюшмаси белгиланган навбатдаги парвозлар жадвали даврида ўзгартириши мумкин, башарти, ушбу манзиллар ва бошқа Аҳдлашувчи Томон давлат ҳудуди ўртасида ташиш ҳуқуқларидан фойдаланилмаса.
4. Белгиланган оралиқ ва/ёки ташқаридаги манзилларда бешинчи ҳаво эркинлиги ҳуқуқидан фойдаланиш икки Аҳдлашувчи Томон авиация маъмуриятлари ўртасида келишилади.

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги билан
Қозоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ўртасида
ҳамкорлик тўғрисида
БИТИМ***

2013 йил 14 июнь, Тошкент

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги билан Қозоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, бундан кейин Томонлар деб аталувчилар,

жиноятчиликка қарши кураш ва жамоат тартибини сақлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминлашда халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга муҳим аҳамият қаратиб,

тенг ҳуқуқлилиқ ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик тамойиллари асосида Томонлар алоқаларини мустаҳкамлаш борасида ўзаро хоҳишдан келиб чиқиб,

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Қозоғистон Республикаси Ҳукумати ўртасида жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорлик қилиш тўғрисида 1998 йил 30 октябрдаги Битимга амал қилиб,

қуйидагилар тўғрисида аҳдлашиб олдилар:

1-модда

Ҳамкорлик соҳаси

Томонлар ўз давлатларининг миллий қонунчилиги ва халқаро мажбуриятларига риоя қилган ҳолда, ушбу Битим қоидаларига мувофиқ, ўз ваколатлари доирасида ҳамкорлик қиладилар.

Ушбу Битим жиноятчиларни топшириш ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш масалаларига дахл қилмайди.

2-модда

Ҳамкорлик йўналишлари

1. Томонлар қуйидаги жиноятларнинг олдини олиш, аниқлаш, бартараф этиш ва фош этишда ҳамкорлик қиладилар, энг аввало:

- шахс ва мулкка қарши қаратилган жиноятлар;
- террористик ҳаракатлар — Томонлар давлатлари миллий қонунчилигида кўрсатилган ўз ваколатлари доирасида;
- коррупция ва уюшган жиноятчилик кўринишлари;
- одам савдоси, инсон аъзолари ва тўқималарини сотиш;
- одам ўғирлаш ва фоҳишалиқ мақсадида эксплуатация қилиш;
- ўқотар қурол, ўқ-дорилар, портловчи (портлатиш) ва захарли моддалар, шунингдек радиоактив материалларнинг ноқонуний айланиши;
- гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг прекурсорлари ҳамда уларни ишлаб чиқишда фойдаланиладиган моддаларни ноқонуний тайёрлаш ва уларнинг айланиши;

* Имзоланган кундан кучга кирган.

қалбаки пул белгилари, давлат расмий ҳужжатлари, қимматли қоғозлар, шунингдек кредит ва ҳисоб карталари ҳамда бошқа тўлов воситаларини тайёрлаш ва ўтказиш;

интеллектуал мулк ҳуқуқларини бузиш билан боғлиқ;

маданий ва тарихий қимматликларни талон-торож ва контрабанда қилиш билан боғлиқ;

транспортдаги жиноятлар;

ахборот технологиялари соҳасида;

автотранспорт воситаларни талон-торож қилиш ва улар билан ноқонуний ҳаракатларни амалга ошириш;

2. Томонлар шунингдек, қуйидаги соҳаларда биргаликда ҳаракат қилдилар:

жамоат тартибини сақлаш;

йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш;

ноқонуний миграцияга қарши кураш ва чет эл фуқароларининг бўлиш қоидаларини назорат қилиш;

Томонлар давлатларининг чегарага туташ ҳудудлардаги фалокат, ёнғин, табиий офат ва бошқа фавқулодда вазиятлар оқибатларини тугатишда жамоат хавфсизлигини таъминлаш;

қимматбаҳо ва махсус юкларни кузатиб бориш ва кўриқлаш;

номаълум мурдаларни идентификация қилиш (аниқлаш), номаълум беморлар ва болалар, шунингдек соғлиғи туфайли ўзи ҳақида маълумот бера олмайдиган шахсларнинг шахсини аниқлаш;

оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этилган жойдан олинган бармоқ излари бўйича жиноятчиларнинг шахсини идентификация қилиш;

жиноий жазоларни ижро этишни ташкил этиш;

рухсат бериш тизими талабларига амал қилишни назорат қилиш;

Томонлар давлатлари фуқароларининг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатлар бўйича ҳамкорликни ташкил қилиш;

илмий-тадқиқот фаолияти, ахборот ва телекоммуникация тизимларини ривожлантириш, махсус воситалар ва алоқа тизими, техника ва асбоб-ускуналарни ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш;

ахборот хавфсизлигини таъминлаш;

тезкор тадбирлар ўтказишда ва тезкор маълумот алмашишда махфийликни таъминлаш мақсадида шифрланган алоқани ташкил этиш;

кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

статистик ҳисоботни ташкил қилиш;

спорт ва маданий алоқаларни ривожлантириш;

Томонлар ходимлари ва уларнинг оила аъзоларини даволаш ва санатория-курорт соғломлаштиришда кўмаклашиш;

ички ишлар идораларида хизматини ўтаб бўлган собиқ ходимларнинг йиғма жилдларини улар қайта ишга қабул қилинаётган вақтда Томонлар сўрови асосида юбориш.

3-модда

Ҳамкорлик шакллари

Мазкур Битимнинг 2-моддаси қоидаларини амалга ошириш мақсадида Томонлар қуйидаги шаклларда ҳамкорлик қиладилар:

тайёрланаётган ёки содир этилган жиноятлар ҳамда уларга дахлдор бўлган шахслар тўғрисидаги қизиқтирган маълумотларни алмашиш;

прокурор (суд) санкцияси талаб этилмайдиган тезкор-қидирув тадбирларни ўтказиш тўғрисида сўровларни ижро этиш;

жиноий таъқибдан яширинаётган ёки жазони ўташдан бўйин товлаётган шахслар, бедарак йўқолган шахслар ҳамда Томонлар қонунчилигида белгиланган ҳолларда бошқа шахсларни қидириш;

ноқонуний муомалада пайдо бўлган наркотик воситалар, психотроп моддалар ва улар прекурсорларининг янги турлари ҳамда уларни тайёрлашда қўлланиладиган технологиялар ва ишлатиладиган моддалар, шунингдек наркотик воситалар, психотроп моддаларни ўрганиш ва идентификация қилишнинг янги усуллари тўғрисида маълумот айирбошлаш;

Томонлар давлатлари ҳудудида ўғирланган ҳамда муайян рақамга ёки ажралиб турувчи махсус белгиларга эга бўлган ашёлар (нарсалар), шу жумладан автотранспорт воситалари ва ўқ отар қурол, шунингдек қимматбаҳо қоғозлар ва паспортлар (шахсни тасдиқловчи ҳужжатлар)ни қидириб топиш ва қайтариш;

фавқулодда ҳолатлар (чегарага туташ туманлардаги карантин, оммавий тартибсизликлар, табиий офатлар)да жамоат тартибини сақлашни таъминлаш бўйича тадбирлар ўтказиш тўғрисида маълумот алмашиш;

иш тажрибаси билан алмашиш, шу жумладан стажировкалар, маслаҳатлашувлар, семинарлар ва ўқув курсларини ўтказиш;

ички ишлар органлари фаолиятига дахлдор қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни алмашиш, ўқув ва услубий адабиётларни сотиб олишда кўмаклашиш;

ўзаро манфаатли масалалар бўйича биргаликда илмий тадқиқотлар ўтказиш;

ўз давлатларида жиноятчилик аҳволи ва унинг ривожланиши тенденциялари тўғрисида маълумотлар алмашиш.

4-модда

Ҳамкорликни ривожлантириш

Ушбу Битим, 1-моддада кўрсатилган шартларни ҳисобга олган ҳолда, Томонларга ҳамкорликнинг ўзаро қулай бўлган бошқа йўналишлари, шакллари белгилаш ва ривожлантиришга тўсқинлик қилмайди.

5-модда

Ёрдам кўрсатиш тўғрисида сўровлар

1. Ушбу Битим доирасида ҳамкорлик манфаатдор Томонларнинг ёрдам кўрсатиш тўғрисида сўровлари ёки бундай ёрдам кўрсатиш бошқа Томон учун

манфаатли бўлади деб ҳисоблайдиган Томонлардан бирининг ташаббуси асосида амалга оширилади.

2. Ёрдам кўрсатиш тўғрисида сўров ёзма равишда юборилади. Кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда сўровлар оғзаки юборилиши мумкин, бироқ улар етти кундан кечиктирилмасдан, ёзма равишда, шу жумладан матн йўллашнинг техник воситаларидан фойдаланилган ҳолда тасдиқланиши лозим.

Сўров ёки унинг матни ҳақиқийлигига шубҳа туғилганда, қўшимча тасдиқ талаб қилиниши мумкин.

3. Ёрдам кўрсатиш тўғрисида сўровда қуйидагилар кўрсатилиши шарт: ёрдам кўрсатишни сўраётган орган ҳамда агар маълум бўлса, сўров юборилаётган органнинг номи;

иш мазмунининг баёни;

сўров мақсади ва асосини кўрсатиш;

сўралаётган ёрдамнинг мазмуни;

сўровни талаб даражасида бажариш учун зарур бўлган бошқа ҳар қандай маълумотлар.

4. Ёзма равишда юбориладиган ёки тасдиқланадиган ёрдам кўрсатиш тўғрисида сўров ёрдам кўрсатишни сўраётган органнинг раҳбари ёки унинг ўринбосари томонидан имзоланиб, ушбу органнинг гербли муҳри билан тасдиқланади.

5. Зарур ҳолларда сўровга уни бажариш учун лозим бўладиган ёки унинг бажарилишини енгиллаштирадиган ҳужжатлар ёки уларнинг тегишли тартибда тасдиқланган нусхалари, фотосуратлар ва бошқа ахборот ташувчи воситалар илова қилинади.

6-модда

Ёрдам кўрсатишни рад этиш

1. Агар сўралаётган Томон сўровни бажариш ўз давлати суверенитети, миллий хавфсизлиги, оммавий тартиб ва бошқа манфаатларига зиён етказиши ёки давлатнинг миллий қонунчилиги ёхуд халқаро мажбуриятларига зид келиши мумкин деб ҳисобласа, ушбу Битим доирасида ёрдам кўрсатиш тўлиқ ёки қисман рад этилади.

2. Агар сўров юборилишига сабаб бўлган қилмиш сўралаётган Томон давлатининг миллий қонунчилиги бўйича жиноят ҳисобланмаса, ёрдам кўрсатиш рад этилиши мумкин.

3. Имконият мавжуд бўлганда, сўралаётган Томон мазкур модданинг 1 ва 2-бандлари асосида ёрдам кўрсатишни рад этиш тўғрисида қарор чиқаришдан олдин мазкур Томон зарур деб ҳисоблаган шартларга амал қилган ҳолда ёрдам кўрсатиш мумкинлиги масаласини кўриб чиқиш учун сўраётган Томон билан маслаҳатлашув ўтказади. Сўраётган Томон унга ёрдам кўрсатиш учун асос бўладиган шартларга риоя қилади.

4. Сўраётган Томон сўровни бажариш тўлиқ ёки қисман рад этилганлиги тўғрисида сабаблари кўрсатилган ҳолда ёзма равишда хабардор қилинади.

7-модда
Сўровни бажариш

1. Сўралаётган Томон сўровни тез ва иложи борича тўлик бажариш учун барча зарур чораларни кўради.

Сўров бажарилишига тўсқинлик қиладиган ёки уни бажарилишини сезиларли даражада кечиктирадиган ҳолатлар тўғрисида сўраётган Томон зудлик билан хабардор қилинади.

2. Сўралаётган Томон сўровни талаб даражасида бажариш учун қўшимча маълумотлар зарур деб ҳисобласа, уларни сўраш ҳуқуқига эга.

3. Сўровни бажаришда сўралаётган Томон давлатининг қонунчилиги қўлланилади, аммо шу билан бирга, агарда сўралаётган Томон қонунчилиги ёки халқаро мажбуриятларига зид бўлмаса, сўров юборган Томоннинг илтимосига биноан унинг давлати қонунчилиги ҳам қўлланиши мумкин.

4. Агар сўралаётган Томон сўровни тез бажариш унинг давлатида амалга ошириладиган жиноий таъқиб ёки бошқа иш юритувга халақит бериши мумкин деб ҳисобласа, сўров бажарилишини кечиктириши ёки унинг бажарилишини сўраётган Томон билан маслаҳатлашувлардан кейин зарурий деб белгиланган шартларга риоя қилиниши билан боғлаши мумкин. Агар сўраётган Томон таклиф қилинадиган шартлар асосида унга ёрдам кўрсатилишга рози бўлса, у ушбу шартларга риоя қилиши лозим.

5. Сўралаётган Томон сўраётган Томоннинг илтимосига асосан сўров юборилганлиги, мазкур сўров мазмуни, унга илова қилинган ҳужжатлар ҳамда сўров бажарилганлиги сир сақланиши учун барча зарур чораларни кўради.

Сўровнинг бажарилиши сир сақланишининг имконияти бўлмаганда, сўралаётган Томон бу тўғрисида сўраётган Томонни хабардор қилади. Сўраётган Томон эса бундай шартларда сўровни бажарилиши масаласини ҳал қилади.

8-модда

Олинган маълумотлар ва ҳужжатлардан фойдаланишда чекловлар

1. Агар ушбу Битим доирасида олинган маълумот ва ҳужжатлар чекланган хусусиятга эга бўлса ёки юбораётган Томон уларни ошкор қилинмаслигини маъқул деб ҳисобласа, Томонларнинг ҳар бири уларнинг махфийлигини таъминлайдилар. Маълумотлар ва ҳужжатларнинг махфийлик даражасини юбораётган Томон белгилайди.

2. Сўралаётган Томоннинг тегишли илтимоси мавжуд бўлганда, мазкур Битимга мувофиқ сўровни бажариш натижаларидан, мазкур Томоннинг розилигисиз дастлабки сўровда кўрсатилган мақсадлардан бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас.

3. Ушбу Битим асосида олинган маълумот ва ҳужжатларни учинчи томонга бериш учун ушбу маълумотларни тақдим этган Томоннинг ёзма розилиги олинishi шарт.

4. Сўралаётган Томоннинг тегишли илтимоси мавжуд бўлганда, сўраётган Томон сўровни бажариш натижаларини ошкор этмайди ва улардан факатгина олдиндан келишиб олинган шартларда фойдаланади.

5. Сўровни бажариш натижаларидан бошқа мақсадларда фойдаланиш ёки уларни ошкор этиш, агар сўраётган Томон давлати қонунчилигида шундай ҳаракат қилиш мажбурияти назарда тутилган бўлса, истисно этилмайди. Сўраётган Томон сўралаётган Томонни сўров натижаларидан шу тариқа фойдаланиши ёки уни ошкор қилиши мумкинлиги ҳақида олдиндан хабардор қилади.

9-модда **Харажатлар**

Агар ҳар бир муайян ҳолларда бошқа тартиб келишиб олинган бўлмаса, Томонлар ушбу Битимни амалга ошириш давомида келиб чиқадиган харажатларни Томонлар давлатлари миллий қонунчилигида кўрсатилган маблағлар доирасида ўзлари мустақил қоплайдилар.

10-модда **Тиллар**

Томонлар ушбу Битим доирасида ҳамкорликни амалга оширишда, одатдагидек, рус тилидан фойдаланадилар. Давлат тилидан фойдаланилганда, тасдиқланган рус тилидаги таржима илова қилиниши лозим.

11-модда **Ҳамкорликни мувофиқлаштириш**

1. Ушбу Битим доирасида ҳамкорликни мувофиқлаштириш ўзбек томонидан Ички ишлар вазирлиги Ташкилий инспекторлик бошқармаси, Қозонистон томонидан Ички ишлар вазирлиги Штабига юклатилади.

2. Томонлар ушбу Битим қоидаларини бажаришда бевосита алоқа қиладиган бўлинмалар ҳамда улар ўртасидаги алоқа каналларини белгилайдилар.

12-модда **Бошқа халқаро шартномаларга муносабат**

Ушбу Битим қоидалари Томонларнинг улар давлатлари иштирок этган бошқа халқаро шартномалардан келиб чиқадиган ҳуқуқ ва мажбуриятларига дахл қилмайди.

13-модда **Ишчи учрашувлар ва маслаҳатлашувлар**

1. Томонларнинг вакиллари зарур ҳолларда ушбу Битим асосида ҳамкорликни мустаҳкамлаш, самарадорлигини ошириш масалаларини кўриб чиқиш мақсадида ишчи учрашувлари ва маслаҳатлашувлар ўтказиб турадилар.

2. Ушбу Битим қоидаларини талқин қилиш ва қўллашда келиб чиқиши

мумкин бўлган барча низоли масалалар Томонлар ўртасида маслаҳатлашувлар ҳамда музокаралар йўли билан ҳал қилинади.

14-модда **Ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш**

Томонларнинг ўзаро розилиги билан ушбу Битимга унинг ажралмас қисми ҳисобланувчи, алоҳида баённомалар билан расмийлаштириладиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

15-модда **Яқуний қоидалар**

Ушбу Битим имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва беш йил муддатга тузилади. Унинг амал қилиши, агар Томонлардан бири унинг амал қилишини тўхтатиш нияти борлиги тўғрисида муддат тугашидан камида олти ой олдин дипломатик каналлар орқали бошқа Томонни ёзма равишда хабардор қилмаса, кейинги беш йиллик даврларга ўз-ўзидан узаяди.

Битим қоидаларини талқин қилишда Томонлар ўртасида келишмовчиликлар юзага келганда, Томонлар рус тилидаги матнга мурожаат қиладилар.

Тошкент шаҳрида 2013 йил 14 июнда икки асл нусхада, ҳар бири ўзбек, қозоқ ва рус тилларида имзоланди, бунда барча матнлар бир хил кучга эга.

(имзолар)

СОГЛАШЕНИЕ **о сотрудничестве между Министерством внутренних дел** **Республики Узбекистан и Министерством внутренних дел** **Республики Казахстан***

Ташкент, 14 июня 2013 года

Министерство внутренних дел Республики Узбекистан и Министерство внутренних дел Республики Казахстан, в дальнейшем именуемые Сторонами, придавая важное значение развитию международного сотрудничества в сфере борьбы с преступностью и охраны правопорядка, обеспечению защиты прав и свобод человека,

исходя из обоюдного желания укреплять взаимодействие Сторон на основе принципов равноправия и взаимовыгодного сотрудничества,

* Вступило в силу со дня подписания.

руководствуясь положениями Соглашения между Правительством Республики Узбекистан и Правительством Республики Казахстан о сотрудничестве в борьбе с преступностью от 30 октября 1998 года,

согласились о нижеследующем:

Статья 1

Сфера сотрудничества

Стороны сотрудничают в соответствии с положениями настоящего Соглашения, действуя в пределах своей компетенции, с соблюдением национальных законодательств и международных обязательств своих государств.

Настоящее Соглашение не затрагивает вопросов выдачи и оказания правовой помощи по уголовным делам.

Статья 2

Направления сотрудничества

1. Стороны осуществляют взаимодействие в предупреждении, выявлении, пресечении и раскрытии преступлений, и прежде всего:

преступлений против личности, а также против собственности;

террористических актов — в пределах компетенции, предусмотренной национальными законодательствами государств Сторон;

коррупции и проявлений организованной преступности;

торговли людьми, органами и тканями человека;

похищений людей и эксплуатации проституции;

незаконного оборота огнестрельного оружия, боеприпасов, взрывных (взрывчатых) и ядовитых веществ, а также радиоактивных материалов;

незаконного производства и оборота наркотических средств, психотропных веществ и их прекурсоров, а также веществ, используемых в процессе их изготовления;

изготовления и сбыта поддельных денежных знаков, официальных государственных документов, ценных бумаг, а также кредитных и расчетных карт и иных платежных средств;

связанных с нарушением прав интеллектуальной собственности;

связанных с хищением и контрабандой культурных и исторических ценностей;

преступлений на транспорте;

в сфере информационных технологий;

хищений автотранспортных средств и незаконных операций с ними.

2. Стороны также взаимодействуют по следующим направлениям:

охрана общественного порядка;

обеспечение безопасности дорожного движения;

борьба с незаконной миграцией и контроль за соблюдением правил пребывания иностранцев;

обеспечение общественной безопасности при ликвидации последствий

аварий, пожаров, стихийных бедствий и при других чрезвычайных ситуациях в приграничных районах государств Сторон;

сопровождение и охрана ценных и специальных грузов;

идентификация (установление) неопознанных трупов, личности неизвестных больных и детей, а также лиц, не способных по состоянию здоровья или возраста сообщить данные о своей личности;

идентификация личности преступников по следам пальцев рук, изъятым с мест совершения тяжких и особо тяжких преступлений;

организация исполнения уголовных наказаний;

контроль за соблюдением требований разрешительной системы;

организация взаимодействия по документам, удостоверяющим личность граждан государств Сторон;

научно-исследовательская деятельность, развитие информационных и телекоммуникационных систем, разработка и использование специальных средств и систем связи, техники и оборудования;

обеспечение информационной безопасности;

организация шифрованной связи в целях обеспечения режима секретности при проведении оперативных мероприятий и обмене оперативной информацией;

подготовка и повышение квалификации кадров;

организация статистического учета;

развитие культурных и спортивных связей;

оказание содействия в лечении и санаторно-курортном оздоровлении сотрудников Сторон и членов их семей;

высылка личных дел бывших сотрудников, проходивших службу в ОВД, при приеме вновь на службу, осуществляющаяся по запросам Сторон.

Статья 3

Формы сотрудничества

В целях реализации положений статьи 2 настоящего Соглашения Стороны осуществляют сотрудничество в следующих формах:

обмен представляющей интерес информацией о готовящихся или совершенных преступлениях и причастных к ним лицах;

исполнение запросов о проведении оперативно-розыскных мероприятий, не требующих санкции прокурора (суда);

розыск лиц, скрывающихся от уголовного преследования или исполнения приговора, без вести пропавших лиц, а также иных лиц в случаях, предусмотренных законодательством государств Сторон;

обмен информацией о новых видах наркотических средств, психотропных веществ и их прекурсоров, появившихся в незаконном обороте, о технологиях их изготовления и используемых при этом веществах, а также о новых методах исследования и идентификации наркотических средств и психотропных веществ;

розыск и возвращение в установленном порядке предметов (вещей),

имеющих номера или специфические отличительные признаки, в том числе автотранспортных средств и огнестрельного оружия, а также ценных бумаг и паспортов (удостоверений личности), похищенных на территориях государств Сторон;

обмен информацией о проведении мероприятий по обеспечению охраны общественного порядка при чрезвычайных ситуациях (карантины, массовые беспорядки, стихийные бедствия в приграничных районах государств);

обмен опытом работы, в том числе проведение стажировок, консультаций, семинаров и учебных курсов;

обмен законодательными и иными нормативно-правовыми актами, касающимися деятельности органов внутренних дел, содействие в приобретении учебной и методической литературы;

проведение совместных научных исследований по проблемам, представляющим взаимный интерес;

обмен данными о состоянии криминогенной обстановки и тенденциях ее развития в своих государствах.

Статья 4 **Развитие сотрудничества**

Настоящее Соглашение не препятствует Сторонам в определении и развитии иных взаимоприемлемых направлений и форм сотрудничества при соблюдении условий, определенных в статье 1 настоящего Соглашения.

Статья 5 **Запросы об оказании содействия**

1. Сотрудничество в рамках настоящего Соглашения осуществляется на основании запросов заинтересованной Стороны об оказании содействия или по инициативе одной из Сторон, предполагающей, что такое содействие представляет интерес для другой Стороны.

2. Запрос об оказании содействия направляется в письменной форме. В безотлагательных случаях запросы могут передаваться устно, однако не позднее чем через семь суток они должны быть подтверждены письменно, в том числе с использованием технических средств передачи текста.

При возникновении сомнения в подлинности или содержании запроса может быть запрошено дополнительное подтверждение.

3. Запрос об оказании содействия должен содержать:

наименование органа, запрашивающего содействие, и запрашиваемого органа, если он известен;

изложение существа дела;

указание цели и обоснование запроса;

описание содержания запрашиваемого содействия;

любую другую информацию, которая может быть полезна для надлежащего исполнения запроса.

4. Запрос об оказании содействия, переданный или подтвержденный в

письменной форме, подписывается руководителем запрашивающего органа или его заместителем и удостоверяется гербовой печатью запрашивающего органа.

5. При необходимости к запросу прилагаются соответствующие документы или их надлежащим образом заверенные копии, фотографии, иным носители информации, необходимые для исполнения или облегчающие исполнение запроса.

Статья 6

Отказ в оказании содействия

1. В оказании содействия в рамках настоящего Соглашения отказывается полностью или частично, если запрашиваемая Сторона полагает, что выполнение запроса может нанести ущерб суверенитету, безопасности, общественному порядку или другим существенным интересам ее государства либо противоречит национальному законодательству или международным обязательствам ее государства.

2. В оказании содействия может быть отказано, если деяние, в связи с которым поступил запрос, не является преступлением по национальному законодательству государства запрашиваемой Стороны.

3. При наличии возможности запрашиваемая Сторона до вынесения решения об отказе в оказании содействия на основании пунктов 1 и 2 настоящей статьи проводит консультации с запрашивающей Стороной для рассмотрения вопроса о том, может ли быть оказано содействие при соблюдении тех условий, которые запрашиваемая Сторона считает необходимыми. Запрашивающая Сторона соблюдает условия, на основе которых ей оказывается содействие.

4. Запрашивающая Сторона письменно уведомляется о полном или частичном отказе в исполнении запроса с указанием причин отказа.

Статья 7

Исполнение запроса

1. Запрашиваемая Сторона принимает все необходимые меры для обеспечения быстрого и возможно более полного исполнения запроса.

Запрашивающая Сторона незамедлительно уведомляется об обстоятельствах, препятствующих исполнению запроса или существенно задерживающих его исполнение.

2. Запрашиваемая Сторона вправе запросить дополнительные сведения, необходимые, по ее мнению, для надлежащего исполнения запроса.

3. При исполнении запроса применяется законодательство государства запрашиваемой Стороны, однако, по просьбе запрашивающей Стороны может быть применено законодательство ее государства, если это не противоречит основным принципам законодательства или международным обязательствам государства запрашиваемой Стороны.

4. Если запрашиваемая Сторона полагает, что немедленное исполнение запроса может помешать уголовному преследованию или иному производ-

ству, осуществляемому в ее государстве, она может отложить исполнение запроса или связать его исполнение с соблюдением условий, определенных в качестве необходимых после консультаций с запрашивающей Стороной. Если запрашивающая Сторона согласна на оказание ей содействия на предложенных условиях, она должна соблюдать эти условия.

5. Запрашиваемая Сторона по просьбе запрашивающей Стороны принимает необходимые меры для обеспечения конфиденциальности факта поступления запроса, содержания этого запроса и сопровождающих его документов, а также факта оказания содействия.

В случае невозможности исполнения запроса без сохранения конфиденциальности запрашиваемая Сторона информирует об этом запрашивающую Сторону, которая решает, следует ли исполнять запрос на таких условиях.

Статья 8

Ограничения использования полученной информации и документов

1. Каждая Сторона обеспечивает конфиденциальность информации и документов, полученных в рамках настоящего Соглашения от другой Стороны, если они носят закрытый характер или если передающая Сторона считает нежелательный их разглашение. Степень закрытости такой информации и документов определяется передающей Стороной.

2. При наличии соответствующей просьбы запрашиваемой Стороны результаты исполнения запроса, полученные в соответствии с настоящим Соглашением, не могут без предварительного на то согласия быть использованы в целях иных, чем те, которые были указаны в запросе.

3. Для передачи третьей стороне сведений, полученных одной Стороной на основании настоящего Соглашения, требуется письменное согласие Стороны, предоставившей эти сведения.

4. При наличии соответствующей просьбы запрашиваемой Стороны результаты исполнения запроса не разглашаются запрашивающей Стороной или используются только на заранее оговоренных условиях.

5. Использование в иных целях или разглашение результатов исполнения запроса не исключается, если законодательством государства запрашивающей Стороны предусмотрено обязательство действовать таким образом. Запрашивающая Сторона заранее уведомляет запрашиваемую Сторону о возможном и предполагаемом таком использовании или разглашении.

Статья 9

Расходы

Стороны самостоятельно несут расходы, возникающие в ходе выполнения ими настоящего Соглашения, в пределах средств, предусмотренных национальными законодательствами государств Сторон, если в каждом конкретном случае не будет согласован иной порядок.

Статья 10 **Языки**

Стороны при осуществлении сотрудничества в рамках настоящего Соглашения, как правило, пользуются русским языком. При использовании государственного языка необходимо прилагать заверенный перевод на русский язык.

Статья 11 **Координация сотрудничества**

1. Координация мероприятий по сотрудничеству Сторон в рамках настоящего Соглашения возлагается с Узбекской Стороны на Организационно-инспекторское Управление Министерства внутренних дел Республики Узбекистан, с Казахской Стороны — на Штаб Министерства внутренних дел Республики Казахстан.

2. Стороны определяют свои структурные подразделения, которые могут устанавливать непосредственные контакты во исполнение положений настоящего Соглашения, и каналы связи между ними.

Статья 12 **Отношение к другим международным договорам**

Положения настоящего Соглашения не затрагивают права и обязательства Сторон, вытекающие из других международных договоров, участниками которых являются их государства.

Статья 13 **Рабочие встречи и консультации**

1. Представители Сторон будут при необходимости проводить рабочие встречи и консультации в целях рассмотрения вопросов укрепления и повышения эффективности сотрудничества в рамках настоящего Соглашения.

2. Все спорные вопросы, которые могут возникнуть в связи с толкованием или применением настоящего Соглашения, решаются Сторонами путем консультаций и переговоров.

Статья 14 **Внесение изменений и дополнений**

В настоящее Соглашение по взаимному согласию Сторон могут вноситься изменения и дополнения, являющиеся его неотъемлемыми частями и оформляемые отдельными протоколами.

Статья 15 **Заключительные положения**

Настоящее Соглашение вступает в силу со дня его подписания и заключается сроком на пять лет. Действие настоящего Соглашения автомати-

чески продлевается на последующие пятилетние периоды, если ни одна из Сторон не направит по дипломатическим каналам другой Стороне не менее, чем за шесть месяцев до истечения текущего периода уведомление о своем намерении прекратить его действие.

В случае возникновения разногласий между Сторонами при толковании положений настоящего Соглашения Стороны обращаются к тексту на русском языке.

Совершено в городе Ташкенте 14 июня 2013 года в двух экземплярах, каждый на узбекском, казахском и русском языках, причем все тексты имеют одинаковую силу.

(подписи)

**Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари
вазирлиги билан Қозоғистон Республикаси Маданият ва
ахборот вазирлиги ўртасида маданият соҳасида
2013 — 2015 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик
ДАСТУРИ***

Тошкент, 2013 йил 14 июнь

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги билан Қозоғистон Республикаси Маданият ва ахборот вазирлиги, бундан кейин «Томонлар» деб аталувчилар,

кўп асрлик умумий тарихий ривожланишга, анъанавий маданий-гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий алоқаларга асосланиб,

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Қозоғистон Республикаси Ҳукумати ўртасида маданият, соғлиқни сақлаш, фан, таълим, туризм ва спорт соҳаларида ҳамкорликни чуқурлаштириш тўғрисида 1994 йил 10 январда имзоланган Битимга амал қилиб,

соҳавий ҳамкорлик дастурлари шаклидаги идоралараро шериклик тажрибасини ижобий баҳолаб,

ва бу тажрибани ривожлантиришга қарор қилиб,

қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:

1-модда

Томонлар ушбу Дастур ва унинг ажралмас қисми сифатида унга илова

* Имзоланган кундан кучга кирган.

қилинган Тадбирлар режасига мувофиқ маданият ва санъат соҳасида ҳамкорлик қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратадилар.

2-модда

Ҳар бир Томон ўз ваколати доирасида ва ўз давлатининг миллий қонунчилигига мувофиқ, бошқа Томоннинг тадқиқотчилари ва расмий шахслари учун ўз давлатларидаги музей ва музей-қўриқхоналари фондларидан фойдаланиш учун рухсатни таъминлашда кўмаклашадилар.

Томонлар бир-бирлари билан Томонлар давлатларининг тарихи ва маданияти учун илмий аҳамиятга эга бўлган масалалар бўйича маълумот алмашишни (электрон ва қоғоз шаклида) фаол йўлга қўядилар.

Томонлар олинган маълумотдан фақат илмий мақсадларда фойдаланишда ва уни учинчи шахсга беришда, уни тақдим қилган Томоннинг олдиндан розилигини олиши лозим.

3-модда

Томонлар тарихни ва маданий обидаларни реставрация қилиш, консервациялаш ва музейлаштириш масалалари бўйича бир-бирларига консултатив ёрдам кўрсатадилар.

4-модда

Томонлар ўзбек ва қозоқ ижодий жамоалари ва ижрочиларининг Томонлар давлатлари ҳудудларида ўтказиладиган халқаро фестиваллар ва танловларда иштирок этишига кўмаклашадилар.

5-модда

Томонлар ўзларининг ваколатлари доирасида Қозоғистон Республикасидаги ўзбек диаспораси ва Ўзбекистон Республикасидаги қозоқ диаспораси ташаббуслари билан ўтказиладиган халқлар ўртасида дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга қаратилган маданий тадбирларни ташкил қилишда кўмаклашадилар.

6-модда

Томонлар олдиндан келишув асосида, ушбу Дастурнинг амал қилиши ниҳоясига қадар расмий делегациялар ташрифлари билан алмашадилар.

7-модда

Ҳар бир Томон ушбу Дастур амал қилиш даврида ўзининг расмий веб-сайтида бошқа Томоннинг веб-сайти ва логотипига ҳаволани, шунингдек ушбу Дастур матнини жойлаштирадилар.

8-модда

Ушбу Дастурда назарда тутилган барча фаолият турлари Томонлар дав-

латларининг миллий қонунчилигига асосан амалга оширилади ва молиялаштирилади.

Бунда, агар ҳар бир алоҳида ҳолатда харажатларни молиялаштириш билан боғлиқ бошқача тартиб келишиб олинмаса, ҳар бир Томон мустақил равишда, ушбу Дастурни амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни қоплайди.

9-модда

Ушбу Дастур қоидаларини талқин қилиш ёки қўллашда келишмовчиликлар юзага келган ҳолда, Томонлар уларни музокаралар ва маслаҳатлашувлар йўли билан ҳал қиладилар.

Томонларнинг ўзаро келишуви бўйича ушбу Дастурга, унинг ажралмас қисми бўлган тегишли баённомаларни имзолаш йўли билан, ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

Ушбу Дастур имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва 2015 йил 31 декабрга қадар амал қилади.

Тошкент шаҳрида 2013 йил 14 июнда икки асл нусхада, ҳар бири ўзбек, козоқ ва рус тилларида тузилди, бунда барча матнлар бир хил кучга эга.

Ушбу Дастур қоидаларини талқин қилишда келишмовчиликлар юзага келган ҳолда, Томонлар рус тилидаги матнга мурожаат қиладилар.

(имзолар)

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари
вазирлиги билан Қозоғистон Республикаси Маданият ва
ахборот вазирлиги ўртасида маданият соҳасида 2013 —
2015 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик Дастурига
ИЛОВА

Тадбирлар режаси

№	Тадбирлар мазмуни	Ўтказиш муддатлари	Масъуллар	
			Ўзбекистон Республикаси	Қозоғистон Республикаси
1.	Қозоғистон Республикасида ўтказиладиган халқаро мусиқа ва рақс фестиваллари, хонандалар, пианиночилар, скрипкачилар, балет артистларининг халқаро танловларида ўзбек маданият ва санъат арбобларининг иштирок этиши	2013 — 2015 йиллар	Маданият ва спорт ишлари вазирлиги (кейинги ўринларда — МСВ)	Маданият ва ахборот вазирлиги (кейинги ўринларда — МАВ)
2.	Қозоғистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси театр жамоаларининг Томонлар давлатлари ҳудудларида ўтказиладиган театр фестивалларида иштирок этиши	2013 — 2015 йиллар	МСВ	МАВ
3.	Қозоғистон rassomларининг Тошкент — 2013 замонавий санъат биенналесида иштирок этиши	2013 йил	Ўзбекистон Бадий академияси	МАВ
4.	Қозоғистон маданият ва санъат арбобларининг «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида иштирок этиши	2013 йил	МСВ	МАВ
5.	Қозоғистон Республикаси фотосуратчиларининг Тошкент халқаро фотосуратчилар биенналесида — 2014да иштирок этиши	2014 йил	Ўзбекистон Бадий академияси	МАВ
6.	Қозоғистон Республикасида ўтказиладиган Халқаро кино-фестивалларда ўзбек вакилларининг иштирок этиши	2013 — 2015 йиллар	«Ўзбеккино» МА	МАВ
7.	«Тошкент қувончлари — 2014» халқаро болалар расмлари биенналесида қозоқ вакилларининг иштирок этиши	2014 йил	Ўзбекистон Бадий академияси	МАВ
8.	Қозоғистонлик rassomларининг Тошкент — 2015 замонавий санъат биенналесида иштирок этиши	2015 йил	Ўзбекистон Бадий академияси	МАВ
9.	Тошкентда ўтказиладиган тасвирий санъат ҳафталигида қозоғистонлик rassomларнинг иштирок этиши	ҳар йили (апрель)	Ўзбекистон Бадий академияси	МАВ

№	Тадбирлар мазмуни	Ўтказиш муддатлари	Масъуллар	
			Ўзбекистон Республикаси	Қозоғистон Республикаси
10.	Қозоғистон Республикасида ўтказиладиган бадий санъат соҳасидаги халқаро кўргазма, конференция, семинар ва бошқа тадбирларда ўзбек вакилларининг иштирок этиши	2013 — 2015 йиллар	Ўзбекистон Бадий академияси	МАВ
11.	«Ортеке» халқаро кўғирчоқлар театрлари фестивалида ўзбек вакилларининг иштирок этиши	2013 — 2015 йиллар	МСВ	МАВ
12.	«Евразия» халқаро кинофестивалида ўзбек вакилларининг иштирок этиши	2013 — 2015 йиллар	МСВ, «Ўзбеккино» МА	МАВ
13.	Қозоғистон халқ рассоми А. Исмоилов ижодига бағишланган халқаро конференцияда ўзбек вакилларининг иштирок этиши	2013 йил	Ўзбекистон бадий академияси	А. Кастеев номидаги Давлат санъат музейи
14.	«Буюк дашт кўшиғи» анъанавий ижрочилик санъати халқаро фестивалида ўзбек санъаткорларининг иштирок этиши	2014 йил	МСВ	МАВ
15.	«Опералия» халқаро мусиқа фестивалида ўзбек санъаткорларининг иштирок этиши	2013 — 2015 йиллар	МСВ	МАВ

ПРОГРАММА
сотрудничества между Министерством по делам культуры и
спорта Республики Узбекистан и Министерством культуры и
информации Республики Казахстан в области культуры
на 2013 — 2015 годы*

Ташкент, 14 июня 2013 года

Министерство по делам культуры и спорта Республики Узбекистан и Министерство культуры и информации Республики Казахстан, именуемые далее «Сторонами»,

основываясь на многовековой общности исторического развития, традиционных культурно-гуманитарных и социально-экономических связях,

руководствуясь Соглашением между Правительством Республики Узбекистан и Правительством Республики Казахстан об углублении сотрудничества в области культуры, здравоохранения, науки, образования, туризма и спорта от 10 января 1994 года,

положительно оценив опыт межведомственного партнерства в форме отраслевых программ сотрудничества,

и приняв решение развивать этот опыт,

согласились о нижеследующем:

Статья 1

Стороны создают благоприятные условия для сотрудничества в области культуры и искусства в соответствии с настоящей Программой и прилагаемым к ней Планом мероприятий, который является ее неотъемлемой частью.

Статья 2

Каждая сторона в рамках своей компетенции и в соответствии с национальным законодательством своего государства оказывает содействие в обеспечении доступа к фондам музеев и музеев-заповедников своего государства для исследователей и официальных лиц другой Стороны.

Стороны налаживают между собой активный информационный обмен (на электронных и бумажных носителях) по вопросам, представляющим научный интерес для истории и культуры государств Сторон.

Стороны обязуются использовать и передавать полученную информацию третьим лицам исключительно в научных целях и только с предварительного согласия Стороны, ее предоставившей.

Статья 3

Стороны намерены оказывать друг другу консультативную помощь по вопросам реставрации, консервации и музеефикации памятников истории и культуры.

* Вступила в силу со дня подписания.

Статья 4

Стороны содействуют участию узбекских и казахстанских творческих коллективов и исполнителей на международных фестивалях и конкурсах, проводимых на территориях государств Сторон.

Статья 5

Стороны в рамках своей компетенции оказывают содействие в организации культурных мероприятий, направленных на укрепление и развитие дружественных отношений между народами, проводимых по инициативам узбекской диаспоры в Республике Казахстан и казахской диаспоры в Республике Узбекистан.

Статья 6

По предварительной договоренности Стороны до конца действия настоящей Программы обмениваются визитами официальных делегаций.

Статья 7

Каждая из Сторон на время действия настоящей Программы разместит на своем официальном веб-сайте ссылку на вебсайт и логотип другой Стороны, а также текст настоящей Программы.

Статья 8

Все виды деятельности, предусмотренные настоящей Программой, осуществляются и финансируются согласно национальным законодательствам государств Сторон.

При этом каждая Сторона самостоятельно несет расходы, связанные с реализацией настоящей Программы, если в каждом отдельном случае не будет оговорен иной порядок финансирования затрат.

Статья 9

В случае возникновения разногласий при толковании или применении положений настоящей Программы Стороны будут решать их путем переговоров и консультаций.

По взаимному согласию Сторон в настоящую Программу могут вноситься изменения и дополнения путем подписания соответствующих протоколов, являющихся неотъемлемой частью настоящей Программы.

Настоящая Программа вступает в силу со дня подписания и действует до 31 декабря 2015 года.

Совершено в городе Ташкенте 14 июня 2013 года в двух экземплярах, каждый на узбекском, казахском и русском языках, причем все тексты имеют одинаковую силу.

В случае возникновения разногласий при толковании положений настоящей Программы Стороны будут обращаться к тексту на русском языке.

(подписи)

ПРИЛОЖЕНИЕ
к Программе сотрудничества между Министерством по делам культуры и спорта Республики Узбекистан и Министерством культуры и информации Республики Казахстан в области культуры на 2013 — 2015 годы

План мероприятий

№	Содержание мероприятий	Сроки проведения	Ответственные	
			Республика Узбекистан	Республика Казахстан
1.	Участие узбекских деятелей культуры и искусства в международных фестивалях музыки и танца, международных конкурсах вокалистов, пианистов, скрипачей, артистов балета, проводимых в Республике Казахстан	2013 — 2015 годы	Министерство по делам культуры и спорта (далее — МКС)	Министерство культуры и информации (далее — МКИ)
2.	Участие театральных коллективов Республики Казахстан и Республики Узбекистан в театральных фестивалях, проводимых на территориях государств Сторон	2013 — 2015 годы	МКС	МКИ
3.	Участие казахстанских художников в Ташкентском Биеннале современного искусства — 2013	2013 год	Академия художеств Узбекистана	МКИ
4.	Участие казахстанских деятелей культуры и искусства в Международном музыкальном фестивале «Шарк тароналари» («Мелодии Востока»)	2013 год	МКС	МКИ
5.	Участие фотографов Республики Казахстан в Международном Ташкентском фотобиеннале — 2014	2014 год	Академия художеств Узбекистана	МКИ
6.	Участие узбекских представителей в международных кинофестивалях, проводимых в Республике Казахстан	2013 — 2015 годы	«Узбеккино» НА	МКИ
7.	Участие казахстанских представителей в Международном Биеннале детских рисунков «Радости Ташкента — 2014»	2014 год	Академия художеств Узбекистана	МКИ
8.	Участие казахстанских художников в Ташкентском Биеннале современного искусства — 2015	2015 год	Академия художеств Узбекистана	МКИ
9.	Участие казахстанских художников на неделе изобразительного искусства в Ташкенте	Ежегодно (апрель)	Академия художеств Узбекистана	МКИ

№	Содержание мероприятий	Сроки проведения	Ответственные	
			Республика Узбекистан	Республика Казахстан
10.	Участие узбекских представителей в международных выставках, конференциях, семинарах и других мероприятиях в области художественного искусства, проводимых в Республике Казахстан	2013 — 2015 годы	Академия художеств Узбекистана	МКИ
11.	Участие узбекских представителей в Международном фестивале театров кукол «Ортеке»	2013 — 2015 годы	МКС	МКИ
12.	Участие узбекских представителей в Международном кинофестивале «Евразия»	2013 — 2015 годы	МКС «Узбеккино» НА	МКИ
13.	Участие узбекских представителей в Международной конференции, посвященной творчеству Народного художника Казахстана А. Исмаилова	2013 год	Академия художеств Узбекистана	Государственный музей искусств имени А. Кастеева
14.	Участие узбекских артистов в Международном фестивале традиционного исполнительского искусства «Музыка Великой степи»	2014 год	МКС	МКИ
15.	Участие узбекских артистов в Международном музыкальном фестивале «Опералия»	2013 — 2015 годы	МКС	МКИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАРИ ТЎПЛАМИ**

Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари тўплами / Сборник международных договоров Республики Узбекистан. 1-2 (37-38)-сон, 2013. — 116 б.

© Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2013 й.

Тахрир кенгаши:

*Н.Т. Йўлдошев, Э.Т. Арипов, М.М. Икрамов,
М. Азимов, Д.А. Огай*

Тахририят манзили:

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 100047,
Тошкент ш., Сайилгоҳ кўчаси, 5.
Тел.: 233-73-28, 236-73-98.

Нашрга тайёрлаганлар:

Ф.Ш. Тожиев, А.А. Сайдахмедов, Ф.Э. Эркинов

Компьютерда саҳифаловчи: *Ш.Ш. Қурбонбоев*
Мусаҳҳихлар: *Д.Д. Дўстжонова, С.В. Артикова*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
хузуридаги «Адолат» нашриёти.

100000, Тошкент ш., Миробод тумани, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Обуна масалалари бўйича тел./ф.: 233-84-80, 233-94-36, 233-67-65.

Босишга рухсат этилди 21.09.2013. Бичими 70x108^{1/16}.
Ҳажми 7,25 б.т. Адади 1800 нусха, буюртма — 328.

«Ф. Фулом» Нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилди,
100128, Тошкент ш., Шайхонтохур кўчаси, 86-уй.